

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

З.А.АМИРОВ

ХАЛҚАРО СУДЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ ВА МИЛЛИЙ СУДЛАРДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

ўқув қўлланма

Тошкент-2022

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 25 ноябрдаги 388-сонли буйруғига асосан ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган.

УДК: _____

ББК: _____

С 39

Амиров З.А.

Халқаро судларнинг шаклланиш тарихи ва миллий судларда халқаро ҳуқуқ нормаларининг қўлланилиши. Ўқув қўлланма. — Тошкент. «-----» нашриёти. 2022. — 180 б.

Масъул муҳаррир:

Г. Юлдашева — юридик фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар:

Б.Б.Самарходжаев - юридик фанлари доктори, профессор, Судьялар олий мактаби кафедра мудири.

Ф.Мируктамова - юридик фанлари бўйича фалсафа доктори, Тошкент давлат юридик университети «Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари» кафедраси доценти в/б.

Н.Дадабаева - Судьялар олий мактаби «Касбий кўникмалар» кафедраси доценти в/б.

Мазкур ўқув қўлланмада халқаро судлар, уларнинг турлари ва халқаро судларнинг шаклланиш тарихи кенг ёритиб берилиши билан бирга халқаро ҳуқуқ манбалари ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Шунингдек, миллий судлар томонидан халқаро ҳуқуқ нормаларининг қўлланилиши ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро механизмлар таҳлил қилинган. Бундан ташқари, муаллиф томонидан миллий ҳуқуқ нормалари ва халқаро ҳуқуқ нормаларидан фойдаланган ҳолда ҳар бир суд йўналишига оид муаммоли вазиятлар бўйича кейслар тайёрланиб, аниқ амалий мисоллар ёрдамида ёритиб берилган.

Ўқув қўлланма судьялар, юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ мутасадди ташкилотлар, ҳуқуқшуносликка ихтисослашган олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари, докторантлар, тадқиқотчилар, 5A240121 – Суд фаолияти(фаолият турлари бўйича) магистратура тингловчилари, талабалар ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларининг судларда қўлланилишига бевосита қизиқувчи кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

© З.А.Амиров, Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби, 2022 й.

МУНДАРИЖА

Кириш сўзи	4
1. Халқаро судларнинг шаклланиши ва уларнинг тарихий ривожланиш босқичлари	6
2. Халқаро судлар фаолиятига оид халқаро ҳуқуқий асослар ..	52
3. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро механизмлари	64
4. Миллий судларда халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш ва унинг ўзига хос хусусиятлари	93
Суд амалиётига оид казуслар	106
Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги икки томонлама халқаро шартномалари рўйхати ...	154
Ўзбекистон республикаси томонидан имзоланган икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш тўғрисидаги амалдаги халқаро шартномалар	163
Органиграмма	165
Аббревиатура (қисқартмалар)	166
Асосий тушунчалар(гlossарий)	167
Адабиётлар рўйхати	172

КИРИШ СЎЗИ

*Инсон ҳуқуқлари нафақат миллий даражада,
балки, халқаро даражада ҳам ҳимоя қилинади.*

Зафар Амиров.

Маълумки, демократик тараққиёт йўлини танлаган ҳар қайси давлат олдида, авваламбор, ҳар жиҳатдан инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш, жамият ҳаётида инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш маданиятини юксалтириш, улар қалбида Конституция ва қонунлар асосида яшаш дунёқарашини шакллантиришдек катта вазифа туради. Ҳолбуки, инсон ҳуқуқлари – демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгисидир.

Шу жиҳатдан, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан саналади. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигини таъминлаш масаласи халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиб беришга қаратилган демократик ислохотларнинг бош мезонига айланиб бормоқда.

Мамлакатимизни 2017 — 2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислох этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди.

Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди¹. Мазкур чора-тадбирларнинг давоми сифатида 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни таъминлаш соҳасида аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар белгиланди.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. 2022 йил 28 январь.

Қолаверса, яқин ўн йилликда суд тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, адолатли судловдан фойдаланиш имкониятини оширишга қаратилган бажариши зарур бўлган биринчи вазифа сифатида “судлар фаолиятида халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидаги тамойиллар ва нормаларнинг кенгрок қўлланилишига эришиш” деб белгиланган².

Дарҳақиқат, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида жамиятимизнинг барча соҳасида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва изчил давом эттириш талаб этилади. Хусусан, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар нормаларини қўллаш амалиётини янада кенгайтириш лозим ҳисобланади. Судлар томонидан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномалар нормаларининг қўлланилиши одил судловни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, ҳар қандай демократик жамиятда судьялар инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг кафилидир. Шу жиҳатдан, судьялар фуқаролар олдида масъул бўлиб, тегишли миллий ва халқаро қонунчилик талаблари ҳамда ахлоқ-одоб мезонлари асосида ўз фаолиятида юксак даражадаги шаффофликни таъминлашга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июнда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6012-сон фармони талабларида судлар томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар нормаларининг судлар амалиётида қўлланилишини янада кенгайтириш вазифаси белгиланган. Мазкур фармонда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ушбу ўқув қўлланмани тайёрлашни мақсад қилдик. Шунингдек, унда халқаро судлар ва уларнинг фаолиятига оид халқаро ҳуқуқий манбалар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро механизмлари, миллий судларда халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш ва унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида миллий ва хорижий олимлар томонидан илгари сурилган қарашларни илмий-назарий таҳлил этдик.

2. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Мустақил ва одил судлов тизими. – Тошкент: 2021. 107-бет.

1. ХАЛҚАРО СУДЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш халқаро ҳуқуқнинг энг асосий вазифаларидан биридир. Ахлоқий меъёрлар унинг ривожланишини рағбатлантириб, ўсишига кўмак берган бўлса-да, халқаро ҳамжамият биринчи навбатда халқаро ҳуқуқни бутун дунёда тинчликни таъминлаш, хавфсизликни ўрнатиш ва сақлаш воситаси сифатида қабул қилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг 2-моддасига мувофиқ, низо ва зиддиятлар юзга келганда, давлатлар бундай низоли ҳолатларни тинч йўл билан шундай ҳал қилишлари керакки, бунда халқаро тинчлик, хавфсизлик ва адолатга хавф туғилмаслиги зарур³.

Низо ва зиддиятларни ҳал қилиш усуллари асосан икки тоифага ажратилади: дипломатик тартиб-таомиллар ва суд қарори. Дипломатик тартиб-таомиллар низоларни қарши томонларнинг ўзлари тарафидан, ёки муҳокама ва фактларни белгилаш усуллари билан фойдаланган ҳолда бошқа субъектлар ёрдамида ҳал қилишга уринишини кўзда тутади. Суд муҳокамаси тартиб-таомиллари эса тегишли ҳуқуқий ва амалий масалалар бўйича арбитраж тартибда ёки суд идоралари қарори бўйича қабул қилинган қарорини ўз ичига олади⁴.

Низоларни дипломатик ҳал қилиш усуллари музокаралар, беминнат хизматлар ва воситачилик, тергов ва келишув комиссияларини ўз ичига олади.

(1) Музокаралар

Низоларни ҳал қилиш учун фойдаланиладиган процедураларнинг ичида энг оддий ва кўп фойдаланиладиган шакли – бу музокаралардир. Музокаралар асосан манфаатдор тарафлар томонидан ҳар хил фикр-мулоҳазаларни яраштириш ёки жуда бўлмаганда, турли қарашларни тушуниш мақсадида муҳокама қилишдан иборат. Нима бўлган тақдирда ҳам, унда бирор бир учинчи томонлар иштирок этмайди ва у низоларни ҳал этишнинг бошқа шакллари-

3. Статъя 2(3) Устава ООН - <https://www.un.org/ru/about-us/un-charter/full-text>

4. Малкольн Шоу – 1894 - 1898

дан фарқ қилади. Бундан ташқари, музокаралар тартибга солишнинг жуда фаол усули ҳисобланиб, улар одатда томонлар ўзаро ҳал қилаётган тартибга солишнинг бошқа шаклларида аввал ўтказилади. Айнан ўзаро музокаралар йўли билан зиддиятлар моҳияти очилади ва қарама-қарши нуқтаи назарлар аниқланади. Музокаралар низоларни ҳал қилишнинг энг қонқарли воситаси ҳисобланади, чунки бу жараёнга томонлар бевосита жалб қилинган бўлади. Албатта, музокаралар ҳар доим ҳам муваффақиятли бўлавермайди. Сабаби, улар ҳақиқатан ҳам муайян даражада томонларнинг ўзаро ихтиёрий хоҳиш-истаги, мослашувчанлиги ва зийраклигига боғлиқ бўлади⁵.

(2) Беминнат хизматлар ва воситачилик

Беминнат хизматлар – бу баҳсларни ҳал қилишнинг шундай усулики, унда баҳсда иштирок этмаётган томон ўз ташаббуси билан ёки баҳслашаётган давлатлар илтимосига кўра тартибга солиш жараёнига киришади. Беминнат хизматларнинг мақсади томонлар ўртасида алоқаларни ўрнатиш ёки тиклашдан иборат. Бунда беминнат хизмат кўрсатаётган томон музокараларда иштирок этмайди; унинг вазифаси – баҳслашаётган томонларнинг ўзаро хатти-ҳаракатларини енгиллаштиришдан иборат.

Арбитраж ёки суд муҳокамасидан фарқли равишда бу жараён баҳслашаётган томонларни мустақил равишда бу низони тўхта-тиш учун қонқарли шартларга эришишга кўндиришга қаратилган. Низони ҳал қилиш шартлари кўзда тутилмаган.

Воситачиликда ўзаро баҳслашаётган давлатлар музокараларда мустақил иштирокчи сифатида иштирок этаётган учинчи шахсни (давлат, халқаро ташкилот вакили) танлайдилар⁶.

(3) Тергов ва келишув комиссиялари

Давлатларнинг обрў-эътибори, жиддий манфаатлари ва вазиятнинг амалдаги ҳолатини баҳолашдан келиб чиқадиган зиддиятларга дахл қилмайдиган халқаро мунозараларда томонлар факт-

5. Малкольн Шоу – 1898

6. В.Т. Батычко. Международное право/Конспект лекций. Таганрог: ТТИ ЮФУ, 2011. // Лекция 14. Право международной безопасности//14.5. Международно-правовые средства разрешения международных споров., стр 85.

лардаги масалаларни аниқлаштириш учун махсус халқаро орган – тергов комиссияси таъсис этишга ҳақли ҳисобланади. Комиссия томонидан тергов мунозарали тартибда амалга оширилади. Томонлар белгиланган муддатларда фактларни комиссияга баён этади. Зарур ҳужжатлар, шунингдек, тингланиши керак бўлган гувоҳлар ва экспертлар рўйхатини тақдим этади. Комиссия томонлардан қўшимча материалларни сўраб олиши мумкин. Муҳокама жараёнида гувоҳлар сўроқ қилинади. Бу ҳақда протокол(баённома) тузилади. Томонлар ҳамма тушунтириш ва исботларни тақдим этиб, барча гувоҳлар тинглангандан кейин тергов якунланган, деб эълон қилинади. Комиссия маъруза тайёрлайди. Комиссия доклади фактларни аниқлаш билан чекланади ва суднинг ҳал қилув қарори ёки арбитраж қарори кучига эга бўлмайди. Томонлар комиссия қароридан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Келишув комиссиялари халқаро амалиётда кенг тарқалган. Улар тергов комиссияларига нисбатан анча кенг ваколатларга эга. Келишув комиссиялари, одатда, фақат у ёки бу фактни аниқлаш билан чекланиб қолмай, балки баҳсли масалани ҳал қилишнинг тахминий вариантларини таклиф этадилар. Бироқ, арбитраж ва суддан фарқли равишда, иш бўйича якуний қарор комиссия ҳулосалари билан боғлиқ бўлмаган томонлар тарафидан қабул қилинади. 1985 йилда қабул қилинган Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш актининг қоидаларига мувофиқ, доимий келишув комиссияси бешта аъзодан иборат бўлади. Комиссиянинг биттадан аъзосини низолашаётган томонлар тайинлайди. Қолган учтаси учинчи давлатлар фуқаролари орасидан танлаб олинади. Аъзоларни танлашда қийинчилик туғилганда уларни тайинлаш вазифаси БМТ Бош Ассамблеяси раиси ва учинчи давлатлар зиммасига юкланади ёки қуръа ташлаш йўли билан аниқланади⁷.

Низоларни ҳал этишнинг судга оид усуллари дипломатик усуллардан фарқли равишда қарорларни мажбурий бажариш табиатига эга. Женнингс таъкидлашича, «суд жараёни нафақат анъана-

7. В.Т. Батычко. Международное право/Конспект лекций. Таганрог: ТТИ ЮФУ, 2011. // Лекция 14. Право международной безопасности//14.5. Международно-правовые средства разрешения международных споров., стр 87.



вий хукукий низолярни ҳал қилишга хизмат қилиши, балки анча мураккаб вазиятларда превентив дипломатиянинг муҳим воситаси бўлиб ҳам хизмат қилиши мумкин»⁸. Низолярни ҳал қилишнинг судга оид усуллари халқаро суд томонидан ишни суд орқали **тартибга солиш ёки арбитраж йўли** билан амалга оширилади.

(1) Халқаро судлар

Халқаро суд ва трибуналлар – бу мустақил судьялардан ташкил топган суд органлари бўлиб, уларга халқаро ҳуқуқ асосида томонлар бажариши шарт бўлган, аввалдан белгиланган қарор чиқариш қоидалари ва тартиб-таомилларининг муайян мажмуига мувофиқ ҳал қилиш топширилган⁹. Халқаро судлар доимий фаолият олиб борадиган (**институционал**) ҳамда муайян низони кўриб чиқиш учун махсус тузилган бўлиши мумкин (**ad hoc**)¹⁰.

Халқаро судларни тузиш концепциясини яратиш халқаро низолярни тинч йўл билан тартибга солиш усулларини ишлаб чиқишга оид узоқ давом этадиган жараённинг энг авж нуктаси бўлди.

Халқаро низолярни тартибга солиш учун суд жараёнини ривожлантириш концепциясини яратиш бўйича асосий дастлабки шарт – бу дунё давлатларининг бутун жаҳонда тинчликни сақлаш истаги бўлди. 1899 йилда рус подшоси Николай II нинг

8. R. Y. Jennings, 'Presentation', in *Increasing the Effectiveness of the International Court of Justice* (ed. C. Peck and R. S. Lee), The Hague, 1997, p. 79

9. Max Planck Encyclopedias of International Law - <https://opil.ouplaw.com/view/10.1093/law:epil/9780199231690/law-9780199231690-e35>

10. <https://www.justice.gov/jmd/lis/international-courts#international>

ташаббуси билан чақирилган Гаага тинчлик конференцияси жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни узоқ вақт давомида сақлаш йўллари бўйича музокараларнинг бошланиши эди. Етакчи Ғарб мамлакатларидан ташқари, конференцияда баъзи Осиё давлатлари ҳам иштирок этди. «Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш тўғрисида»ги Конвенциянинг қабул қилиниши конференциянинг энг юқори нуқтаси бўлди.

1899 йилги Гаага тинчлик конференциясининг асосий янгилиги халқаро тортишув(низо)ларни тартибга солиш учун судларни ташкил этиш имконини берувчи доимий механизмнинг яратилиши бўлди. **Доимий арбитраж суди (Permanent Court of Arbitration)** номи билан маълум бўлган бу муассаса Конвенцияга қўшилган ҳар бир давлат томонидан тайинланган ҳуқуқшунослар гуруҳидан ташкил топади. Конвенция, шунингдек, Гаагада жойлашган суд идораси ёки котибият вазифаларига мос келадиган доимий бюро ҳам тузди ва Конвенция ишни олиб боришни тартибга солувчи процедура қоидалари мажмуини белгилади. Шу тартибда доимий тизим ташкил этилди. Конвенция эса ишни олиб бориш ҳуқуқи ва амалиётини «тизимлаштирди» ва бу билан уларни янада аниқ ва янада умум қабул қилинган негизга ўрнатди. Доимий арбитраж суди 1900 йилда ташкил этилиб, ўз фаолиятини 1902 йилда бошлади¹¹.

Доимий арбитраж суди доимий табиатга эга бўлмаса-да, яъни давлатлар ўз розиликларисиз суд олдида жавобгарликка тортила олмасалар-да, доимий суд ташкил этиш ғояси давлат арбоблари ва ҳуқуқшуносларни халқаро суд трибунали ташкил этишга илҳомлантирди. Бироқ, Биринчи Жаҳон уруши тугагунча ҳам ҳеч қандай узоқ муддатли муайян қадамлар амалга оширилмади. 1919 йилда Версал битими билан «халқаро ҳамкорликка қўмаклашиш ва тинчлик ҳамда хавфсизликка эришиш учун» ўз соҳасида илк халқаро ташкилот – Миллатлар Лигаси ташкил этилди¹².

Миллатлар Лигаси пакти бутунжаҳон судини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифларни ифодалашни талаб қилди. 1920 йилда

11. <https://www.icj-cij.org/en/history>

12. <https://www.un.org/en/about-us/history-of-the-un/predecessor>

Халқаро одил судлов доимий палатаси (кейинги ўринларда ХОСДП) ташкил этилди. Арбитраж билан биргаликда Доимий суд халқаро ҳамжамиятга анча кенг қамровли хизмат кўрсатиш тизимини таъминлашга қаратилган. У мажбурий табиатга эга бўлган ҳуқуқий ва ташкилий негиз контекстида низоларни тартибга солишнинг оддий усулларини тақдим этиш йўли билан зўравонликнинг олдини олиш услуги сифатида тузилган эди¹³. Миллатлар Лигаси Пактининг 14-моддаси Лига Кенгаши зиммасига нафақат халқаро кўринишдаги ҳар қандай низоларни ўрганиш ва ҳал этишда, балки унга Миллатлар Лигаси Кенгаши ёки Ассамблеяси томонидан берилган ҳар қандай низо ёки масала бўйича маслаҳат қарорини чиқаришга ваколатли бўлган ХОСДП ташкил қилиш бўйича режаларни ишлаб чиқиш маъсулиятини юклади¹⁴.

1922 ва 1940 йиллар оралиғида ХОСДП давлатлар ўртасидаги 29 та мунозарали ишларни кўриб чиқди ва 27 та маслаҳат хулосаларини чиқарди. Шу билан бир вақтда, муайян низолар тоифаси бўйича унинг юрисдикциясига бир неча юзлаб битим, конвенция ва декларациялар тақдим этилди. Шу тарзда, доимий халқаро суд трибунали амалда самарали фаолият кўрсата оладими, каби тусдаги барча гумонларга нуқта қўйилди. Суднинг халқаро ҳамжамият учун аҳамияти кўплаб турли усуллар, шу жумладан, унинг керакли суд жараёнини ишлаб чиққани билан белгиланди. Бу ХОСДП дастлаб 1922 йилда ишлаб чиқилган ва кейинчалик 1926, 1931 ва 1936 йилларда уч марта қайта кўриб чиқилган Суд Регламентида ўз аксини топган.

Шунингдек, ХОСДПнинг 1931 йилда қабул қилинган ва 1936 йилда қайта кўриб чиқилган Суднинг суд амалиёти тўғрисидаги Қарори ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, унда ички тартиб-таомиллар баён этилган. Суд томонидан ҳар бир ишнинг кўриб чиқилишида бу тартиб-таомилларга риоя этиш талаб қилинади. Бундан ташқари, қоидаларнинг аксарияти Биринчи Жаҳон урушининг оқибати ҳисобланган баъзи жиддий халқаро низоларни ҳал

13. Малкольн Шоу - 1983

14. Статъя 14 Пакта Лиги Наций

этишга ёрдам бериб, ХОСДП, шу жумладан, халқаро ҳуқуқнинг ноаниқ соҳаларини аниқлаштириш ёки уларни ривожлантиришга ёрдам берган¹⁵.

1939 йилнинг сентябрь ойида бошланган Иккинчи Жаҳон уруши ХОСДП учун муқаррар жиддий оқибатларга эга эди. 1939 йилнинг 4 декабрь куни ўтказилган сўнгги очик мажлиси ҳамда 1940 йилнинг 26 февраль куни чиқарган сўнгги қароридан кейин ХОСДП бирорта ҳам янги ишни кўриб чиқмади. Бу эсаннинг фаолиятининг самарасизлигини кўрсатди. Бироқ, халқаро сиёсий тартибни сақлаш учун кучли ва нуфузли суд ташкил этиш зарурияти ҳамон долзарблигича қолмоқда эди¹⁶. Бундан ташқари, Иккинчи Жаҳон урушининг бошланиши Миллатлар Лигаси мағлубиятининг бошланиши бўлди ва ўзининг асосий вазифаси – тинчликни таъминлашга қодир эмаслигини намойиш қилди.

Худди шу мақсад билан, аммо Миллатлар Лигасининг камчилик ва хатоларини бартараф қилган ҳолда таъсис этилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (кейинги ўринларда БМТ) Миллатлар Лигасининг давомчиси бўлди. БМТ Низоми 1945 йилнинг 26 июнь куни Сан-Францискода бўлиб ўтган конференцияда қабул қилинди ва 1945 йилнинг 24 октябрь куни кучга кирди. БМТ Низоми универсал халқаро битим ҳисобланади ва ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ-тартибот асосларини мустаҳкамлайди.

БМТнинг мақсадлари Низомининг 1-моддасида қуйидагича ифодаланган:

1. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ва шу мақсадда адолат ва халқаро ҳуқуқ тамойилларига мувофиқ тинчликка нисбатан таҳдидлар ёки тинчлик бузишининг бошқа кўринишларининг олдини олиш ва бартараф қилиш учун жамоавий чора-тадбирлар кўриш, тинчликнинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган халқаро баҳсларни йўлга солиш ёки ҳал қилиш;

15. <https://www.icj-cij.org/en/history>

16. <https://www.icj-cij.org/en/history>

2. Халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаши тамойилларини ҳурмат қилиш асосида дўстона алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, умумий тинчликни мустаҳкамлаш учун бошқа тегишли чораларни кўриш;

3. Иқтисодий, ижтимоий, маданий ва гуманитар йўналишдаги халқаро муаммоларни ҳал этиш ва инсон ҳуқуқлари ҳамда ирқи, жинси, тили ва миллатидан қатъий назар, барча учун асосий эркинликларга нисбатан ҳурмат туйғусини ривожлантириш ва рағбатлантиришда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш;

4. Ана шу мақсадларга эришишда миллатларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун марказ вазифасини бажариш¹⁷.

БМТ Низоми – бу уни имзолаган давлатлар учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар акс этган ва белгиланган кўп томонлама битимгина эмас, балки вазифалари баён этилган ҳамда чекловлари белгиланган БМТ Конституцияси ҳамдир. БМТ Низомининг 2(7)-моддасига мувофиқ, БМТ ҳар қандай давлатнинг миллий юрисдикциясига кирадиган ишларга аралаша олмайди¹⁸.

Кўрсатилган мақсадларга эришиш учун БМТ куйидаги тамойилларга мувофиқ фаолият олиб боради: БМТ Низоми бўйича мажбуриятларни виждонан бажариш; халқаро низоларни тинчлик йўли билан ҳал қилиш; БМТ Низомига мувофиқ бўлмаган ҳудудий дахлсизлик ёки сиёсий мустақилликка қарши куч ишлатиш билан таҳдид қилиб ёки уни қўллашни рад этиш; давлатларнинг ички ишига аралашмаслик; Низом бўйича амалга ошириладиган барча ҳаракатларда БМТ ёрдамини кўрсатиш, БМТ аъзоси бўлмаган давлатларнинг Низомда баён этилган тамойилларга мувофиқ фаолият кўрсатишининг Ташкилот томонидан таъминланиши ва ш.к¹⁹.

БМТ Низоми билан ХОСДП асосида БМТ Халқаро суди (кейинги ўринларда Суд) ташкил этилди, у Низомнинг 92-моддаси-

17. Устав ООН - <https://www.un.org/ru/about-us/un-charter/full-text>

18. Устав ООН - <https://www.un.org/ru/about-us/un-charter/full-text> - статья 2

19. Международное право 112стр

да Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «асосий суд органи» деб белгиланди. Моҳиятан бу ХОСДПнинг давоми бўлиб, худди ўша мақом ва юрисдикцияга эга бўлган ташкилотдир. Халқаро Суд суд ва маслаҳат вазифаларини амалга оширади.²⁰ Суд Низомнинг бир қисми ҳисобланган Статут ва ўз Регламентига мувофиқ равишда фаолият кўрсатади. У 1946 йилдан ўз фаолиятини бошлади. Суд Гаага шаҳридаги Тинчлик саройида жойлашган (Нидерландия)²¹.

БМТ Халқаро суди зиммасига икки томонлама вазифа юкланган: давлатлар томонидан кўриб чиқиш учун берилган ҳуқуқий юридик баҳсларни халқаро ҳуқуққа мувофиқ ҳал этиш (низоли ишлар бўйича вазифаси); ваколатли халқаро орган ва ташкилотлар томонидан унга тегишли тарзда юборилган ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат ҳулосасини чиқариш (маслаҳат бериш вазифаси).

Қўлланиладиган ҳуқуқ манбалари: Халқаро суд амалдаги халқаро битимлар ва конвенциялар, халқаро одат, умумий ҳуқуқ тамойилларига мувофиқ равишда қарор чиқаради ва ёрдамчи восита сифатида халқаро оммавий ҳуқуқ соҳасидаги энг малакали мутахассисларнинг суд қарорлари ва доктриналарига таянади²².

Суд кўриб чиқадиган баҳсларнинг томонлари сифатида фақатгина давлатлар иштирок эта олади.

Манфаатдор давлатлар Суднинг юрисдикциясини қуйидаги усулларнинг битта ёки бир нечтаси билан унинг юрисдикциясини тан олган тақдирдагина низони кўриб чиқиш ваколатига эга бўлади: давлатлар низони ўзаро келишиб, Суд муҳокамасига олиб чиқишга махсус келишув тузганда; юрисдикциявий қўшимча шартга риоя қилиб, яъни одатда, агар улар шарҳланиши ёки қўлланиши бўйича мунозарали ҳолат юзага келган низога эга бўлган битимнинг томонлари ҳисобланса, уларнинг биттаси низони Суд муҳокамасига олиб чиқиши мумкин; 300 дан зиёд битим ва конвенциялар ана шунга ўхшаш низога (қо-

20. Малкольн Шоу – 1983 - 1984

21. <https://www.un.org/ru/iccj/>

22. Статут Международного суда ООН - <https://www.un.org/ru/iccj/statut.shtml> - статья 38

идага) эга; шундай эълон берган бошқа давлат билан низо юза-га келганда Суд юрисдикциясининг мажбурий характериға ҳар бир давлат розилик берганда Статутга мувофиқ улар томондан берилган бир томонлама аризалар берилганда. Ҳозирги кунда 74 давлатнинг аризаси ўз кучини сақлаб турибди, уларнинг бир қанчаси бир неча тоифадаги баҳсларни истисно қилиш тўғри-сидаги қўшимча шартга эга; агар давлат унга қарши ариза бе-рилган вақтда Суднинг юрисдикциясини тан олмаган бўлса, бу давлат мазкур муайян ишга нисбатан юрисдикцияни тан олиши мумкин, бу эса Судга уни кўриб чиқиш имконини беради, чун-ки шу тарзда у *forum prorogatum* қоидаси асосида тан олинган вақтдан бошлаб юрисдикцияга эга бўлади²³.

Суд таркибига 15 та судья киритилади, улар БМТ Бош Ассам-блеяси ҳамда Хавфсизлик Кенгаши томонидан 9 йил муддатга сайланади, улар овоз беришни бир вақтнинг ўзида, аммо бир бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга оширадилар. Суд тарки-бига бирор давлатдан фақат битта судьяни олиши мумкин. Ҳар уч йилда жойларнинг учдан бир қисмига сайлов ўтказилади. Нафақага кетган судьялар янги муддатга сайланиши мумкин. Суд аъзолари ўз ҳукуматлари вакили эмас, балки мустақил судьялар ҳисобланади. Судьялар Бош Ассамблея ва Хавфсиз-лик Кенгаши томонидан сайланади.

Сайлов мақсадида ўтказилган дастлабки мажлисдан кейин бир ёки бир нечта жой тўлмай қолса, иккинчи, зарурият бўлса, учинчи мажлис ўтказилади²⁴.

Ҳозирги кунда БМТ Халқаро суди таркибини таш-кил этувчи судьялар қуйидагилар:

- *Джоан Доногью (АҚШ);*
- *Кирил Геворгиан (Россия);*
- *Петер Томка (Словакия);*
- *Ронни Абраам (Франция);*
- *Моухаммад Беннуна (Марокко);*

23. <https://www.icj-cij.org/public/files/the-court-at-a-glance/the-court-at-a-glance-ru.pdf> - 2021г

24. <https://www.icj-cij.org/public/files/statute-of-the-court/statute-of-the-court-ru.pdf> - статьи 9-12

- *Абдулкави Ахмед Юсуф (Сомали);*
- *Сюэ Ханьцинъ (Китай);*
- *Джулия Себутинде (Уганда);*
- *Далвир Бхандари (Ҳиндистон);*
- *Патрик Липтон Робинсон (Ямайка);*
- *Наваф Салам (Ливан);*
- *Ивасава Юджи (Япония);*
- *Георг Нольте (Германия);*
- *Хилари Чарльсворс (Австралия)*²⁵.

БМТ Халқаро суди Статутининг 38-моддаси халқаро ҳуқуқ манбаларининг энг нуфузли ва тўлиқ баённомаси сифатида тан олинган. У қуйидагиларни кўзда тутати:

Вазифаси берилган низоларни халқаро ҳуқуққа мувофиқ кўриб чиқишдан иборат бўлган суд: (а) низолашаётган давлатлар томонидан бевосита тан олинган конвенциялар, умумий ёки хусусий қоидаларни; (б) қонун сифатида қабул қилинган умумий амалиёт исботи сифатидаги халқаро одатни; (с) ривожланган мамлакатлар томонидан тан олинган ҳуқуқнинг умумий тамойилларини; (d) 59-моддага мувофиқ суд қарорлари ва ҳуқуқ меъёрларини белгилаш учун ёрдамчи восита сифатида турли мамлакатларнинг энг малакали публицистларини ўқитиш усулларини қўллайди.

Бу талқин Суд қўллаши керак бўлган халқаро ҳуқуқ манбалари билан чегараланган бўлса-да, аслида, Суднинг вазифаси унга «халқаро ҳуқуққа мувофиқ» берилган низоларни ҳал қилишдан иборат бўлгани туфайли ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзо давлатлари Миллатлар Низомининг 93-моддасига мувофиқ *ipso facto* Халқаро суд Статутининг иштирокчиси ҳисобланганлиги туфайли (БМТ аъзоси бўлмаган давлатлар Суд Статутининг аниқ иштирокчиси бўлиши мумкин: 2002 йилда БМТга қўшилганига қадар Швейцария бунга ёрқин мисол бўлган), Низом халқаро ҳуқуқнинг манбалари рўйхати тўғрисидаги универсал таърифни акс эттириши ҳақида жиддий мулоҳазалар мавжуд эмас²⁶.

25. <https://www.icj-cij.org>

26. Малкольм Шоу – Международное право. Учебник. 2017 г. – стр 340

Халқаро суддан ташқари, БМТ да яна бешта асосий орган, шу жумладан, Хавфсизлик Кенгаши, Бош Ассамблея, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш, Васийлик бўйича Кенгаш ва Котибият фаолият кўрсатади²⁷.

Хавфсизлик Кенгаши

Кенгаш узлуксиз фаолият кўрсатувчи чекланган таркибли самарали ижрочи орган сифатида ташкил этилиши кўзда тутилган. Унинг зиммасига халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун асосий масъулият юкланган. Хавфсизлик кенгаши ўн бешта аъзодан иборат, уларнинг беш нафари доимий аъзо ҳисобланади (АҚШ, Буюк Британия, Россия, Хитой ва Франция). Фақатгина Кенгашнинг доимий аъзолари бўлган ушбу «катта бешлик» вето (маън этиш) ҳуқуқига эга. Қолган 10 та аъзо географик вакиллик асосида Бош Ассамблея томонидан икки йил муддатга сайланади. 2022 йил ҳолатига 10 та аъзо давлатлар рўйхати: Албания (2023 йил), Бразилия (2023 йил), Габон (2023 йил), Гана (2023 йил), Индия (2022 йил), Ирландия (2022 йил), Кения (2022 йил), Мексика (2022 йил), Норвегия (2022 йил), Бирлашган Араб Амирлиги (2023 йил).

Агар Кенгаш ўз қарашлари бўйича тинчликка таҳдид деб ҳисобласа, дастлаб, қоида бўйича тарафларни тинчлик йўли билан келишувга эришишга чақиради. Агар қуролли ҳаракатлар бошланган бўлса, Кенгаш тўқнашувни бартараф қилишга ҳаракат қилади. Шундан сўнг у ноқулай ҳудудларга тинчликпарвар миссияларни юбориши ёки тинчликни тиклаш учун иқтисодий санкциялар ва эмбарголарни (испанча. — хатга олиш, ман этиш. Батафсил маълумот глоссарийда) жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

БМТ Низомида назарда тутилган мажбуриятларни ўз зиммасига оладиган ва Ташкилотнинг(БМТ) фикрича, шу мажбуриятларни оладиган ва бажаришни истайдиган барча тинчликсевар давлатлар Ташкилотга Аъзо бўла оладилар. Ҳар қандай давлатни Ташкилот Аъзолигига қабул қилиш Хавфсизлик Кенгашининг тавсиясига мувофиқ Бош Ассамблея қарори билан амалга оширилади (БМТ Низоми 4-моддаси).

27. Устав ООН - <https://www.un.org/ru/about-us/un-charter/full-text> - статья 7

Агар Хавфсизлик Кенгаши Ташкилотнинг бирон-бир Аъзосига қарши огоҳлантирувчи ёки мажбурловчи характердаги чораларни кўрган бўлса, Бош Ассамблея Хавфсизлик Кенгашининг тавсиясига мувофиқ, унинг Ташкилот Аъзоси сифатидаги тегишли ҳуқуқ ва имтиёзларидан фойдаланишини тўхтатиб қўйишга ҳақли. Бу ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланишни Хавфсизлик Кенгаши қайта тиклаши мумкин(БМТ Низоми 5-моддаси).

Ташкилотнинг БМТ Низомида кўрсатилган принципларни муттасил равишда бузиб келган Аъзоси Хавфсизлик Кенгашининг тавсиясига биноан Бош Ассамблея Ташкилотидан чиқарилиши мумкин (БМТ Низоми 6-моддаси).

Хавфсизлик Кенгаши тинчликка ҳар қандай таҳдид қилиш, тинчликни ҳар қандай тарзда бузиш ёки босқинчилик ҳаракати мавжудлигини аниқлайди ва тавсиялар беради ёки халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ёхуд тиклаш учун 41- ва 42-моддаларга мувофиқ қандай чоралар кўриш кераклигини ҳал қилади(БМТ Низоми 39-моддаси).

Хавфсизлик Кенгаши вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик учун тавсиялар бериш ёки 39-моддада кўзда тутилган чораларни кўриш ҳақида қарор қабул қилишдан аввал, манфаатдор томонлардан ўзи вақтинча кўрилиши лозим ва маъқул, деб топган чораларнинг бажаралишини талаб этишга вакил қилинади. Бундай вақтинча чоралар манфаатдор томонларнинг ҳуқуқларига, даъволарига ёки мавқеига зарар етказмаслиги лозим. Хавфсизлик Кенгаши шу муваққат чораларнинг бажарилмаганлигини тегишлича ҳисобга олади(БМТ Низоми 40-моддаси).

Хавфсизлик Кенгаши ўз қарорларини амалга ошириш учун куролли кучлардан фойдаланиш билан алоқадор бўлмаган қандай чоралар кўриш кераклигини ҳал этишга вакил қилинади ва у Ташкилот Аъзоларидан шундай чораларни кўришни талаб қила олади. Бу чораларга иқтисодий муносабатларни, темир йўл, денгиз, ҳаво, почта, телеграф, радио ёки бошқа алоқа воситаларини тўла ёки қисман тўхтатиш, шунингдек, дипломатик муносабатларни узиб қўйиш кириши мумкин(БМТ Низоми 41-моддаси).

Агар Хавфсизлик Кенгаши 41-моддада кўзда тутилган чораларнинг етарли бўлмаслиги мумкин ёки етарли эмас, деб топса, у ҳаво, денгиз ёки куруқликдаги кучлар ёрдамида халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ёки тиклаш учун зарур чоралар кўришга вакил қилинади. Бу чораларга Ташкилот Аъзоларининг ҳаво, денгиз ёки куруқликдаги кучларининг намоёйиши, қамал қилиши ва бошқа амалиётлари кириши мумкин(БМТ Низоми 42-моддаси).

Ташкилотнинг барча аъзолари халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ишига ўз ҳиссасини қўшиш учун Хавфсизлик Кенгаши ихтиёрига унунг талаби бўйича ва махсус битим ёки битимларга биноан халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун зарур куруқлик кучлар, ёрдам ва тегишли хизмат воситаларини, шу жумладан, ҳудудидан ўтиш ҳуқуқини бериш мажбуриятини оладилар(БМТ Низоми 43-моддаси).

Низомнинг 27-моддасига мувофиқ, Хавфсизлик Кенгашининг жараёнлар бўйича қарорлари қачон-ки, Кенгашнинг тўққиз аъзоси ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган деб ҳисобланади.

Хавфсизлик Кенгашининг бошқа барча масалалар бўйича қарорлари қачон-ки, унга Кенгашнинг барча доимий аъзоларининг бир хил овозларини қўшиб ҳисоблаганда тўққиз аъзоси овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади. Бунда баҳсда қатнашувчи томон VI боб асосида ва 52-модданинг 3-банди асосида қарор қабул қилишда овоз беришдан ўзини сақлаши керак.

Хавфсизлик кенгаши резолюция(қарор)лари қабул қилиниши учун Кенгашнинг тўққиз аъзоси ёқлаб овоз бериши керак. Агар доимий аъзоларининг биттаси қарши овоз берса, резолюция(қарор) қабул қилинмайди.

Кенгаш Низомнинг 29-моддасига мувофиқ ёрдамчи органларни ташкил этиш ҳуқуқига эга ва ҳозирги вақтда қуйидаги учта доимий қўмитага эга: Процедура қоидалари бўйича экспертлар қўмитаси, Янги аъзоларни қабул қилиш бўйича қўмита ва Марказий муассасалардан ташқарида Мажлислар ўтказиш бўйича қўмита. Шунингдек, Хавфсизлик Кенгашининг 692-ре-

золюцияси билан таъсис этилган (1991) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Компенсация комиссияси бошқарувчилари Кенгаши, Терроризмга қарши кураш қўмитаси ва 1540-резолюция билан таъсис этилган, давлатларни, бошқа ишлар қаторида, ҳар қандай воситалар ёрдамида нодавлат субъектларини ядровий, кимёвий ёки биологик қурол-яроғ ва уни етказиб бериш тизимларини ишлаб чиқиш, харид қилиш, эга бўлиш, ишлаб чиқариш, ташиш, етказиш ёки қўллашдан қайтариш мажбуриятини юкловчи Қўмита (2004). Санкцияларга тушадиган алоҳида давлатларни қамраб оладиган санкциялар бўйича қатор қўмиталар, шунингдек, «Ал-Қоида» билан боғлиқ шахслар ва органларга нисбатан 1267-резолюция билан (1999) таъсис этилган қўмита мавжуд. Бошқа ёрдамчи органлар БМТнинг Тинчлик ўрнатиш бўйича қўмитаси, Компенсация комиссияси ва Собик Югославия ва Руанда бўйича Халқаро жиноий трибуналларини ўз ичига олади²⁸.

Бош Ассамблея

Бош Ассамблея Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг парламент органи ҳисобланади ва барча иштирокчи давлатлар вакилларида ташкил топган.

1. Бош Ассамблеяга халқаро тинчлик ва хавфсизлик, шу жумладан, қуролсизланишни белгиловчи ва қуролланишни тартибга солувчи тамойилларни қўллаб-қувватлаш ишида ҳамкорликнинг умумий тамойилларини кўриб чиқиш, бу тамойиллар бўйича Ташкилот Аъзолари ёки Хавфсизлик Кенгашига тавсиялар бериш ваколати берилади.

2. Бош Ассамблеяга Ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси ёки Хавфсизлик Кенгаши, Ташкилот аъзоси бўлмаган давлат томонидан олдига қўйилган халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлашга алоқадор бўлган ҳар қандай масалаларни 35-модданинг 2-бандига мувофиқ, ва 12-моддада кўзда тутилган истиснолар билан манфаатдор давлат ёки давлатларга ёки Хавфсизлик Кенгашига, ёки ҳам Хавфсизлик Кенгашига, ҳам манфаатдор давлат ёки давлатларга тавсиялар бериш ваколати

28. Малкольм Шоу – Международное право. Учебник. 2017 г.

берилади. Харакат қилиш керак бўлган ҳар қандай шу каби масала Бош Ассамблея томонидан Хавфсизлик Кенгашига муҳокамадан олдин ёки кейин берилади.

3. Бош Ассамблея халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солиши мумкин бўлган вазиятларга Хавфсизлик Кенгашининг эътиборини тортиши мумкин²⁹.

Бош Ассамблеянинг ҳар бир Аъзоси битта овозга эга.

Бош Ассамблеянинг муҳим масалалар бўйича қарорлари овоз беришда ҳозир бўлганлар ва иштирок этаётган ва Ассамблея аъзоларининг учдан икки қисми кўринишидаги катта қисми томонидан қабул қилинади. Бу масалалар қуйидагиларни ўз ичига олади: халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашга доир тавсиялар, 86-модданинг 1с -бандига мувофиқ равишда Хавфсизлик Кенгашининг доимий бўлмаган аъзоларини сайлаш, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш аъзоларини сайлаш, Васийлик Кенгаши аъзоларини сайлаш, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига янги Аъзоларни қабул қилиш, Ташкилот Аъзоларининг ҳуқуқ ва имтиёзларини тўхтатиш, Ташкилотдан унинг аъзоларини чиқариш, васийлик тизими фаолиятига доир масалалар, ҳамда бюджет масалалари.

Учдан икки қисм овозлар кўринишидаги устунлик билан ҳал этилиши керак бўлган масалаларнинг қўшимча тоифаларини ҳам ўз ичига олган ҳолда бошқа масалалар бўйича қарорлар ҳозир бўлганлар ва овоз беришда иштирок этаётганларнинг оддий кўринишда овоз бериши билан қабул қилинади³⁰.

Ассамблея кенг қамровли мавзу ва фаолият турларини ўз ичига олган кўплаб органларни таъсис этган. Унинг таркибига олти асосий қўмита киритилган бўлиб, улар мувофиқ равишда қуйидагилар билан шуғулланади: куролсизланиш ва халқаро хавфсизлик; иқтисодий ва молиявий; ижтимоий, гуманитар ва маданий; алоҳида сиёсий ва деколонизация; маъмурий-бюджет; ҳамда ҳуқуқий масалалар.

Бундан ташқари, процедуралар бўйича Умумий қўмита мавжуд бўлиб, у кун тартибидаги масалалар билан шуғулланади.

29. Устав ООН - <https://www.un.org/ru/about-us/un-charter/full-text> - статья 12

30. Устав ООН - <https://www.un.org/ru/about-us/un-charter/full-text> - статья 18

Ваколатларни текшириш бўйича кўмита ҳам фаолият юритади. Шунингдек, сессиялараро маъмурий ва бюджет масалалари ҳамда бадаллар билан шуғулланувчи иккита доимий кўмита ҳамда тегишли мавзулар, шу қаторда, Халқаро ҳуқуқ комиссияси, Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича БМТ комиссияси каби қатор ёрдамчи, махсус ва бошқа органлар мавжуд. Таълим ва тадқиқот институти, Намибия Кенгаши ва БМТнинг ёрдам бериш ҳамда ишларни ташкил этиш бўйича агентлиги, 2006 йилда ташкил этилган, ассамблея томонидан сайланадиган ва унга ҳисобдор бўлган Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаши кабилар ҳам шулар жумласидан³¹.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий ва ижтимоий фаолият соҳасидаги ишларининг асосий қисми Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш томонидан бажарилади (ЭКОСОС). У кенг доирадаги масалаларни ҳал қилиши мумкин, бироқ унинг ваколатлари чекланган, унинг тавсиялари эса БМТ аъзо-давлатлари учун мажбурий ҳисобланмайди. У Ассамблея томонидан уч йиллик муддатга сайланадиган эллик тўртта аъзодан иборат бўлиб, сайловлар навбат билан алмашинади ва ҳар бир аъзо битта овозга эга бўлади. Кенгаш мувофиқ равишда қатор масалалар бўйича тадқиқотларни бошлаб бериши ёки ўтказиши, шунингдек, Кенгаш аъзолари, Бош Ассамблея, БМТ аъзолари, тегишли махсус агентликларга тавсиялар бериши мумкин. У Ассамблеяга тақдим этиш учун конвенция лойиҳаларини тайёрлаши ва халқаро конференциялар ташкил этиши мумкин. Кенгаш кўплаб ёрдамчи органлар, тўққизта функционал комиссиядан бештагача минтақавий комиссия, шунингдек, қатор доимий кўмита ва экспертлик органларини ташкил этган³².

Кенгаш шунингдек, жуда кўп дастурлар, шу қаторда, Атроф-муҳит бўйича дастур ҳамда Гиёҳванд моддалар устидан назорат дастурини амалга оширади. Шунингдек, Қочоқлар масалалари бўйича БМТ Олий Комиссари бошқармаси ва БМТ Савдо ва тараққиёт конференцияси каби қатор органларни таъсис этган. Унинг энг асосий

31. Малкольм Шоу – Международное право. Учебник. 2017 г. стр 2260

32. Устав ООН - <https://www.un.org/ru/about-us/un-charter/full-text> - статья 62

вазифаси кенг қамровли иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларини ташкил этишдан иборат эди³³.

Васийлик бўйича кенгаш Иккинчи Жаҳон урушидан кейин ташкил этилган васийлик ҳудудлари устидан назорат ўрнатиш учун тузилган. Бундай ҳудудлар мандат ости (мандат билан бошқариладиган ҳудудлар) ҳудудлари, Иккинчи Жаҳон уруши оқибатида душман давлатлардан ажратилган ҳудудлар ва бошқарувчи орган (аслида бўлмаган) томонидан васийлик тизими доирасида ихтиёрий равишда жойлаштирилган ҳудудлардан иборат бўлиши керак бўлган. Янги тизим бошқаруви остига берилмаган ва мустақилликка эришмаган мандат остидаги ҳудуд – Жануби-Гарбий Африка бўлган. Ҳудуднинг энг сўнгги трасти ҳисобланаган Палау 1994 йилнинг 1 октябрида мустақилликка эришгандан кейин 1994 йилнинг 1 ноябрида Кенгаш ўз ишини тўхтатди³⁴.

БМТ Котибияти Бош котиб ва унинг ходимларидан ташкил топган бўлиб, амалда уларнинг фаолияти халқаро фуқаролик хизматини ўзида акс эттиради. Ходимлар 101-моддага мувофиқ равишда самарадорлик, ҳалоллик, чуқур билимга эгалик асосида тайинланади, ходимларни имкони борича кенгроқ географик асосда танлашга тегишлича аҳамият берилади. 100-моддага мувофиқ, барча аъзо давлатлар Бош котиб ва унинг ходимлари (кўрсатмаларни БМТнинг ўзидан бошқа ҳеч қандай органдан сўраши ва олиши мумкин бўлмаган) вазифаларининг фақат халқаро характерини ҳурмат қилиш мажбуриятини олганлар³⁵.

Бош Котиб Бош Ассамблея томонидан Хавфсизлик Кенгашининг яқдил тавсияси билан тайинланади ва БМТнинг асосий маъмурий мансабдор шахси ҳисобланади. Шунга мувофиқ, у барча аъзолари қабул қила оладиган шахс бўлиши ва шу билан бирга фаолияти самарали бўлиши ҳаётий зарур вазифа. Кўп нарса муайян мансабдорнинг шахси ва қарашларига боғлиқ. Бош котибнинг халқаро масалалардаги роли тегишли шахснинг характерига қараб ўзгаради³⁶.

33. <https://www.un.org/en/ecosoc/about/strengtheningofecosoc.shtml>

34. Малкольм Шоу – Международное право. Учебник. 2017 г. – стр 2261

35. Устав ООН - <https://www.un.org/ru/about-us/un-charter/full-text> - статья 100, 101

36. Устав ООН - <https://www.un.org/ru/about-us/un-charter/full-text> – статья 97

1920 йилда ташкил этилиб, 1946 йилда тугатилган Миллатлар Лигаси Лига самарали фаолият кўрсатган бутун давр давомида ўзидан мерос қолдирди. Халқаро Суддан ташқари, БМТ Маъмурий трибунал амалиётини мерос қилиб олди.

Халқаро меҳнат ташкилотининг(кейинги ўринларда - ХМТ) Маъмурий трибунали 1927 йилдан 1946 йилгача Миллатлар Лигаси Котибияти ва Халқаро меҳнат бюроси устидан тушган шикоятларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган. 1947 йилдан Трибунал Халқаро меҳнат бюроси ва унинг юрисдикциясини тан олган бошқа халқаро ташкилотларнинг амалдаги ва собиқ мансабдор шахсларидан келиб тушган шикоятларни тинглайди. Ҳозирги кунда у халқаро ташкилотларнинг ишлаётган ёки собиқ 58 мингдан ортиқ халқаро фуқаролик хизматчилари учун очик. Трибунал турли миллатга мансуб 7 та судьядан иборат. Трибунал инглиз ва француз тилида берилган 4400 тадан ортиқ қарорларни ўз ичига олади.

Лигага хизмат кўрсатишдан ташқари 1919 йилдан буён фаолият кўрсатаётган Халқаро меҳнат ташкилотига ҳам хизмат кўрсатган. Лига меросида ижобий нуқта трибуналнинг сақлаб қолиниши ва уни ХМТ га 1946 йилда берилиши бўлиб, у эндигина ташкил этилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус муассасисига айланди. Меҳнаткашлар ҳуқуқларини белгилаш ва ҳимоя қилиш учун ташкил этилган ХМТ Трибуналнинг мантиқий жойлашган жойи эди. Унинг мандати ўша даврда ўз юрисдикцияси остидаги муассасалар, яъни Лига ва ХМТ томонидан ёлланган мансабдор шахслар уларга нисбатан иш берувчи томонидан амалга ошириладиган ихтиёрий хатти-ҳаракатлар ҳимоясидан фойдалана олиши кафолатини таъминлашдан иборат. ХМТ га ўтказилишигача бўлган даврда Трибунал 37 та ишни кўриб чиққан.

1949 йил Халқаро меҳнат конференциясининг 32-сессиясида ХМТ Трибунали Низомининг 2-моддасига ўзгартириш киритилди. Унга кўра, ХМТ Маъмурий кенгаши томонидан тасдиқланган бошқа ташкилотларга шу ташкилотлар мансабдор шахсларини тайинлаш шартларига ва Ходимлар низоми қоидаларига мазмунан ёки шаклан риоя қилмаслик бўйича шикоят-

ларни кўриб чиқиш Трибунал юрисдикциясига киришини тан олишга рухсат берилди. Бироқ, БМТ Бирлашган пенсия жамғармаси иштирокидаги низолар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Маъмурий Трибунали юрисдикциясига киради.

Ўша йили Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ХМТ Маъмурий трибунаlining Статутини тан олиб, БМТ тизимидаги бошқа махсус муассасаларни ҳам шу йўлдан боришга даъват этди³⁷.

Трибунал Миллатлар Лигаси Маъмурий трибуналидаги каби турли миллатга мансуб етти нафар судьядан иборат. Улар Халқаро меҳнат конференцияси томонидан Халқаро меҳнат бюроси Маъмурий кенгашининг тавсиясига биноан уч йиллик муддатга уни узайтириш имкони билан тайинланади. Трибунал одатда, бир йилда икки марта, баҳор ва кузда тўпланади. Бу учрашув ХМТ нинг Женевадаги қароргоҳида 3-4 ҳафта давом этади. Ҳар бир сессияда у ўз Статутининг 6, 8 ва 9 – моддаларида баён этилган процедурага ёки Статутнинг 7-моддасида кўзда тутилган соддалаштирилган процедурага мувофиқ кўриб чиқиладиган ишлар бўйича тахминан 90 та қарор қабул қилади³⁸.

Трибуналга Котиб ва ҳуқуқ масалалари бўйича кичик гуруҳдан иборат Котибият томонидан хизмат кўрсатилади. Котибият муҳокама давомида тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилади ва аҳборот тақдим қилиш тўғрисидаги сўровларга жавоб беради³⁹.

БМТ халқаро институционал судлар ва трибуналларнинг шаклланишида муҳим роль ўйнади. 1982 йилда «БМТнинг денгиз ҳақуқи бўйича Конвенцияси» қабул қилиниши яқунлари бўйича БМТ ташаббуси билан мустақил суд органи – Денгиз ҳуқуқи бўйича халқаро трибунал (International Tribunal for the Law of the Sea, ITLOS) таъсис этилди. У Конвенцияни талқин этиш ёки қўллашга тааллуқли бўлган ҳар қандай масалалар, шунингдек, Трибуналга юрисдикциясини тақдим этган ҳар қандай бошқа муайян кўзда тутилган барча масалалар бўйича юрисдикцияга

37. <https://www.ilo.org/tribunal/about-us/lang--en/index.htm>

38. https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed_norm/--relconf/documents/meetingdocument/wcms_498756.pdf

39. <https://www.ilo.org/tribunal/lang--en/index.htm>

эга. Конвенцияга боғлиқ баҳслар денгиз ҳудудларини делимитацияси, кемалар қатнови, денгизнинг жонли заҳираларини ҳимоя қилиш ва бошқариш, денгиз муҳитини сақлаш ва ҳимоя қилиш ҳамда денгиз бўйича илмий тадқиқотларга тааллуқли бўлиши мумкин⁴⁰. Трибуналнинг жойлашган манзили Германия Федератив Республикасидаги Гамбург шаҳри ҳисобланади. Трибунал Статути (кейинги ўринларда «Статут») Конвенциянинг VI Иловасида келтирилган. Трибунал денгиз ҳуқуқи соҳасида эътироф этилган нуфузли ҳуқуқшунослар ичидан танлаб олинган 21 нафар судьядан ташкил топади. Судьялар Конвенция иштирокчи давлатлари томонидан 9 йил муддатга сайланади ва қайта сайланиши мумкин. Трибунал таркибида жаҳоннинг асосий ҳуқуқий тизимлари вакиллари ва адолатли географик тақсимот таъминланган бўлиши шарт (Статутнинг 2-моддаси, 2-банди). Унинг таркибида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан белгиланган ҳар географик гуруҳдан камида 3 нафар вакил бўлиши керак. Трибуналга Конвенция иштирокчи давлатлари мурожаат қилишлари мумкин⁴¹.

Иккита жаҳон урушининг юзага келиши ва унинг содир бўлиши яна бир институционал халқаро суд юзага келишига сабаб бўлди. Давлатлар томонидан эмас, балки алоҳида шахслар томонидан инсониятга қарши геноцид ва кенг миқёсли, кўп сонли жиноятлардан сўнг жаҳон ҳамжамияти, шу жумладан, БМТ бутун инсониятга қарши алоҳида жиноятлар тоифалари содир этганлиги учун алоҳида шахсларнинг ишини кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган халқаро жинойи суд ташкил этиш масаласига жиддий эътибор қаратди. Шу тарзда, индивидуал жинойи жавобгарлик тушунчаси пайдо бўлди⁴².

Рим статутида юрисдикцияси чуқур ифода этилган **Халқаро жиноят суди** (кейинги ўринларда ХЖС) XXI асрда индивидлар томонидан содир этилган кўп сонли оғир жиноятлар учун жазо-

40. <https://www.itlos.org/en/main/latest-news/>

41. https://www.itlos.org/fileadmin/itlos/documents/guide/1605-22024_Itlos_Guide_Ru.pdf

42. Малкольм Шоу. Международное право. Учебник./ Cambridge University Press. 2017 г – р863

ланмай қолишини тугатишга кўмаклашиш учун шартномавий асосда ташкил этилган биринчи доимий халқаро суд ҳисобланади. ХЖС пайдо бўлишига қадар тарихда ad hoc (бир марталик) трибуналлар фаолият юритган бўлиб, улар аниқ бир вақтда ва муайян низо доирасида содир этилган жиноятларни тергов қилиш учун махсус тузилган. Бу ad hoc трибуналлар кейинги ўринларда кўриб чиқилади.

ХЖС БМТга нисбатан мустақил халқаро орган ҳисобланади. Суд Нидерландиядаги Гаага шаҳрида жойлашган. Унинг харажатлари асосан иштирокчи давлатлар бадаллари ҳисобидан қопланса-да, у шунингдек, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар, жисмоний шахслар, корпорациялар ва бошқа тузилмаларнинг кўнгилли бадалларини ҳам қабул қилиши мумкин⁴³.

Суднинг юрисдикцияси бутун халқаро ҳамжамиятни хавотирга кўядиган ўта жиддий жиноятлар билан чекланади. Мазкур Статутга мувофиқ, Суд қуйидаги жиноятларга нисбатан юрисдикцияга эга: а) геноцид жинояти;

б) инсониятга қарши қаратилган жиноятлар; с) ҳарбий жиноятлар; d) агрессия жинояти⁴⁴.

Геноцид. Мазкур Статут мақсадлари учун «геноцид» бирор-бир миллат, элат, ирк ёки диний гуруҳни тўлиқ ёки қисман йўқ қилиш мақсади билан содир этиладиган қуйидаги хатти-ҳаракатларнинг ҳар қайсиси бўлиши мумкин:

а) шундай гуруҳ аъзоларини ўлдириш; б) шундай гуруҳ аъзоларига жиддий тан жароҳати ёки ақлий зарар етказиш; с) бирор бир гуруҳ учун атайлаб тўлиқ ёки қисман жисмоний йўқ қилиш учун мўлжалланган ҳаётий шароитларни яратиш; d) шундай гуруҳ муҳотида бола туғилишининг олдини олиш учун мўлжалланган чоралар; е) болаларни бир инсонлар гуруҳидан иккинчисига мажбурий равишда бериб юбориш⁴⁵.

Инсониятга қарши жиноятлар. Мазкур Статут мақсадлари учун «инсониятга қарши жиноят» тушунчаси кенг миқёс-

43. <https://www.icc-cpi.int/about>

44. [https://www.un.org/ru/law/icc/rome_statute\(r\).pdf](https://www.un.org/ru/law/icc/rome_statute(r).pdf) – 5-модда

45. [https://www.un.org/ru/law/icc/rome_statute\(r\).pdf](https://www.un.org/ru/law/icc/rome_statute(r).pdf) – 6-модда

ли ёки тизимли равишда ҳар қандай фуқарога тажовуз қилиш доирасида онгли равишда содир этилган қуйидаги хатти-ҳаракатларнинг бирини англатади: а) қотиллик; б) қирғин; с) қул қилиш; d) аҳолини зўрлик билан депортация қилиш ёки кўчириш; е) халқаро ҳуқуқнинг асосий меъёрларини бузиб, жисмоний озодликдан шавқатсизларча маҳрум қилиш ёки қамоққа олиш; f) қийноққа солиш; g) зўрлаш, жинсий қулликка олиш, фоҳишалikka мажбурлаш, мажбурий ҳомиладорликка ундаш, мажбурий стериллаш ёки таққослама оғирликдаги жинсий зўрликнинг бошқа шакллари; h) сиёсий, ирқий, миллий, этник, маданий, гендер ёки халқаро ҳуқуққа мувофиқ ҳамма ерда йўл қўйилиши мумкин бўлмаган ҳолат сифатида тан олинган бошқа сабаблар бўйича ҳар қандай идентификацияланадиган гуруҳни ёки жамоани таъқиб қилиш; i) одамларнинг зўравонлик йўли билан ғойиб бўлиши; j) апартеид жинояти; k) қаттиқ азоб ёки жиддий тан жароҳатлари ёки руҳий ва жисмоний саломатликка жиддий зарар етказишдан иборат бўлган шунга ўхшаш шавқатсизларча хатти-ҳаракатлар⁴⁶.

Ҳарбий жиноятлар. Суд ҳарбий жиноятларга нисбатан, айниқса, улар шундай жиноятлар режаси ёки сиёсати ёки кенг қамровли доирада содир этилган ҳолатларда юрисдикцияга эга. Ҳарбий жиноятлар бу: а) 1949 йилнинг 12 августида қабул қилинган Женева конвенцияси талабларининг жиддий бузилишлари, айнан, тегишли Женева конвенцияси қоидаларига мувофиқ равишда муҳофаза қилинадиган шахслар ёки мулкка қарши содир этилган қуйидаги ҳаракатлардан бири: I) қасддан қилинган қотиллик; II) қийноқлар ёки шавқатсизларча муносабатда бўлиш, шу жумладан, биологик синовлар; III) қаттиқ азоб бериш ёки жиддий тан жароҳатлари етказиш ёки соғлиққа зиён етказиш; IV) ҳарбий зарурият туфайли келиб чиқмаган тарзда мол-мулкни ноқонуний, бемаъни ва кенг қўламли йўқ қилиш ёки ўзлаштириш; V) ҳарбий асир ёки бошқа ҳибсда сақланаётган шахсни душман давлат қуролли кучларида хизмат қилишга мажбурлаш; VI) ҳарбий асир ёки

46. [https://www.un.org/ru/law/icc/rome_statute\(r\).pdf](https://www.un.org/ru/law/icc/rome_statute(r).pdf) – 7-модда

бошқа ҳибсда сақланаётган шахсни одил ва нормал суд қилиш ҳуқуқидан қасддан маҳрум қилиш; VII) ноқонуний депортация ёки кўчириш. Ёки ноқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш; VIII) гаровга олиш; б) халқаро ҳуқуқ доирасида белгиланган халқаро тўқнашувларда қўлланиладиган қонун ва одатларнинг қўпол равишда бузилиши, айнан, қуйидаги ҳаракатларнинг биттаси: I) ҳарбий ҳаракатларда иштирок этмаётган фуқаро аҳолисига ёки алоҳида фуқаро шахсларга қасддан тажовуз қилиш; II) фуқаролик объектлари, яъни ҳарбий нишон ҳисобланмайдиган объектларга қасддан тажовуз қилиш; III) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомига мувофиқ инсонпарварлик ёрдами ёки тинчликни сақлаш бўйича миссияда фаолият кўрсатаётган ходимларга, объектларга, бўлинмалар ёки транспорт воситаларига, материалларга, улар қуролли тўқнашувларнинг халқаро ҳуқуқи бўйича фуқаролар ёки фуқаролик объектлари фойдаланадиган ҳимоя қилинишга ҳақли бўлган вақт ичида қасддан зарба бериш; IV) тинч аҳолининг тасодикий ҳалок бўлиши ёки жароҳатлар олиши, фуқаролик объектларига зарар етишига ёки атроф-муҳит табиатига катта, узоқ муддатли ва жиддий зиён (муайян ва қутилган ҳарбий устунликка таққослаган умуман мос бўлмаган) етишига сабаб бўлиши аниқ бўлган қасддан тажовуз қилиш; V) ҳимоясиз ва ҳарбий нишон бўлмаган шаҳарлар, қишлоқлар, яшаш жойлари ёки биноларга ҳамла қилиш ёки уларни қандай бўлмасин восита билан ўққа тутиш; VI) қуролни ташлаб ёки бошқа ҳимоя воситаси қолмагандан сўнг сўзсиз таслим бўлган комбаталионни ўлдириш ёки ярадор қилиш; VII) оқибати шахснинг ўлими ёки зиён етиши билан тугаши мумкин бўлган ҳолда парламентар байроғи, душманнинг байроғи, ҳарбий белгилари, формаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг байроғидан, шунингдек, Женева Конвенциясида белгиланган фарқловчи эмблемалардан тегишли бўлмаган тарзда (ножўя) фойдаланиш; VIII) давлат томонидан бевосита ёки билвосита у оккупация қилган (эгаллаб олган) ҳудудларга ўз тинч аҳолисининг кўчирилиши ёки оккупация қилинган ҳудуд ва унинг

қисмларидаги тинч аҳолини шу ҳудуд чегарасида ёки унинг чегараларидан ташқарига депортация қилиш, кўчириш; IX) ҳарбий нишон ҳисобланмаслиги шарти билан диний, таълим, санъат, фан ёки хайрия мақсадлари учун мўлжалланган бино-иншоотлар, тарихий обидалар, госпиталлар ва бемор ҳамда ярадорлар тўпланган жойларга зарба бериш; X) қарши (душман) томон ҳукми остида бўлган шахс ёки шахсларга, шу шахс ёки шахсларнинг шифокорга бориш ёки касалхона шароитида даволанишини талаб этувчи зарурияти бўлмаган, уларнинг ўлимига ёки саломатлигига жиддий зарар етишига сабаб бўладиган жисмоний шикаст етказиш. Улар устидан тиббий ёки бошқа турдаги илмий тадқиқотлар (экспериментлар) ўтказиш; XI) душман миллат ёки армияга тааллуқли бўлган шахсларнинг хиёнаткорона ўлдирилиши ёки ярадор қилиниши; XII) шавқат қилинмаслиги тўғрисида эълон қилиш; XIII) душман томон мулкани йўқ қилиш ёки тортиб олиш, бунда йўқ қилиш ёки тортиб олиш ҳарбий зарурият туфайли талаб этиладиган ҳолатлар мустасно; XIV) душман томон фуқароларининг судда ҳуқуқ ва даъволари бекор қилингани, тўхтатилгани ёки йўл қўйилиши мумкин эмаслигини эълон қилиш; XV) қарши (душман) томон фуқароларини, хатто улар уруш бошлангунга қадар уруш олиб бораётган томоннинг хизматида бўлган тақдирда ҳам уларни ўз мамлакатига қарши курашишга мажбурлаш; XVI) шаҳар ёки аҳоли пунктини, у хатто ҳужум билан эгаллаб олинган бўлган тақдирда ҳам талон-тарож қилиш; XVII) заҳар ёки заҳарланган қуролдан фойдаланиш; XVIII) бўғилтирувчи, заҳарли ёки ҳар қандай шу каби суюқлик, материал ёки воситаларни қўллаш; XIX) қобиғи ўзагини тўлиқ қопламаган ёки кесик жойлари бўлган қобикли ўқлар каби инсон танасида осон портлайдиган ёки пачоқланадиган ўқларни қўллаш; XX) ҳаддан ортиқ зиён ёки беҳуда азоблар келтирадиган ёки қуролли тўқнашувлар бўйича халқаро ҳуқуқ меъёрларини бузган ҳолда моҳиятан ялпи қирғин табиатига эга бўлган қурол-яроғ, ўқ-дори ва техника ҳамда усулларини қўллаш (бундай қурол, бундай ўқ-дорилар, бундай техника ва урушни олиб бориш

усуллари кенг қамровли таъқиқ предмети бўлмаслиги шарти билан)⁴⁷.

Агрессия жиноятлари. Бир давлат томонидан бошқа давлатнинг суверенитети, территориал дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомига мувофиқ бўлмаган қуроли ёки бирор бир бошқа тарзда қуч ишлатиш тажовуз (агрессия), деб аталади⁴⁸. Низомни бузган ҳолда биринчи бўлиб қуроли қуч ишлатиш *prima facie* агрессия (тажовуз) актига мисол бўла олади. Шунга қарамай, Хавфсизлик Кенгаши Низомга биноан агрессия акти содир этилган, деган таъриф бошқа тегишли вазиятлардан келиб чиққан ҳолда тегишли актлар ёки уларнинг оқибатлари етарли даражада жиддий характерга эга эмас, деган хулосага келиши ҳам мумкин⁴⁹.

Қуйидаги ҳаракатларнинг ҳар қайсиси уруш эълон қилинган ёки қилинмаганлигидан қатъий назар, агрессия (тажовуз) акти сифатида таснифланади:

а) давлат қуроли қучларининг бошқа давлат ҳудудига бостириб кириши ёки ҳужум қилиши шундай бостириб кириш ёки ҳужум қилишининг натижаси бўлган ҳар қандай бошқа бир ҳарбий оккупация, у қандай вақтли характерга эга бўлмасин ёки бошқа давлат ҳудуди ёки унинг бир қисмини қуч ишлатиш йўли билан аннексия қилиш (ўзига қўшиб олиш);

б) давлатнинг ўз қуроли қучлари томонидан бошқа давлат ҳудудини бомбардимон қилиниши ёки бир давлат томонидан бошқа давлат ҳудудига қарши ҳар қандай қуролни қўллаш;

с) бир давлат портлари ва қирғоқларининг бошқа давлат қуроли қучлари томонидан қамал қилиниши;

д) бир давлат қуроли қучларининг бошқа давлатнинг қуруқликдаги, денгиз ва ҳаво флотларига ҳужум қилиши;

47. [https://www.un.org/ru/law/icc/rome_statute\(r\).pdf](https://www.un.org/ru/law/icc/rome_statute(r).pdf) – статья 8

48. Статья 1 Резолюция 3314 (XXIX) Генеральной Ассамблеи от 14 декабря 1974 года

49. Статья 2 Резолюция 3314 (XXIX) Генеральной Ассамблеи от 14 декабря 1974 года

е) бир давлат ҳудудида мезбон давлат билан келишув асосида бошқа давлатнинг қуроли кучларини келишувда қўзда тутилган шартларни бузган ҳолда қўллаш ёки шундай ҳудудда уларнинг шу келишувининг амал қилиш муддати тугагунга қадар бўлиб туришининг ҳар қандай кўринишидаги давом эттирилиши;

ф) ўз ҳудудини бошқа давлат ихтиёрига учинчи давлатга қарши агрессия содир этиш учун тақдим этган давлатнинг хатти-ҳаракатлари;

г) бир давлат томонидан ёки бир давлат номидан бошқа давлатга қарши қуроли куч қўллаш (жиддийлиги юқорида санаб ўтилган актларга тенг бўлган ёки уларда фаол иштирок этиши) ҳолатларини содир этувчи қуроли тўдалар, гуруҳлар, иррегуляр кучлар ёки ёлланма шахсларни жўнатиш⁵⁰.

Таъкидлаш жоизки, Халқаро жиноят суди тинчликка қарши жиноятлар, ҳарбий жиноятлар ва инсониятга қарши жиноятлар учун жавобгарликка тортадиган биринчи ваколатли трибунал ҳисобланмайди. Иккинчи жаҳон уруши якунларига кўра, нацистлар Германиясининг агрессив уруш, ҳарбий жиноятлар ва инсониятга қарши жиноятларда айбланган йигирма тўртта йирик сиёсий ва ҳарбий йўлбошчилари Халқаро ҳарбий трибуналга тортилган. Немис жамиятининг кўпгина қатламларидан бўлган 100 нафар кўшимча судланувчилар Нюрнбергда **«Кейинги Нюрнберг суд муҳокамалари»** номи билан машҳур бўлган 12 та суд жараёнидан иборат серия доирасида АҚШ ҳарбий трибунали қаршисида жавоб бердилар⁵¹.

1942 йилнинг 12 декабридан бошлаб иттифоқчи давлатлар ҳукуматлари нацист ҳарбий жиноятчиларни жазолаш мақсадида эканликларини эълон қилдилар.

1943 йилнинг октябрида АҚШ президенти Франклин Д.Рузвельт, Буюк Британия Бош вазири Уинстон Черчилль ва

50. Статья 3 Резолюция 3314 (XXIX) Генеральной Ассамблеи от 14 декабря 1974 года

51. https://www.loc.gov/frd/Military_Law/Nuremberg_trials.html

СССР ҳукумати раҳбари Иосиф Сталин Германиянинг ваҳшийликлари тўғрисидаги Москва декларациясини имзолади. Унда келтирилишича, ваҳшийликлар, оммавий қатллар ва қотилликлар содир этишда айбланаётган немислар шу жиноятларни содир этган мамлакатларга юборилиши белгиланган. У ерда улар тегишли мамлакатнинг қонунларига мувофиқ судланади ва жазоланади. Жиноятлари биттадан ортиқ давлатда содир этилган йирик ҳарбий жиноятчилар иттифоқчи давлатларнинг биргаликда чиқарган қарорига кўра жазоланади.

Баъзи сиёсий йўлбошчилар нацистлар Германияси раҳбарларини суддан ташқари қатл этиш учун овоз берган бўлса-да, Қўшма Штатлар уларни суд қилиш кераклигини таклиф қилди. АҚШ давлат котиби Корделл Халлнинг сўзларига кўра, «бундай суд муҳокамаларидан кейин судлаш тарихни муҳокама қилишга тенг бўлади, шунинг учун немислар урушдаги айбларини мажбурий равишда тан олдирилган, деб айта олмайдилар».

1945 йил 8 август куни Франция Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи (СССР), Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган қироллиги ҳамда Америка Қўшма Штатлари Нюрнберг хартияси, деб номланган Лондон келишуви ва хартиясини имзолади. Низомни немис раҳнаmolари устидан суд олиб бориш бўйича халқаро ҳарбий трибунал тузди.

Халқаро ҳарбий трибунални(кейинги ўринларда ХХТ) ташкил этган тўрт томоннинг ҳар бири биттадан судья, биттадан заҳира судья ва айблов гуруҳини тақдим этди. Судьяларнинг ўринбосарлари Трибунал ишида иштирок этса-да, у қарор қабул қилганда овоз бериш ҳукукига эга эмас эди.

Нюрнберг хартияси ХХТ зиммасига одил судловни амалга ошириш ҳамда судланувчиларга муайян ҳуқуқлар тақдим этиш мажбуриятини юклайди. Бу ҳуқуқлар қаторига ўз ҳимояси учун исботлар ва гувоҳлар келтириш ҳуқуқи ҳам ки­ради. Шунингдек, айблов гувоҳларини қарши (перекрестный допрос) сўроққа тутиш ҳуқуқи ҳам киритилган⁵². Нюрнберг трибунали халқаро

52. <https://encyclopedia.ushmm.org/content/en/article/international-military-tribunal-at-nuremberg>

жиноий ҳуқуқ учун дастлабки қадам бўлди. Хартияда «халқаро ҳуқуқ алоҳида шахслар, шунингдек, давлатлар зиммасига мажбуриятлар ва маъсулият юклайди», деб аниқ ва қатъий белгилаб қўйилган. Чунки «халқаро ҳуқуққа қарши жиноятлар мавҳум мавжудотлар томонидан эмас, балки инсонлар томонидан содир этилади. Ва бундай жиноятларни содир этган инсонларни жазолашни фақат халқаро ҳуқуқ қоидалари орқали амалга ошириш керак»⁵³.

Нюрнберг трибунали тажрибасига кўра, даражаси ёки давлат мақомидан қатъий назар, ҳар қандай шахс содир этган ҳар қандай жинояти ёки жиддий қонунбузарлик учун шахсан жавоб беришни бошлади. Шу билан бирга, буйруқ (бошлиқ) маъсулияти тамойили ҳарбий жиноят содир этиш ёки жиддий қонунбузарлик тўғрисидаги буйруқни берган ваколатли ҳар қандай шахс шу жиноят ёки қонунбузарликни содир этган қўл остидаги шахс билан тенг жавобгар бўлади.

Айнан шундай ҳолат оқибатида собиқ Югославияда юз берган воқеалар туфайли халқаро жиноий суд концепциясини ташкил этишга бўлган қизиқиш яна қайта пайдо бўлди. Югославия тажрибаси ҳамда 1994 йилда Руандадаги оммавий қирғинлар ташкилотнинг барча аъзо давлатлари учун мажбурий бўлган қарорларни қабул қилиш учун БМТ Хавфсизлик Кенгаши ваколатларидан фойдаланиш орқали Низомнинг VII бобига мувофиқ ҳарбий жиноятлар бўйича иккита махсус трибунал ташкил қилинишига олиб келди. Мана шунинг оқибатида собиқ Югославияда юз берган воқеалар халқаро жиноий суд концепциясини яратишга бўлган қизиқишнинг яна ортишига олиб келди.

Собиқ Югославия бўйича Халқаро жиноий трибунал Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг суди бўлиб, 1990 йилларда Болқонда юз берган тўқнашувларда содир этилган ҳарбий жиноятлар билан шуғулланган. 1993 йилдан 2017 йилгача давом этган ваколоти доирасида у халқаро гуманитар ҳуқуқнинг ландшафтини бутунлай ўзгартириб юборди. Жабрланганларга улар

53. Малкольм Шоу – Международное право. Учебник./ Cambridge University Press. 2017 г.– 863-б.

ўзлари гувоҳ бўлган ва бошидан ўтказган ваҳшийликлар тўғрисида сўзлаш имконини берди ва ушбу ваҳшийликларни содир этишда энг кўп айбдор, деб тахмин қилинаётган шахсларни жавобгарликка тортиш мумкин эканлигини исботлади⁵⁴.

Ўзининг геноцид, ҳарбий жиноятлар ва инсониятга қарши жиноятлар бўйича намунали қарорларида Трибунал алоҳида шахсларнинг олий даражаси уларни суд таъқибидан ҳимоя қила олмаслигини кўрсатди.

Эндиликда маълум бўлдики, содир этилган жиноий ҳаракатлари учун энг кўп жавобгар, деб тахмин қилинаётган шахсларни жавобгарликка тортиш мумкин. Шунингдек, жамоани «унинг бўйнига жамоавий жавобгарлик» ни қўйиб қўймасликлари учун айб индивидуал характерда бўлиши кераклиги уқтирилган.

Трибунал тўқнашувлар ва тўқнашувлардан кейинги оқибатларнинг ривожланишини ҳал этиш, шу жумладан, оммавий жиноятларда гумон қилинаётган раҳнамоларнинг судга тортилиши дунё ҳамжамияти эътироф этган меъёрга айланди. Трибунал самарали ва шаффоф халқаро одил судловни амалга ошириш мумкин эканлигини исботлади.

Трибунал жамият томонидан ўзининг яқин тарихини рад этишига қарши курашга катта ҳисса қўшди. Минтақада жиноят содир этилганини энди рад этиш мумкин эмас. Масалан, шак-шубҳасиз, Сребреницадаги оммавий қирғин геноцид эканлиги исботланди.

Судлар шунингдек, Босния серблари томонидан террор воситаси сифатида зўрлаш жинояти қўлланганлигини аниқладилар. Суд Босниянинг шимоли-ғарбидаги Омарск, Кератерм ва Трнополье лагерларида «ваҳшиёна зўрлашлар» содир этилганлигини аниқлади.

Трибуналда кўриб чиқилган ишларнинг катта қисми серблар ва Босния серблари томонидан содир этилган тахминий жиноятларга тааллуқли бўлса-да, Трибунал тергов ҳаракатлари олиб бориб, ҳар қандай этник келиб чиқишга эга бўлган шахсларнинг ҳаммасига қарши айблов эълон қилди. Хорватлар, Босния мусул-

54. <https://www.icty.org/>

монлари ва Косоволик албанларга қарши ҳам айблов ҳукмлари чиқарилди.

Унинг қарорлари тўқнашувда иштирок этган ҳамма томонлар жиноят содир этганлигини намоиш этса-да, Трибунал унинг одил ва холис бўлишига асосий эътибор қаратади. У тўқнашувдаги томонларни қабул қилмайди ва турли гуруҳлар ўртасида сунъий муносабат яратишга ҳаракат қилмайди. Далиллар айбловчи ишни тақдим этадиган асос ҳисобланади. Судьялар айбланувчининг айбдорлиги ёки айбсизлигини аниқлаш учун далилларни баҳолаб, одил ҳамда очиқ суд муҳокамасини таъминлайди.

Махсус суд сифатида ташкил этилган Хавфсизлик Кенгаши босқичма-босқич ва белгиланган якунга нисбатан Трибуналнинг ишини тугатиш стратегиясини маъқуллади.

2003 йилдан суд собиқ Югославиянинг суд органлари ҳамда судлари билан яқин ҳамкорлик қилиб, одилликни таъминлаш бўйича доимий саъй-ҳаракатлар доирасида шериклик қилди.

Шубҳасиз, Трибунал иши собиқ Югославия давлатларига катта таъсир кўрсатди. Шунчаки энг юқори даражали ва ашаддий жиноятчиларни амалидан кетказиб, жавобгарликка тортиб, Трибунал зўравонлик ҳолатларидан қутула олди. Жиноят учун жазосизлик ҳолатларини тугатишга кўмак берди ҳамда ярашув томон қадам ташлашга ёрдамлашди⁵⁵.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши таъсис этган Иккинчи жинойи ad hoc трибунал бу «1994 йил 1 январдан 1994 йил 31 декабргача давом этган Руанда ва қўшни давлатлар ҳудудида содир этилган геноцид ва халқаро гуманитар ҳуқуқнинг бошқа жиддий бузилишлари учун жавобгар бўлган шахсларни суд томонидан таъқиб қилиниши» учун **Руанда бўйича Халқаро жинойи трибунали (кейинги ўринларда РХЖТ)** ҳисобланади. Трибунал Танзания давлатининг Аруша номли шаҳрида жойлашган бўлиб, Руанданинг Кигоали вилоятида офисларига эга. Унинг Апелляция камераси Нидерландиянинг Гаага шаҳрида жойлашган.

55. <https://www.icty.org/en/about>

1995 йилда очилган давридан бошлаб Трибунал Руандада 1994 йилда содир этилган гуманитар ҳуқуқ меъёрларини қўпол бузгани учун ўзи жавобгар, деб ҳисоблаган 93 нафар шахсга айблов эълон қилди.

Айбланувчилар юқори даражали ҳарбий ва ҳукумат мансабдор шахслари, сиёсатчи, бизнесмен, шунингдек, дин вакиллари ва кўнгиллилар, ОАВ раҳбарларидан иборат эди.

Ўзи каби халқаро трибуналлар ва судлар билан биргаликда РХЖТ ишончли халқаро жиной одил суд тизимини яратишда новаторлик қилиб, геноцид, инсониятга қарши жиноятлар, ҳарбий жиноятлар, шунингдек, индивидуал ва юқори даражали мансабдор шахслар томонидан содир этилган жиноят шакллари бўйича катта ҳажмдаги суд тажрибасини тўплади.

РХЖТ тарихда геноцидга қарши ҳукмлар чиқарган ва 1948 йилги Женева конвенциясидаги геноцид тушунчаси таърифини шарҳлаб берган (талқин қилган) биринчи халқаро трибунал бўлди. Шунингдек, халқаро жиноят ҳуқуқида зўрлашга таъриф берган ва уни геноцид содир этиш воситаси сифатида тан олган биринчи халқаро трибунал ҳамдир.

Яна бир муҳим босқич «ОАВ иши» бўлиб, РХЖТ ОАВни жамоатчиликни геноцид содир этишга гиж-гижлашга қаратилган кўрсатувлари учун жавобгарликка тортган биринчи халқаро трибунал бўлди.

РХЖТ ўзининг сўнгги суд қарорини 2012 йил 20 декабрь куни Нгирабатваре бўйича чиқарди. Шундан сўнг Трибуналнинг қолган суд ишлари бутунлай Апелляция камераси зиммасига юкланган. 2014 октябрь ҳолатига кўра, РХЖТ Апелляция камераси иш кўрувида олтита алоҳида апелляциялардан ташкил топган биттагина иш бўлган. РХЖТ суд қарорига яна битта апелляция 2014 йил декабрда Нгирабатваре иши бўйича Халқаро жиной трибуналлар механизми апелляция камераси томонидан берилган. Бу апелляция камераси РХЖТнинг қолган функциялари учун жавобгарликни 2012 йил 1 июлдан бошлаб олган.

Механизмнинг энг асосий вазифаларидан бири бу, ҳамон одил судловдан яшириниб юрган уч айбланувчини кузатиб, қўл-

га олишдир. РХЖТ геноцид ва инсониятга қарши жиноятларда айбловлар бўйича Фелисьен Кабуга, Проте Мпиранья, Огюстен Бизиманга қарши айблов элон қилган. Аммо ҳозирги кунга қадар айбланувчилар одил судловдан бош тортиб келмоқда. Миллий ҳукуматлар ва халқаро ҳамжамиятларнинг давом этаётган халқаро ҳамкорлиги умуман шу кочокларни қўлга олиш ишини муваффақиятли амалга ошириш учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Улар қўлга олингандан кейин Механизм суд жараёнларини амалга оширади ва чиқарилган ҳукмлар, шунингдек, РХЖТ томонидан чиқарилган барча ҳукмларни назорат қилади⁵⁶.

Халқаро майдонда юрисдикцияси муайян вазиятдан келиб чиқиб, белгиланган ишлар билан чекланган трибуналлардан ташқари, ҳудудий жиҳатдан чегараланган халқаро судлар ҳам ташкил этилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг вужудга келиши мазкур судларни ташкил этишга туртки бўлди.

Маълумки, БМТ нинг асосий мақсадларидан бири инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва унга риоя этишдан иборат. БМТ ташкил топгандан сўнг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи нафақат давлатларнинг ички иши, балки халқаро ҳуқуқнинг ҳам муаммоси сифатида кўрила бошлади. Натижада нафақатгина инсон ҳуқуқларини таъминлашга доир БМТ доирасидаги универсал механизмлар, балки минтақалар доирасида ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимлари ташкил этилди. Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир ўзига хос моделлар яратилган бўлиб, улар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Европа тизими, Америка тизими, Африка тизими ва араб тизимларини ўз ичига олади. Мазкур тизимлар доирасида ҳар бир минтақанинг сиёсий, тарихий, иқтисодий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда механизмлар ташкил этилган бўлиб, улар инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро (минтақавий) судлар/комиссия (Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка давлатлариаро суди, Инсон ҳуқуқлари бўйича Африка суди, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, Инсон ҳуқуқлари бўйича Доимий араб комиссияси) орқали ўз фао-

56. <https://unictr.irmct.org/en/tribunal>

лиятини амалга оширади. Шу каби халқаро судлардан бири – Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди бўлиб, у нафақат инсон ҳуқуқлари доирасидаги асосий ҳуқуқларни эълон қилди, балки уларни ҳимоя қилишнинг ўзига хос механизмини ҳам ташкил этди.

1953 йил 3 сентябрда кучга кирган Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция Европа Кенгаши аъзо-давлатлари ҳудудида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилишнинг алоҳида механизмини яратди⁵⁷. 1998 йилнинг 1 ноябридан №11 Протокол кучга кириши билан доимий асосдаги суд сифатида Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди ташкил этилди. Европа Кенгаши давлатларининг алоҳида шахслари бу судга тўғридан-тўғри мурожаат этишлари мумкин. Ташкил этилган кундан бошлаб суд юз минглаб мурожаатларни кўриб чикди. Унинг қарорлари тегишли давлатлар учун мажбурийдир ва ҳукуматларни ўз қонунчиликлари ҳамда кенг қамровдаги соҳаларни қамраб олган маъмурий амалиётларини ўзгартиришга ундади. Суд Страсбург шаҳрида, 1995 йилда Британиялик архитектор лорд Ричард Роджерс томонидан лойиҳалаштирилган Инсон ҳуқуқлари саройида жойлашган. Унинг қиёфаси бутун дунёга таниш ва машҳур. Шу ердан туриб Суд Конвенцияга ратификацияланган 830 миллион нафар европаликларнинг инсон ҳуқуқларига риоя қилинаётганлиги устидан назорат олиб боради⁵⁸.

Шунингдек, фақатгина Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳудудида фаолият олиб борадиган суд, яъни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Иқтисодий Суди мавжуд бўлиб, у 1992 йил 15 май куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги аъзо-давлатларининг хўжалик юритувчи муассасалари ўртасидаги ҳисоб-китобларни яхшилашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Келишувнинг 5-моддасига мувофиқ ташкил этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Иқтисодий Судининг мақоми тўғрисида 1992 йил 6 июль Келишуви (2017 йил 13 сен-

57. https://www.echr.coe.int/documents/convention_rus.pdf

58. https://www.echr.coe.int/Documents/Court_in_brief_ENG.pdf

тябрдаги Низом таҳририда), шунингдек, мазкур Келишув билан тасдиқланган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Иқтисодий Суди тўғрисидаги Низом Суднинг ваколати, ташкилий тартиби ҳамда фаолиятини белгилайди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Иқтисодий Судининг мақоми тўғрисидаги 1992 йил 6 июль Келишуви аъзо мамлакатлари Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси ва Тожикистон Республикаси ҳисобланади⁵⁹.

Шу тарзда, хулоса қилиш мумкинки, халқаро судлар доимий (институционал) ҳамда махсус бир марталик (*ad hoc*) турга ажратилади. Доимий (институционал) судларни иккига ажратишимиз мумкин. Яъни, халқаро ва минтақавий судларга. Биринчиси, бунда халқаро судларнинг юрисдикцияси унга аъзолар учун амалда бўлади. Иккинчиси, минтақавий судлар юрисдикцияси фақат муайян худуд(минтақа) билан чегараланган бўлади.

Халқаро арбитраж

Халқаро арбитраж ҳеч бўлмаганда ўзининг тарихий, замонавий ва келгуси амалий муҳимлиги жихатидан, айниқса, ишбилармонлик муносабатларида яхшигина эътиборга сазовордир. Кўп асрлар давомида арбитраж тижорат соҳасидаги трансмиллий низолар, шунингдек, халқаро мунозараларнинг бошқа тоифаларини ҳал қилишнинг энг афзал воситаси ҳисобланган. Ўзларининг халқаро мунозараларини ҳал қилиш учун компаниялар арбитражга нисбатан билдираётган ишончи халқаро савдо ва инвестициялар ўсиб бориши баробарида янада яққол намоён бўла бошлади. Халқаро савдо кенгайиб ва мураккаблашиб бориши билан унинг баҳсларни ҳал этиш бўйича асосий механизми – халқаро арбитраж юзага келди. Халқаро тижорат арбитражининг амалий муҳимлиги бу предметнинг компаниялар, ҳуқуқшунослар, арбитражлар, судьялар ва қонун чиқарувчилар томонидан ўрганилишини талаб этувчи сабаблардан бири ҳисобланади. Ўзининг бевосита амалий муҳимлигидан ташқари, халқаро арбитраж яна шуниси билан аҳамиятлики, у мурак-

59. <http://sudsng.org/>

каб ва қийин трансмиллий муаммоларни ҳал қилишнинг одил, нейтрал, экспертлик ва самарали воситаларини барқарор муваффақият билан таъминлаётган халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва институтлари доирасида фаолият олиб бораётганлиги туфайли ҳам эътиборга лойиқ. Бу тузилма турли юрисдикциядаги хусусий ҳамда давлат субъектларига жуда чуқур илдизли ва ва мураккаб халқаро мунозараларни барқарор ва қониқарли тарзда биргаликда ҳал қилиш имконини беради. Халқаро тижорат арбитражи контекстида ишлаб чиқилган таҳлил ва механизмлар халқаро муносабатларнинг бошқа жиҳатлари учун моделлар, ғоялар ва келажи порлоқ истиқболларни таклиф қилади⁶⁰.

Халқаро арбитраж суд муҳокамасининг ўхшаш жиҳатларига эга бўлишига қарамай, арбитраж жараёнининг ўзи ўзига хос хусусиятларга эга. Халқаро арбитражнинг асосий ўзига хос хусусияти бу – унинг хусусий табиатидир⁶¹. Корхоналар ўзларининг бошқа корхоналар билан тузадиган тижорат шартномаларига халқаро арбитраж даъволарини ҳам киритадилар. Ва бунда ўз потенциал баҳсларини ҳал қилишнинг йўли сифатида суд муҳокамаси ўрнига арбитражни танлайдилар. Мисол тариқасида қуйидаги матнни ўз ичига олган Халқаро тижорат палатасининг (ICC) намунавий арбитраж даъвосини келтириш мумкин:

«Ушбу шартномадан келиб чиқадиған ёки у билан боғлиқ барча низолар санаб ўтилган Қоидаларга мувофиқ равишда белгиланган бир ёки бир нечта арбитрлар томонидан Халқаро савдо палатасининг Арбитраж регламентиға мувофиқ тўлиқ тартибға солинади...»⁶²

Низоларни ҳал қилишнинг арбитраж ёки бошқа усуллари ўртасидаги чегаралар аввалги вақтларда ҳар доим ҳам аниқ белгиланган бўлмаган. Кўпроқ «арбитраж» баъзан давлат томонидан ҳомийлик қилинаётган (ёки мажбурланаётган) баҳсларни ечишнинг муқобил шаклини эслатганки, у замонавий халқаро тижорат арбитражидан кўра кўпроқ суд ёки маъ-

60. Gary Born – International Commercial Arbitration – page 3

61. Gary Born – International Commercial Arbitration – page 23

62. <https://iccwbo.org/dispute-resolution-services/arbitration/arbitration-clause/>

мурий муҳокама, ёки мажбурий бўлмаган ярашувга ўхшаган. Шу билан бирга, қадимги жамият ҳозирги куннинг ҳуқуқ тизимларига тенг келадиган суд маъмурлаштируви ва фуқаро суд муҳокамаси тизимларига камдан-кам ҳолда эга бўлган. Бир шарҳловчининг фикрича: «Империя даврига қадар Римда профессионал судьялар бўлмаган. Барча фуқаро ишларида давлат жамиятнинг эътиборли фуқаролари орасидан, баъзида давлат номидан иш олиб боровчи комиссия таркибидан вакилларни сайлаган».

Бу мавҳумликка қарамай, инсониятнинг қаламга олинган тарихининг деярли барча асрлари давомида тижорат соҳасидаги мунозараларни ҳал қилиш учун суд жараёнларидан фарқли бўлган ва кўп ҳолларда замонавий арбитражга ўхшаб кетувчи баҳсларни ҳал қилишнинг муқобил механизмлари мавжуд бўлгани тўғрисида жиддий далиллар бор. Ҳақиқатан ҳам, кўп асрлар давомида тижоратга оид ва бошқа шу каби низолар ҳозирги халқаро тижорат арбитражига жуда ўхшаш бўлган жараёнлар ёрдамида ҳал қилинган⁶³.

Арбитраж жараёнининг ривожланиши қатор ўзаро боғлиқ ҳодисалар ҳисобига эришилиб, бунга халқаро арбитраж конвенциялари, миллий арбитраж қонунчилиги ва институционал арбитраж қоидаларнинг қабул қилиниши ҳамда кўплаб юрисдикцияларда миллий судларнинг ёрдамчи роли ҳам киради. Бу турли хил ҳодисаларнинг ҳаракатлантирувчи кучи халқаро бизнес-ҳамжамят бўлиб, у шу билан бирга арбитраж жараёнининг асосий фойдаланувчиси ҳисобланади. Бу бизнес ҳамжамят миллий қонунчилик ва суд органларида халқаро низоларни ҳал қилишнинг таъсирчан ва самарали механизмларини тақдим этган ҳолда халқаро савдо, инвестициялар ва тинчликка муносиб ҳисса қўшишга интиладиган тайёр шерикларга эга бўлган. Айнан шу иккита ҳамжамят давлат ва хусусий секторнинг уйғунлашуви ва фаол ҳамкорлиги халқаро тижорат арбитражи учун замонавий ҳуқуқий пойдевор яратди⁶⁴.

63. Gary Born – International Commercial Arbitration – page 8

64. Gary Born – International Commercial Arbitration – page 23

Доимий арбитраж суди (Permanent Court of Arbitration)

илк арбитраж институт сифатида юзага келди. «Тинч океанида низоларни ҳал қилиш тўғрисида»ги 1899 йилги Гаага конвенцияси ва «Тинч океанида Халқаро низоларни ҳал қилиш тўғрисида»ги 1907 йилги Гаага конвенцияси (юқорида айтиб ўтилганидек) давлатлараро низоларни арбитраж йўли билан тартибга солишни кўзда тутди.

1899 йилда таъсис этилган Доимий Арбитраж Суди халқаро ҳамжамиятга низоларни ҳал этиш бўйича турли хизматларни тақдим этувчи ҳукуматлараро ташкилот ҳисобланади.

100 дан ортиқ давлатлар бу суднинг аъзоси ҳисобланади. Суд давлатлараро баҳслар бўйича даъволарни қабул қилиш билан бирга халқаро характерга эга бўлган хусусий ташкилотларнинг ҳам даъволарини кўриб чиқади. Бошқа ҳолат бўйича олдиндан келишув мавжуд бўлмаганда Доимий Арбитраж Суди ишни фақат барча баҳслашаётган томонларнинг розилиги билан кўриб чиқиши мумкин.

Эшитувлар кўпинча ёпиқ тартибда ўтказилади ва хатто қарорлар ҳам кўп ҳолларда томонларнинг талабига кўра махфий бўлиб қолади.

Ҳар бир давлат халқаро ҳуқуқ соҳасидаги 4 нафаргача энг юқори малакали мутахассисни Доимий Арбитраж Суди таркибига тайинлайди. Палата Котибияти давлат баҳси юзага келганда муайян ишни кўриб чиқиш учун арбитрлар танлаш мумкин бўлган шундай судьялар рўйхатини олиб боради.

Икки ёки ундан ортиқ давлат биргаликда бир нафар ёки ундан ортиқ аъзо сайлаш тўғрисида келишиб олишлари мумкин. Битта шахснинг ўзи турли мамлакатлар томонидан сайланиши мумкин. Суд аъзолари 6 йил муддатга сайланади. Уларни мансабга тайинлаш такрорланиши мумкин⁶⁵.

XX асрнинг дастлабки ўн йилликлари давомида ривожланган давлатлар ички ва айниқса, халқаро тижорат низоларини ҳал қилиш учун арбитраждан фойдаланишни енгиллаштирувчи

65. https://web.archive.org/web/20100602011039/http://www.pca-cpa.org/showpage.asp?pag_id=1302

қонун қабул қилишга тобора кўпроқ даъват қила бошладилар. Бу даъватларда халқаро савдо ва инвестицияларни кенгайтириш мақсадида халқаро низоларни ҳал қилишнинг ишончли, самарали ва адолатли механизмларини жорий этиш муҳимлиги таъкидланган. Халқаро савдо палатаси (International Chamber of Commerce – ICC.) 1919 йилда ташкил этилган бўлиб, халқаро контекстда халқаро арбитражнинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш бўйича ишбилармонлар ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларида асосий роль ўйнади.

1922 йилда дастлаб Халқаро савдо палатаси эгидаси остида асосий савдогар мамлакатлар тижорат масалаларида арбитраж даъволари очиш тўғрисидаги Женева протоколини (баёнотини) имзоладилар («Женева протоколи»). Яқунда протоколни Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Ҳиндистон, Бразилия ва яна 20 га яқин бошқа давлатлар ратификация қилди⁶⁶. Шу протокол билан **Халқаро тижорат арбитраж суди (Arbitration Court in the International Chamber of Commerce)** ташкил этилди⁶⁷.

ICC арбитражини кузатиб борувчи Халқаро савдо палатаси («ICC»), дунёдаги энг катта бизнес-ташкилот бўлиб, 100 тадан ортиқ давлатда 45 млн аъзо-компанияларга эга. ICC қоидаларни тўғирлаш, баҳсларни ҳал қилиш ва сиёсатни илгари суриш каби учта асосий фаолият йўналишига эга. Бугунги кунда ICC – халқаро савдо низоларини ҳал қилиш бўйича энг кенг фойдаланиладиган халқаро институтларнинг бири ҳисобланади⁶⁸.

Халқаро савдо палатасининг Арбитраж регламентига мувофиқ низоларни ҳал этиш учун томонлар шунчаки ўз шартномаларига низоларни ҳал қилиш бўйича стандарт ICC арбитраж даъвосини киритишлари зарур.

Халқаро арбитраж суди ICC – дунёнинг етакчи арбитраж муассасаси бўлиб, у 1923 йилда ташкил топган вақтдан бошлаб ўтган давр ичида 25 000 дан ортиқ арбитраж ишлари бўйича

66. <http://www.memo.ru/prawo/hum/zhen1925.htm>

67. <https://iccwbo.org/dispute-resolution-services/icc-international-court-arbitration/>

68. <https://www.investopedia.com/terms/i/international-chamber-of-commerce-icc.asp>

хизматларни тақдим этган. Унинг Низомига мувофиқ ИСС Арбитраж регламентига I-Иловада келтирилишича, ИСС Судининг асосий вазифаси ИСС Арбитраж регламентига мувофиқ равишда арбитраж муҳокамаси устидан назоратни таъминлашдан иборат. Бунга арбитраж қарорларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш вазифалари ҳам киради⁶⁹.

Женева протоколи халқаро тижорат арбитражининг ривожидан хал қилувчи роль ўйнади (кўпинча етарли баҳо берилмаган бўлса-да). Бошқа ишлар билан бир қаторда Протокол замонавий арбитраж жараёни учун асос яратиб, шартнома тузаётган томонлардан муайян халқаро арбитраж битимлари ва арбитраж қарорларининг ижроси қонунийлигининг эътироф этилишини талаб қилди. Хусусан, Протокол мувофиқ равишда турли шартнома тузувчи томонлар юрисдикцияси остидаги томонлар ўртасидаги арбитраж келишувлар билан чекланган. Протокол, шунингдек, Шартнома тузувчи Давлатларга унинг доирасини уларнинг миллий қонунчилигига мувофиқ тижорат шартномаси ҳисобланган шартномалар билан чеклашга рухсат берган⁷⁰.

Иккинчи жаҳон уруши сабабли юзага келган танаффусдан сўнг халқаро тижорат арбитражи учун «про-арбитраж» ҳукукий режимларни ишлаб чиқиш давом этди. Нью-Йорк конвенцияси (1958й.) имзоланиши, ЮСИТРАЛ Арбитраж регламенти (1976 й. 2010 йилда ўзгартиришлар киритилган) эълон қилиниши, Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида ЮНСИТРАЛ Намунавий қонуни (1985 йил, кейинчалик 2006 йилда ўзгартишлар киритилган) қабул қилиниши ва кўплаб юрисдикцияларда замонавий арбитраж статутларининг (1980 ва 2019 йиллар орасида) қабул қилиниши арбитраж жараёнининг халқаро миқёсда эътироф этилишида кескин бурилиш ясади. Халқаро ҳамжамият томонидан арбитражнинг тан олиншининг ортиб бориши кейинчалик миллий арбитраж статутларининг етакчи юрисдикцияларда ва институционал арбитраж қоидаларининг етакчи

69. [https://iccwbo.org/content/uploads/sites/3/2021/03/icc-2021-arbitration-rules-2014-mediation-rules-russian-version .pdf](https://iccwbo.org/content/uploads/sites/3/2021/03/icc-2021-arbitration-rules-2014-mediation-rules-russian-version.pdf)

70. Gary Born – International Commercial Arbitration – page 24

арбитраж муассасалар томонидан, шунингдек, мамлакатнинг барча асосий ҳудудларида кўп томонлама ва икки томонлама инвестиция шартномаларининг кенг кўламда қабул қилиниши билан аста-секин такомиллаштириб борилишида намоён бўлди. Қўйилган бу барча қадамлар халқаро арбитражга трансмиллий тижорат низоларини ҳал қилиш воситаси сифатида ўзгармас ва қатъий равишда содиқлигини намоёйиш қилиш билан бирга халқаро савдога кўмак берилиб ва ўзгараётган шароитлар ҳамда танқиднинг пайдо бўлиши (ёки тикланиши) га жавобан доимий равишда арбитраж жараёни такомиллашиб бораётганининг исботидир⁷¹.

Инвестицион низоларни тартибга солиш бўйича Халқаро марказ (International Centre for Settlement of Investment Disputes, ICSID) БМТ тизимидаги қирувчи тузилма бўлиб, ҳукуматлар ва хусусий хорижий инвесторлар ўртасидаги инвестицион низо-зиддиятларни тартибга солиш орқали ёки арбитраж муҳокамаси орқали тартибга солишни таъминлайди. У 1966 йилда давлатлар ва бошқа давлатларнинг фуқаролари ўртасидаги инвестицион низоларни тартибга солиш тўғрисидаги Конвенцияга мувофиқ ташкил қилинган. ICSIDга мурожаат қилиш ихтиёрий асосда аммо арбитраж муҳокамасига рози бўлган ҳолда амалга оширилади. Бунда томонларнинг ҳеч бири бир томонлама ундан бош тортиши мумкин эмас.

ICSID мустақил ташкилот бўлиб, Жаҳон банки билан чамбарчас боғлиқ, унинг барча аъзолари ҳам Банкнинг аъзоси ҳисобланади. Жаҳон банки раислиги остидаги Маъмурий кенгаш таркибига Конвенцияни ратификация қилган давлатларнинг биттадан вакили киради.

153 та давлат ва Косово (2020 йил март ойи ҳолати бўйича) ICSID аъзоси ҳисобланади⁷².

Шунингдек, ҳозирги кунга қадар арбитраж хизматлари кўрсатиш мақсадида қуйидаги арбитраж мусассасалари ташкил этилди:

71. Gary Born – International Commercial Arbitration – page 25

72. <https://icsid.worldbank.org/>

Стокгольм Савдо палатасининг Арбитраж институти (Arbitration Court of the Stockholm Chamber of Commerce)

1970 йилдан бошлаб ҳукукий фуқаролик характеридаги халқаро низоларни кўриб чиқаётган Тижорат арбитраж суди (томонларнинг арбитраж келишуви (шартномаси) мавжуд бўлган ҳолда, арбитраж қарорини ижро этиш мажбурияти шундан келиб чиқади). Стокгольм Савдо палатасининг мустақил бўлинмаси ҳисобланади. Стокгольм Савдо палатаси Арбитраж институтида мунозаралар Регламентга мувофиқ амалга оширилади⁷³.

Халқаро Гонконг арбитраж маркази (Hong Kong International Arbitration Centre, HKIAC)

Халқаро Гонконг арбитраж маркази Гонконг САР да доимий фаолият кўрсатувчи йирик арбитраж ташкилот ва Осиё минтақасидаги энг нуфузли халқаро тижорат арбитражи ҳисобланади. HKIAC 1985 йилда Гонконг бизнес-доиралари ва шаҳар маъмурияти ёрдамида ташкил этилди. Ҳозирги вақтда HKIAC тўлиқ равишда мустақил ташкилот бўлиб, унинг фаолияти ўз даромадлари билан молиялаштирилади (арбитраж ва низоларни кўриб чиққанлик учун тушадиган бошқа даромадлар). HKIAC нинг ташкилий тузилмаси ўз ичига қуйидагиларни олади: HKIAC Кенгаши; HKIAC Халқаро маслаҳат кенгаши; HKIAC (арбитрлар) тайинлаш бўйича маслаҳат кенгаши; HKIAC Котибияти; HKIAC арбитражлар тайинлаш қўмитаси; HKIAC арбитражлар рўйхатини танлаш бўйича қўмитаси; HKIAC домен низоларни ҳал қилиш учун арбитражлар рўйхатини танлаш бўйича қўмитаси; HKIAC Қўшма маслаҳат қўмитаси; Денгиз арбитражи гуруҳи; Домен низоларни ҳал қилиш бўйича Осиё маркази; HKIAC фойдаланувчилари кенгаши; HK45 (45 ёшдан кичик бўлган профессионаллар гуруҳи); Медиация бўйича Гонконг кенгаши HKIAC медиаторларни аккредитация қилиш бўйича қўмитаси 2012 йилдаги 456 низони кўриб чиққан. Унда 293 та низо арбитраж муҳокамаси тартибида, 116 та домен низолар ва 47 низо медиация тартибида кўрилган. HKIAC томонидан кўриб чиқиладиган арбитраж низоларнинг катта (68%) қисми

73. <https://sccinstitute.com/ru>

чет эллик шахслар иштирокидаги низолар ҳисобланади. НКІАС 2012 йилда кўриб чиққан барча низоларнинг умумий баҳоси 1,8 миллиард АҚШ доллариға тенг бўлган. 2012 йилда НКІАС кўриб чиққан низоларни чет эллик иштирокчилари орасида ХХР, Россия, САР Макао, АҚШ, Буюк Британия, Вьетнам, Индонезия, Филиппин, Таиланд, Тайвань, Британиянинг Виргин ороллари, Кайман ороллари, Кипр, Мальта, Швейцария, Жанубий Корея, Япония, Канада, Камбоджа, Бразилия, Самоа, Нидерландия, Дания, Ҳиндистон, Италия, Қирғизистон, Германия, Маршалл ороллари, Маврикия ва бошқа давлатларнинг ташкилотлари бор. Арбитраж мунозараларининг умумий сонидан 38% денгиз савдогарлиги, 24% - қурилиш, 27%-савдо, 8%-корпоратив низолар, 3%-суғурта масалалари бўйича мунозаралар ҳисобланади⁷⁴.

Лондон халқаро арбитраж суди (The London Court of International Arbitration, LCIA)

Лондонда асос солинган, Лондон Халқаро арбитраж суди энг машҳур арбитраж муассасалардан бири бўлиб, ADR арбитраж хизматлари, воситачилик ва бошқа процедураларни тақдим этади, одатда ўртача жорий 303 та ҳолатни кўриб чиқади.

LCIA арбитраж учун хизматлар, воситачилик, қарор ва ADR-ни тақдим этади. Айтиш муҳимки, муассасанинг ўзи баҳсларни ҳал қилмайди. Тўғрироғи, у бутун муҳокама давомида томонлар ҳамда арбитраж судига зарур бўлган ёрдамни кўрсатади.

Томонлар, шунингдек, LCIA судига ҳам мурожаат қилишлари мумкин. Бу ҳолда, муассаса тайинлов органи сифатида ҳаракат қилади. Ва бу томонларга арбитражлар, воситачилар ҳамда экспертларни тайинлашда ёрдам беради.

LCIA арбитражига кириш имкони – одатий ҳол, томонлар LCIA арбитражи ёки низо юзага келгунча арбитраж даъволарига киритган Қоидаларига ҳавола қиладилар. Бу уларга низо юзага келганда миллий судларга мурожаат қилиш ўрнига муҳокамани бошлаш имконини беради.

Бироқ, томонлар низо юзага келгандан кейин алоҳида шартнома бўйича арбитражга мурожаат қилишлари мумкин.

74. <https://www.hkiac.org/>

LCIA қоидаларига мувофиқ арбитраж қарорлари якуний ва мажбурий ҳисобланади. Улар, шунингдек, амалдаги қонунчиликка мувофиқ равишда мумкин бўлган пайт давомида апелляцияга бўлган ҳуқуқни рад этишни ва корхоналар апелляция даъвосини кўриб чиқиш учун йиллар сарфламасликларини таъминлашни ҳам кўзда тутати⁷⁵.

Сингапур халқаро арбитраж маркази (Singapore International Arbitration Centre, SIAC)

1991 йилда ташкил этилган мустақил тижорат ташкилоти. SIAC ни АҚШ, Буюк Британия, Швейцария, Ҳиндистон, Корея ва Сингапур давлатларидан ҳакамлик суди соҳасида катта малакага эга бўлган мутахассислардан иборат Директорлар кенгаши бошқаради.

SIAC кўриб чиқаётган ишлар сони 2008 йилдан буён узлуксиз ортиб бормоқда. 2013 йилда Халқаро арбитраж маркази томонидан 259 та янги иш кўриб чиқилди (таққослаш учун: 2008 йилда умумий ҳисобда 99 та иш, 1990 йилда 63 та иш кўриб чиқилган). 2013 йилда кўриб чиқилган ишларнинг умумий сони 619 тани ташкил этди.

SIAC арбитраж регламентига эга бўлиб, унинг сўнгги таҳрири амалиётчи юристлар билан узоқ давом этган маслаҳатлардан кейин 2010 йилда тасдиқланган. SIAC қарорлари Нью-Йорк конвенциясига мувофиқ дунёнинг 150 та мамлакатида тан олинади.

Одатда, Сингапур халқаро арбитражи тижорат соҳасидаги низоларни, шунингдек, қурилиш, денгиз савдогарлиги, савдо ва суғурта соҳасидаги низоларни кўриб чиқади. Шунга қарамай, у ёки бу ишнинг ҳакамлик суди остида бўлиши шартномадаги арбитраж даъво у кўриб чиқиши мумкин бўлган мунозара турлари албатта юқорида санаб ўтилган соҳалар билан чекланган бўлиши шарт эмас. Даъвонинг ишнинг ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилиши имконига таъсир кўрсатувчи энг юқори ёки энг паст суммаси мавжуд эмас⁷⁶.

Аввалроқ шарҳи келтирилган муассасалардан ташқари бутун дунё бўйича қатор бошқа арбитраж судлари фаолият юритади. Томонлар ўртасидаги потенциал низони кўриб чиқадиған арбитраж муассаса алоқа ўрнатишнинг дастлабки босқичида

75. <https://www.lcia.org/>

76. <https://www.siac.org.sg/>

белгиланади. Корхоналар ўзларининг бошқа корхоналар билан тузаётган шартномаларига арбитраж даъволарни киритадилар ва шу билан ўзларининг потенциал низоларини ечиш усули сифатида арбитражни танлайдилар.

Арбитраж институтини танлашда корхоналар олтига мезонни эътиборга оладилар: (I) институционал қоидалар тўплами орасидаги ҳар қандай тафовутнинг нисбий афзалликлари ёки камчиликлари; (II) арбитрлар тайинлашга нисбатан институтларнинг нисбий имкониятлари ва хоҳиш-истаклари; (III) муассасалар маъмурлари ёки котибиятларининг ишларни олиб боришга нисбатан ҳурматда бўлишдаги нисбий тажрибаси ва қобилияти; (IV) нисбий обрў-эътибор, чунки обрў-эътибор арбитраж қарорининг ижро этилиши истиқболларини яхшилаши ёки путур етказиши мумкин; (V) ҳам маъмурий, ҳам арбитраж харажатлари; ва (VI) белгиланган муассасалар белгиланган жойларда арбитражни ўтказиш учун тўғри келиш-келмаслиги⁷⁷.

Юқорида айтиб ўтилганидек, арбитраж хизматлари кўрсатувчи халқаро судлар ва муассасаларнинг келтирилган шарҳи ўқувчига дунё бўйлаб ўз фаолиятини олиб бораётган энг нуфузли институтларни қисқача таништириш мақсадига қаратилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бугунги кунда халқаро майдонда қуйидаги халқаро судлар фаолият юритаётганлигини кўришимиз мумкин:

1. БМТ Халқаро суди
2. Халқаро жиноят суди
3. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди
4. Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро суд
5. МДХ Иқтисодий суди
6. Евроосиё Иқтисодий суди
7. Европа Иттифоқи суди
8. Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка суди
9. Инсон ҳуқуқлари бўйича Араб суди
10. Денгиз ҳуқуқи бўйича халқаро трибунал

77. Paul D. Friedland - «Arbitration Clauses for International Contracts - 2nd Edition»

Шунингдек, ҳозирги кунда қуйидаги арбитраж муассасалари фаолият юритмокда (рўйхат тўлиқ эмас):

- 1. Стокгольм Савдо палатаси арбитраж суди*
- 2. Халқаро тижорат арбитраж суди*
- 3. Америка Арбитраж Ассоциацияси*
- 4. Француз арбитраж ассоциацияси*
- 5. Австралия халқаро тижорат арбитражи маркази*
- 6. Пекин арбитраж комиссияси*
- 7. Қоҳира халқаро тижорат арбитражи минтақавий маркази*
- 8. Мексика Арбитраж маркази*
- 9. Милан миллий ва халқаро арбитраж палатаси – «Милан арбитраж палатаси»*
- 10. Хитой халқаро савдо-иқтисодий арбитраж комиссияси*
- 11. Умумий суд ва арбитраж*
- 12. Польша савдо палатаси арбитраж суди*
- 13. Руминия савдо-саноат палатаси қошидаги Халқаро тижорат арбитраж суди*
- 14. Дубай халқаро арбитраж маркази*
- 15. Гонконг халқаро арбитраж маркази*
- 16. Инвестиция низоларини тартибга солиш бўйича халқаро марказ*
- 17. Лондон халқаро арбитраж маркази*
- 18. Доимий арбитраж суди*
- 19. Сингапур халқаро арбитраж маркази*
- 20. Швейцария палатаси арбитраж муассасаси*
- 21. Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича БМТ комиссияси*
- 22. Вена халқаро арбитраж маркази*
- 23. Интеллектуал мулк бўйича Бутунжаҳон ташиқоти Арбитраж ва Воситачилик маркази*
- 24. Қозоғистон халқаро арбитраж суди*
- 25. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси қошидаги Тошкент халқаро арбитраж маркази*

2. ХАЛҚАРО СУДЛАР ФАОЛИЯТИГА ОИД ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР

Халқаро ҳуқуқ манбалари халқаро ҳуқуқ нормалари кўри-нишида мавжуд бўлиб, ҳар қандай халқаро ҳуқуқ нормасининг моҳияти унинг субъектлари идораларининг келишуви жараёни-да эришилган битимдан иборатдир. Турли ҳолатларда халқаро ҳуқуқий нормаларни яратиш жараёни турлича кечади ҳамда турли шаклларни олади. Халқаро ҳуқуқ нормаларини яратиш-нинг ана шу шакллари халқаро ҳуқуқ манбалари деб аталади⁷⁸.

БМТ Халқаро суди Статути 38-моддасига кўра, Суд ўзига бе-рилган низоли ишни халқаро ҳуқуқ асосида ҳал этишда манба сифатида а) халқаро конвенциялар; б) халқаро одатлар; в) уму-мий принциплар; г) суд қарорлари; д) олимларнинг доктринала-ридан фойдаланади.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи манбаларининг тизимини куйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин:

Биринчи гуруҳ — халқаро ҳуқуқнинг асосий манбалари:

- *Халқаро шартнома;*
- *Халқаро одат;*
- *Ҳуқуқнинг умумий принциплари;*
- *Доктриналар — булар одатларнинг мавжудлигини белгилашда ёрдамчи восита сифатида хизмат қилади.*

Иккинчи гуруҳ — халқаро ҳуқуқнинг ёрдамчи манба-лари, яъни:

- *халқаро ташиқлотларнинг қарорлари (резолүциялари);*
- *халқаро суд ва арбитражларнинг қарорлари.*

Халқаро шартнома — халқаро ҳуқуқ манбаси. Халқаро шартно-ма халқаро ҳуқуқ нормаларининг амалдаги ёзма шаклидир. Халқа-ро шартнома икки ёки ундан ортиқ халқаро ҳуқуқ субъектлари ўр-тасидаги битимдир. Халқаро шартнома мустақил давлатларнинг

78. И.И.Лукашук, А.Х.Саидов. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асосла-ри: Дарслик. — Тошкент: “Адолат”, 2006. 53-б

ихтиёрийлик ва суверен тенглик асосида келишилган иродаси ҳисобланади. 1969 йилдаги «Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисида»ги Вена конвенцияси ҳамда 1986 йилдаги «Давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги шартномалар ҳуқуқи тўғрисида»ги Вена Конвенциясининг 2-моддасига мувофиқ, **халқаро шартнома** – халқаро ҳуқуқ томонидан тартибга солинадиган давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасидаги битимдир⁷⁹.

Шартнома халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасида улар учун юридик мажбурий бўлган қоидалар – уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга доир халқаро-ҳуқуқий нормаларни яратиш тўғрисидаги битимни нисбатан аниқ ва муайян шаклда ифода этади.

Халқаро ҳуқуқ нормаларининг кўпчилиги шартномавий хусусиятга эгадир.

Давлат манфаатларини ифодаловчи ва ҳар қандай давлат қўшилиши учун очик бўлган универсал шартномалар муҳим ўрин тутати. Улар орасида БМТ Низоми халқаро шартномалар ичида олий юридик кучга эга бўлиб, халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаи сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Халқаро одат — халқаро ҳуқуқ манбаси. Одат нормалари шартномалар каби шундай юридик кучга эга бўлади. Юриш-туриш қоидаларини одат сифатида баҳолаш мураккаб масала ҳисобланади. Шартномалардан фарқли ўлароқ одатлар қандайдир бир ягона актларда ёзма шаклда расмийлаштирилмайди. Шунинг учун одатларнинг мавжудлигини белгилаш учун ёрдамчи воситалар, яъни суд қарорлари, доктриналар, халқаро ташкилотлар қарорлари, бир томонлама актлар ва давлатларнинг хатти-ҳаракатлари асосида ўрнатилади.

БМТ Халқаро суди ўзининг амалиёти давомида одатларнинг мавжудлигини тасдиқлаш билан чекланмай балки уларга маълум даражада аниқ ифода (таъриф) берган. Мисол тариқасида БМТ Халқаро судининг 1951 йилдаги балиқчилик тўғрисидаги «инглиз-норвегия низоси» ҳақидаги қарорини келтириш мумкин, жумладан, одат нормаларини аниқлашда қирғоқбўйи дав-

79. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz>.

латлар ўзларининг ҳудудий сув ҳавзасининг охириги чегараси сифатида уларни аниқлаш учун тўғри чизиқни ҳам қўллаши мумкинлиги баён этилган⁸⁰.

Халқаро одатлар шартномалар каби халқаро ҳуқуқнинг манбаси ҳам ҳисобланади. 1969 йилги «Халқаро шартномалар ҳуқуқи» тўғрисидаги Вена конвенцияси шуни қайд этадики, халқаро одат нормалари халқаро муносабатларнинг муҳим масалаларини олдингидай ҳал қилади⁸¹.

Бундан ташқари, халқаро одат БМТ Халқаро суди Статути-нинг 38-моддасида «ҳуқуқий норма сифатида қабул қилинган умумий амалиёт»нинг далили, деб белгиланган.

Одатлар халқаро ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг етарли даражадаги узоқ муддатли такрорланувчи ҳаракатлари давомида юзага келади. Демак, ҳар қандай халқаро одатларни ҳам ҳуқуқий норма сифатида қўллаш мумкин эмас. Бунинг учун ҳам одат қуйидаги 3 та талабга жавоб бериши лозим:

- 1. халқаро одат нормалари узоқ вақт давомида қўлланилган бўлиши;*
- 2. халқаро ҳуқуқ субъектлари томонидан тан олинган бўлиши;*
- 3. ҳуқуқий мажбурийлиги тан олинган бўлиши⁸².*

Масалан, «халқаро одат» деб даъво қилинаётган одат нормалари амалиётда судлар томонидан қўлланилган ҳолатлар мавжуд бўлса ёки давлатларнинг ташқи алоқаларида шунга ҳавола қилинган ҳолатлар мавжуд бўлса, тан олинган ҳисобланади. Яна бир мисол, доимо давлатлар ўртасида халқаро алоқалар ўрнатилганда шартнома тузаётган давлатларнинг ваколатли вакиллари шартномани имзолашади. Бу ёзилмаган қоида, яъни одат ҳисобланади. Кейинчалик янги қабул қилинган конвенци-

80. <https://www.icj-cij.org/en/case/5/summaries>

81. “Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисида” Вена конвенцияси. 1969 йил 23 май, Вена.

82. <https://www.un.org/ru/icj/statut.shtml>. БМТ Халқаро суди статuti. 38-моддаси.

яларда томонлар ўртасида ҳужжатлар имзоланиши ва уни имзолаган шахс томонидан тақдим қилиниши каби жумлалар ўз аксини топди. Мазкур ҳолат одатнинг нормага айланишининг бир кўринишидир.

Ёдда тутинг!

«Халқаро одат» деб даъво қилинаётган одат нормалари амалиётда судлар томонидан қўлланилган ҳолатлар мавжуд бўлса ёки давлатларнинг ташқи алоқаларида шунга ҳавола қилинган ҳолатлар мавжуд бўлса тан олинган ҳисобланади.

Доимо давлатлар ўртасида халқаро алоқалар ўрнатилганда шартнома тузаётган давлатларнинг ваколатли вакиллари шартномани имзолашади. Бу ёзилмаган қоида, яъни одат бўлиб ҳисобланади. Кейинчалик янги қабул қилинган конвенцияларда томонлар ўртасида ҳужжатлар имзоланиши ва уни имзолаган шахс томонидан тақдим қилиниши каби жумлалар ўз аксини топди (Масалан, Кишинёв конвенцияси 11-модда 3-қисми). Мазкур ҳолат одатнинг нормага айланишининг бир кўринишидир.

Халқаро одатдан халқаро кўникмаларни фарқлаш лозим. Кўникма бу, давлатларнинг юридик мажбурий кучга эга бўлмаган умумий амалиётидир. Масалан, халқаро тақаллуф кўрсатиш нормалари, яъни давлат раҳбари ёки ҳукумат бошлиғини кутиб олиш тантанали маросими, очик денгизда кемаларнинг ўзаро мушакбозлиги ва ҳ.к.

Халқаро одатнинг ҳуқуқий норма сифатида шаклланишига оид амалий мисолдан намуна:

Salini компанияси (Италия) ва Марокко Қироллиги.

Кейс: SALINI⁸³ компанияси (Италия) 1994 йилда Марокко Қироллигига йўл қурилиши яъни, трасса қуриш учун инвестиция киритади. Мамлакатдаги ноқулай об-ҳаво шароити ва баъзи техник сабабларга кўра йўл қурилиши юзасидан лойиҳани ўз вақтида яқунлай олмайди. Ва иш кўрсатилган режадан (32 ой) 4 ойга кечикади (36 ойга чўзилади). Натижада Марокко Қирол-

83. Salini v Morocco- <https://www.italaw.com/sites/default/files/case-documents/ita0738.pdf>

лиги мазкур лойиҳани мажбурий тугатиш чораларини кўради. Бундан норози бўлган SALINI компанияси (Италия фирмаси) 2000 йилда мазкур низо юзасидан Марокко қироллигига қарши Инвестицион низоларни ҳал этиш халқаро марказига (Вашингтон) ариза билан мурожаат қилади. Халқаро марказ томонидан SALINI компанияси (Италия фирмаси) иши юзасидан махсус трибунал ташкил этилади ва трибул мавжуд ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, SALINI компаниясининг (Италия фирмаси) ҳақиқатдан ҳам инвестор эканлигини тан олади. Халқаро марказнинг инвесторни ҳақиқатдан ҳам инвестор ёки инвестор эмаслигини белгилаш юзасидан ўзининг махсус талаблари мавжуд бўлиб, ушбу ўринда халқаро марказ аввало «Давлатлар ва ажнабий шахслар ўртасидаги инвестицияга доир низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Конвенцияга⁸⁴ (1965 йил 18 март, Вашингтон) асосланади. Конвенциянинг 25-моддаси биринчи қисмида Марказ инвестицион низолар билан боғлиқ масалаларни кўриш ваколатига эғалиги белгиланган. SALINI компанияси иши юзасидан Марказда ташкил этилган трибунал мазкур ишни кўриш давомида ўзини инвестор деб даъво қилаётган шахс томонидан мамлакатга киритилаётган манба(пул ва бошқа кўринишдаги) ҳақиқатда инвестиция деб тан олиш учун унинг муайян талабларга жавоб бериши лозимлигини келтиради ва ўзлари томонидан ишлаб чиқилган мазкур талабларни санаб ўтади.

Биринчи талаб – инвестор томонидан росмана чиқим бўлиши (пул кўринишида, мулк кўринишида, ишчи кучи кўринишида, интеллектуал мулк кўринишида ва х.к.).

Иккинчи талаб – таваккалчилик.

Учинчи талаб – ишнинг камида 2 йилдан кўроқ муддатга чўзилиши.

Тўртинчи талаб – ўша давлатнинг ривожланишига қўшган фойдаси ва ҳиссаси.

SALINI компанияси мазкур талабларга тўлиқ жавоб беради. Бироқ Марокко Қироллиги томонидан мазкур лойиҳани мажбу-

84. Давлатлар ва ажнабий шахслар ўртасидаги инвестицияга доир низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида Конвенция. 1965 йил 18 март, Вашингтон.

рий тугатилиши ноқонуний бўлганлигини асослаб бера олмайди. Натижада иш Марокко Қироллиги фойдасига ҳал бўлади.

Халқаро марказ трибунали томонидан инвесторни тан олиш бўйича ишлаб чиқилган юқоридаги қўшимча тўртта талаб амалиётда биринчиси эди. Мазкур талаб шунга ўхшаш кейинги халқаро ишларда халқаро одат сифатида фойдаланила бошланган.

«Ўздонмахсулот» АЖ ва Швейцариянинг Romak S.A. компанияси:

Айнан мана шу тўртта талабнинг халқаро одат сифатида тан олиниши билан боғлиқ амалиёт 2006 йилда Ўзбекистоннинг «Ўздонмахсулот» АЖ ва Швейцариянинг ROMAK S.A.⁸⁵ компанияси ўртасидаги низода Парижнинг доимий арбитраж суди томонидан қўлланилган.

Ушбу ўринда Ўзбекистон Инвестицион низоларни ҳал этиш халқаро маркази (Вашингтон) томонидан SALINI компанияси ишини кўришда инвесторни тан олиш бўйича ишлаб чиқилган қўшимча тўртта талабни халқаро одат сифатида қўллашни сўрайди. ROMAK S.A. компанияси дастлаб Инвестицион низоларни ҳал этиш халқаро маркази (Вашингтон) ишнинг мазкур ишда Парижнинг доимий арбитраж суди томонидан манба сифатида фойдаланилишига эътироз билдиради. Кейинчалик агар манба сифатида фойдаланилса ҳам юқоридаги ўша тўртта талабга жавоб беришини маълум қилади. Парижнинг доимий арбитраж суди Инвестицион низоларни ҳал этиш халқаро маркази (Вашингтон) бошқа бўлганлиги билан унинг иши айнан инвестицион низолар билан боғлиқ иш бўлганлиги боис, уни халқаро одат сифатида тан олинилишини ва ундан манба сифатида фойдаланилишини маълум қилади.

85. <https://www.italaw.com/sites/default/files/case-documents/ita0716.pdf>

Тўртта талаб бўйича тарафлар томонидан келтирилган
важлар:

Ўзбекистон важдари:

- 1 ● Ўзбекистон томони мазкур шартномани узоқ муддатли эмас, балки бир марталик шартнома, шунинг учун тўртта талаблардан бири бўлган шартноманинг камида 2 йилдан кўпроқ муддатга тузилган бўлиши лозим деган талабга жавоб бермайди деб, таъкидлайди.
- 2 ● Мазкур ишда ҳеч қандай таваккалчилик асослари йўқ. Сабаби, шартнома «Ўздонмахсулот» АЖ билан тузилган. «Ўздонмахсулот» АЖ давлат назоратида бўлганлиги боис, бу ташкилот давлат томонидан кафолатган шунинг учун бу ерда ҳеч қандай хавф бўлиши мумкин эмас деб, таъкидлайди.
- 3 ● ROMAK S.A. мамлакат ривожига ҳеч қандай ҳисса қўшмаган. Сабаби, дон махсулоти бор йўғи 40 минг тонна бўлиб, бу ҳеч қандай бутун бошли мамлакат ривожига ҳисса қўшилган дейиш учун асос бўлаолмайди деб, таъкидлайди.

ROMAK S.A. жавоблари:

- 1 ● Бир марталик шартнома бўлганлиги билан махсулот бир неча босқичда йиллар давомида олиб келинган. Шунинг учун қисқа муддатли эмас деб, жавоб қилади.
- 2 ● Таваккалчиликка жавоб сифатида, биринчидан Ўзбекистонда инвестицион муҳит барқарор эмас, иккинчидан мамлакатда ички қонунчилик тез-тез ўзгариб туради. Шундай бир шароитда Ўзбекистон билан қилинган шартномани таваккалчилик деб баҳолайди.
- 3 ● «Ўздонмахсулот» АЖ билан ROMAK S.A. ўртасида шартнома имзоланган вақтда ROMAK S.A. Ўзбекистонга дон махсулоти етказиб берувчи ягона ташкилот бўлган. Ўша пайтлардаги мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ва ўзида етиштирилган дон махсулотлари мамлакат ички эҳтиёжини қондираолмаслигини ҳисобга олганда, буни мамлакат ривожига ҳисса қўшиш деб баҳолаш мумкин дейди.

Натижада Парижнинг доимий арбитраж суди ROMAK S.A. компанияси томонидан келтирилган важларни инобатга олиб, компания даъвоси қаноатлантирилади. Компания мазкур ишда ютиб чиқади. Иш 2009 йилда якунланади. Шу билан юқоридаги 4 та талаб SALINI тести сифатида халқаро ҳуқуқ манбасига айланади.

Ҳуқуқнинг умумий принциплари – халқаро ҳуқуқ манбаи.

Ҳуқуқнинг умумий принциплари ҳар қандай ҳуқуқ тизимида амал қиладиган принциплардир. Уларнинг таркиби ҳақида олимлар томонидан ягона фикр шаклланмаган. Айрим ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, улар «қилмишига яраша жазо олиши керак» ёки «кейинги норма аввалгисини бекор қилади» каби юридик-техникавий қоидалардан иборат. Бошқа олимларнинг фикрича ҳуқуқнинг умумий принциплари қаторига адолатпарварлик, виждонийлик каби принципларни киритиш ўринли⁸⁶.

Халқаро – ҳуқуқий таълимотлар (доктрина). БМТ Халқаро суди Низомига мувофиқ Суд «турли давлатларнинг оммавий ҳуқуқ бўйича низоларини ҳал этишда ҳуқуқий таълимот нормаларини ёрдамчи восита сифатида қўллайди».

Ф.Ф.Мартенснинг фикрига кўра, «халқаро ҳуқуқнинг тарихи ва фани мавжуд халқаро одатлар ва битимларнинг ҳақиқий маъносини аниқлаш воситаси бўлиб хизмат қилади. Улар одат нормалари ва битимларда акс этирилган халқларнинг ҳуқуқий онгини соф ҳолда тасаввур этишлари имконини беради, ҳамда у шак-шубҳасиз халқаро ҳуқуқнинг манбаси қаторига киради»⁸⁷.

Таълимот (доктрина)га уни халқаро ҳуқуқнинг манбаси сифатида қаралмайди. У фақатгина нормаларни аниқлаш учун ёрдачи восита сифатида гавдаланади. Агар таълимот ҳуқуқни қўллаш босқичида қўлланилса, унда ҳуқуқ ижод қилиш босқичида фойдаланишга анча кўп асос бўлади.

86. И.И.Лукашук, А.Х.Саидов. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари: Дарслик. – Тошкент: “Адолат”, 2006. 61-б

87. Мартенс Ф. Ф. Современное международное право цивилизованных народов. М., 1996. Т. 1. С. 151.

Ҳозирги пайтда халқаро ҳуқуққа оид йирик асарларга ҳа-
вола қилишни БМТ нинг Халқаро ҳуқуқ комиссияси матери-
алларида, арбитраж ва айрим суд қарорларида, Халқаро суд
аъзоларининг алоҳида фикр-мулоҳазаларида кузатиш мумкин.
Таълимот халқаро ҳуқуқ ёрдамида ҳал қилиниши лозим бўлган
вазифаларни, халқаро муносабатларга таъсир кўрсатиш имко-
ниятларини, усул ва йўллариини замонавий тарзда тушунтириш-
ни тақозо этади. Албатта халқаро ҳуқуқ масалаларини чуқур
ўрганиш бўйича юридик жиҳатдан бенуқсон, асослантирилган
хулосалар судьянинг, ҳакамнинг, Халқаро ҳуқуқ Комиссияси
аъзосининг, музокараларда қатнашаётган делегация ҳуқуқий
маслаҳатчисининг тегишли фикрларининг шаклланишига таъ-
сир қилмасдан қолмайди.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ ЁРДАМЧИ МАНБАЛАРИ

Халқаро ташкилотларнинг резолюциялари (лат. resolution — қарор, яъни йигилиш, конференция ва бошқаларда қабул қилинадиган қарор) — халқаро ҳуқуқнинг манбаси.

Кўпчилик ҳолларда халқаро ташкилотлар ўзларининг маж-
бурий юридик кучга эга бўлмаган резолюцияларида кейинча-
лик унинг иштирокчилари томонидан имзоланадиган шартно-
маларда акс этиши кўзда тутилган принциплар ва нормаларни
белгилайди. Масалан, БМТ Бош Ассамблеясининг резолюцияла-
ри инсон ҳуқуқлари бўйича шартномалар мажмуини яратишда
бош омил бўлди.

Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқ нормаларини яратиш
ҳуқуқи уларни тузган давлатлар томонидан белгилаб қўйилади
ва булар ҳақда халқаро ташкилот таъсис ҳужжатида қайд эти-
лади. Унда халқаро ташкилот ваколатларининг умумий кўлами
ва унинг юридик нормалар яратиш бўйича ҳуқуқлари аниқ баён
этилади. Кўп томонлама халқаро ташкилотлар асосан ўз вакола-
тига кирувчи масалалар бўйича халқаро шартномалар тайёрлаш
ва қабул қилиши билан ажралиб туради. Халқаро ташкилот-
ларга аъзо давлатлар вакиллари ўртасидаги мунтазам алоқалар
туфайли ташкилотда у ёки бу соҳада мавжуд эҳтиёжларни тар-

тибга солиш мақсадида ўзларининг қарорларини қабул қилади. Ушбу қарорлар бошқа ташкилотлар учун тавсиявий характерга эга бўлади.

Халқаро суд ва арбитражларнинг қарорлари – халқаро ҳуқуқнинг манбаси.

Халқаро суд ва арбитражларнинг қарорлари низода ўзига нисбатан қарор чиқарилаётган томон учунгина мажбурий кучга эга бўлади. Аммо БМТ Халқаро судининг қарорлари одатда янги нормаларни ишлаб чиқишда эътиборга олинади, судлар ва арбитражларнинг далил-исботлари эса кўп ҳолларда бундай низоларда томонларнинг позициясини асослаш учун ишлатилади.

Арбитражларнинг қарорлари томонлар учун мажбурий ҳисобланади ва унга нисбатан апелляция ёки бошқача усулларда шикоят берилмайди⁸⁸.

Ёрдамчи восита сифатидаги суд қарорларига БМТнинг Халқаро суди ва бошқа халқаро суд ва арбитраж суд қарорлари тааллуқли ҳисобланади.

Суд қарорлари Халқаро суд Низомининг 38-моддасига мувофиқ ушбу Низомнинг 59-моддасида мустаҳкамланган қоидаларга риоя этилган ҳолда ҳуқуқий нормаларни ўрнатиш учун ёрдамчи восита сифатида эътироф этилади. Унда қайд этилишича: «Суднинг қарорлари фақатгина унда иштирок этувчи тарафларга ва айнан шу ишга таллуқли ҳамда мажбурий ҳисобланади».

Айрим ҳолларда суд қарорлари халқаро ҳуқуқнинг одат нормаларини шаклланишига замин бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Халқаро суднинг қарорларига кўпинча халқаро ҳуқуқнинг одат нормалари мавжудлигини исботлаш учун мурожаат қилинади. Халқаро суд қарорларининг такомиллашуви унинг халқаро ҳуқуқ ривожига инновацион тарздаги таъсири билан изоҳланиши мумкин.

Буюк Британия ва Норвегия ўртасидаги низоли масала бўйича қарорда (1951й.)⁸⁹ суд айрим тўғри аниқ чегаралар

88. “Давлатлар ва ажнабий шахслар ўртасидаги инвестицияга доир низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Вашингтон Конвенцияси. 1965 йил 18 март. 53-модда.

89. <https://www.icj-cij.org/en/case/5/summaries>

бўйича муҳим юридик қоидаларни изоҳлади. Ушбу қоидаларни БМТнинг Халқаро ҳуқуқ Комиссияси кейинчалик қабул қилди, бу Комиссиянинг фаолияти тўрисидаги маърузасида (1956) ўз аксини топди. Кейинчалик ушбу қоидалар халқаро шартномада, айнан 1958 йилги Худудий денгиз ва туташ минтақа тўғрисидаги Женева конвенциясида ўз аксини топди.

Суд қарорлари албатта низоли иш иштирокчилари учун мажбурий ҳисобланади. БМТ Халқаро суди Низомининг 59-моддасининг ушбу нормаси БМТ Низомининг 94-моддасида белгиланган нормага жуда яқин туради, унга кўра БМТнинг ҳар бир аъзоси Суд қарорларини (айнан шу ишда иштирокчи бўлса) сўзсиз бажариши лозим. Суд қарорини бажармаслик БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан иккинчи тарафнинг илтимосига кўра тавсия бериши ёхуд қарорни ижро этиш чорасининг кўрилишига сабаб бўлиши мумкин.

Миллий судларнинг қарорлари, уларда халқаро ҳуқуқнинг шартномавий ёки одат нормалари қўлланилган бўлишига қарамасдан Халқаро суд томонидан халқаро ҳуқуқнинг манбаси сифатида таснифланмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, халқаро ҳуқуқнинг манбаси нафақат БМТ Халқаро судининг қарорлари, балки минтақавий ва бошқа халқаро судларнинг қарорлари ҳам бўлиши мумкин (масалан, Халқаро жиноий суди, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди ва б.).

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди 2003 йилнинг июнь ойида Россия Федерацияси ҳукуматига Тамара Ракевичга маънавий зарар сифатида 3 минг евро миқдоридаги пул маблағини тўлаш мажбуриятини юклади. Суд фикрига кўра, Россия Федерацияси томонидан 1950 йилги Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги Европа конвенцияси қоидалари бузилган эди. Даъвогарнинг таъкидлашича, у мажбуран руҳий касалликлар шифохонасига олиб келтирилган ҳамда даволаш ишлари амалга оширилган. Конвенцияга кўра, шахснинг эркинлигини чеклаш учун қонун ёхуд Конвенцияга му-

вофик асос мавжуд бўлиши, шунингдек, шахсининг эркини чеклаш ёки ундан маҳрум қилиш масаласи зудлик билан суд томонидан ҳал қилиниши лозим. Модомики Россия 1950 йилги Европа конвенцияси аъзоси ҳисобланар экан, у Конвенция нормаларига риоя этиши ва уни таъминлаши лозим эди. Европа судининг ушбу иш юзасидан чиқарган қарори Россия Федерациясининг 1992 йилги «Психиатрик ёрдам ва уни кўрсатишда фуқароларнинг ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида» ги қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга сабаб бўлди. Қоидага кўра, конвенцияга эъза давлатлар миллий қонунчилигини конвенция талабларига мослаштириши ҳамда фуқароларга уларни касалхонага жойлашнинг ноқонунийлиги устидан эркин тарзда шикоят билан мурожаат этиш ҳуқуқини таъминлаши лозим ҳисобланади.

3. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ХАЛҚАРО МЕХАНИЗМЛАРИ

1. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Низом органлари.
2. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича ёрдамчи органлари.
3. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича шартномавий органлари ва улар фаолиятининг самарадорлиги масаласи. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича кўмиталари томонидан квази суд органи сифатида кўрилган ишлар таҳлили.
4. БМТ тизимидаги ихтисослашган муассасалари ва уларнинг инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги ўрни.
5. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг минтақавий механизмлари

Маълумки, давлатларнинг инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳамкорлиги турли шаклларда ифодаланади: яъни, давлатлар инсоннинг қандай ҳуқуқ ва эркинликлари ҳурмат қилиниши лозимлиги бўйича ягона универсал стандартлар ишлаб чиқарилар ва халқаро келишувлар бўйича мажбуриятлар олишади. Халқаро ташкилотлар одатда халқаро ҳукуматлараро ва халқаро ноҳукумат ташкилотларга бўлинади. Халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар эса, ўз навбатида универсал ва минтақавий ташкилотларга бўлинади⁹⁰.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро механизмлари универсал ва минтақавий механизмларга бўлинади.

Универсал механизмлар:

1. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича низом органлари.

БМТ Низомининг 7-моддасига кўра БМТнинг органлари асосий органлар ва ёрдамчи органларга бўлинади. Унинг асосий органларининг вазифа ва ваколатлари Низомда кўрсатилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат. Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва Ижтимоий кенгаш, Васийлик кенгаши (ҳозирги пайтда фаолиятини тўхтатган), Халқаро суд ва Котибият.

90. Инсон ҳуқуқлари: дарслик/А.Р. Мўминов, М.А. Тиллабаев. 2- нашр. –Т.:Адолат. 2013. 231-бет.

БМТ фаолиятини мувофиқлаштиришда бу органларнинг роли ва аҳамияти каттадир. БМТ ўзининг бутун фаолиятини ана шу идоралар ёрдамида амалга оширади. Мазкур органлар ўз фаолиятида давомида энг муҳим масалалар қаторида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланадилар.

БМТнинг *ёрдамчи органлари*га унинг асосий органлари фаолиятига қўмаклашувчи кўп сонли турли қўмиталар, комиссиялар ва бошқа номдаги турли тузилмаларни киритиш мумкин. Масалан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш (1946-2006 йиллар комиссия), БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича олий комиссари бошқармаси, Хотин-қизларнинг аҳволи бўйича Комиссия, Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссар бошқармаси.

БМТ тизимида унинг Низомида кўрсатиб ўтилган асосий ва ёрдамчи органларидан ташқари, БМТдан мустақил бўлган, аммо Низомнинг 57-моддасида кўрсатиб ўтилган ихтисослаштирилган муассасалар⁹¹ ҳам киради⁹². Масалан, БМТнинг Болалар фонди (ЮНИСЕФ) ва инсон ҳуқуқлари-ихтисослашаган муассаса, БМТнинг Атроф муҳит бўйича дастури (ЮНЕП) ва инсон ҳуқуқлари, БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) ва инсон ҳуқуқлари, БМТнинг Тараққиёт дастури (United Nations Development Programme-UNDP).

(Органиграммага қаранг(165-бет).

БМТ асосий (Низом) органлари БМТ Низомига мувофиқ ваколатлари доирасида инсон ҳуқуқларига оид масалалар юзасидан ўз фаолиятини олиб боради.

1) Бош Ассамблея БМТнинг бош вакиллик органи саналади. Ассамблея Ташкилотнинг барча аъзо-давлатларидан таш-

91. БМТнинг “ихтисослаштирилган ташкилотлари”, кўпинча адабиётлар ва халқаро ҳужжатларда “ихтисослаштирилган муассасалар” деб ҳам юритилади. Аммо, бундай икки хил номланиш, уларнинг мақоми, мазмуни ва моҳиятига таъсир кўрсатмайди.

92. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми ва Халқаро суд Статути. – Т.: БМТнинг Ўзбекистондаги ахборот маркази, 2002. -Б.31-32

кил топади. Ҳозирги кунда Бош Ассамблеяга аъзо давлатлар сони 193 тани ташкил этади⁹³. БМТ Низомининг 13-моддасига мувофиқ Бош Ассамблеянинг асосий вазифаларидан бири бу, «иқтисодий, ижтимоий, маданий, маориф, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги халқаро ҳамкорликка кўмаклашиш, инсон ҳуқуқларини ва барчанинг асосий эркинликларини ирки, жинси, тили ва динини ажратмаган ҳолда амалга оширишга кўмаклашиш» мақсадида ўрганиш ва тадқиқ этиш ишларини уюштириш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Бош Ассамблея тавсиялари давлатлар учун ҳуқуқий мажбуриятлар юзага келтирмайди. Бош Ассамблея инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ўз вазифаларини бажариш учун Низомнинг 22-моддасига биноан, заруратга қараб турли ёрдамчи органларни таъсис этиш ваколатига эга.

2) Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш (ЭКОСОС) БМТ ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг иқтисодий ва ижтимоий фаолиятини мувофиқлаштириш учун масъул бўлган асосий орган бўлиб, 54 аъзодан ташкил топган ҳисобланади. Кенгаш ўз фаолиятини сессиялар даврида ишлайдиган қўмиталар – Иқтисодий, Ижтимоий ва Мувофиқлаштирувчи қўмиталар ёрдамида олиб боради.

БМТ Низомининг 62-моддасига биноан Кенгаш инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг ҳурмат қилиниши ҳамда уларга риоя этилишини рағбатлантириш мақсадида тавсиялар бериши мумкин.

БМТ Низомининг 68-моддасига мувофиқ Кенгаш «иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ҳамда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш бўйича комиссиялар тузади».

3) Хавфсизлик Кенгаши. БМТга аъзо давлатлар Хавфсизлик Кенгашига халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун бош жавобгарликни юклайди. БМТ Низомига кўра, аъзо-давлатлар Хавфсизлик Кенгаши қарорларига риоя этади ва уларни бажаришга розилик билдиради. Хавфсизлик Кенгаши 15 та аъзодан иборат; уларнинг 5 таси доимий аъзо давлатлардир. Булар Буюк Британия, Хитой, Россия, АҚШ ва Франция.

93. <https://www.un.org/ru/about-us/member-states>

Хавфсизлик Кенгаши халқаро ихтилофга сабаб бўлиши ёки низо чиқариши мумкин бўлган ҳар қандай келишмовчилик ёки вазиятни текширишга вакил қилинади (БМТ Низомининг 34-моддаси). Турли вазифаларни бажариш учун Хавфсизлик Кенгаши ёрдамчи органлар – қўмита, комиссиялар, ишчи гуруҳлари тузиши мумкин.

Хавфсизлик Кенгаши резолюциялари билан алоҳида мамлакатлар ёки минтақаларда БМТ миссиялари таъсис этилиши мумкин. Масалан, Хавфсизлик Кенгаши резолюцияси асосида собиқ Югославия бўйича Халқаро трибунал (1993) ва Руанда бўйича Халқаро жиноий трибунал (1994) таъсис этилган.

4) Халқаро суд БМТнинг асосий судлов органи. Давлатлар ўртасидаги юридик низоларни уларнинг розилиги билан ҳал қилади ва ҳуқуқий масалалар бўйича тавсиявий хулосалар беради.

Халқаро суд Статутининг 34-моддаси 1-бандига кўра, «Суд томонидан ҳал этилаётган ишларда фақат давлатлар суд муҳокамаси томонлари бўлиши мумкин». Судда унга томонлар тақдим этган барча ишлар ва БМТ Низоми ёки амалдаги халқаро шартномаларда махсус кўзда тутилган барча масалалар кўрилиши мумкин. Шу билан бирга, Халқаро суднинг универсал даражада инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ҳиссасини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

БМТ халқаро судининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларга риоя этиш тўғрисидаги давлатлар ўртасидаги низосини (*Georgia v. Russian Federation*, 2008) мисол қилиб келтириш мумкин⁹⁴.

2. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича ёрдамчи органлари.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш (2006 йилгача Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия⁹⁵). Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия шаклида Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш томонидан

94. <https://www.icj-cij.org/en/case/140>

95. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси ислоҳ қилиниб, 2006 йилдан бошлаб, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига айлантирилган. Мазкур Кенгаш тўғрисида қуйида батафсилроқ тўхталиб ўтамиз ва Кенгаш фаолиятини тўлароқ тушуниш учун Комиссия олиб борган фаолиятни ҳам таҳлил қилиб ўтиш керак бўлади.

1946 йил 10 декабрда таъсис этилган бўлиб, 53 та аъзо-давлат вакилларида ташкил топган.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси сиёсий орган сифатида ташкил этилган. Комиссияда қарорлар қабул қилинишида сиёсий ирода, одатда, ҳал қилувчи роль ўйнаган. Кўрилаётган масалалар бўйича муайян қарорлар қабул қилишга кўпинча давлатларнинг биргаликда (айниқса, сиёсий манфаатлар асосида) ҳаракат қилувчи блоклари тўскинлик қилиши мумкин бўлган. Шунинг учун ҳам, муайян резолюцияни Комиссиядан ўтказиш учун кўп вақт талаб қилинган. Кун тартибидаги муҳокамалар кўпинча анча вақтгача чўзилиши ҳамда режадаги ҳаракатлар кейинга қолиши мумкин бўлган. Бу ҳолатлар Комиссия фаолиятини янада сиёсийлаштириб, унинг обрўсининг тушишига сабаб бўлган, дейиш мумкин. Шу туфайли, 2005 йилнинг март ойида БМТнинг собиқ Бош котиби Кофи Аннан ўзининг «Катта эркинлик олдида» мавзuidaги маърузасида Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия ўрнига аъзоларининг сони жиҳатидан кичикроқ, аммо доимий ишловчи Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашни ташкил этишни таклиф этди⁹⁶. БМТ Бош Ассамблеясининг 2006 йил 15 мартдаги №60/251 резолюцияси⁹⁷ билан Комиссиянинг ўрнига Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаш Бош Ассамблеянинг ёрдамчи органи сифатида таъсис этилди.

Кенгашда аъзолар сони минтақавий гуруҳлар бўйича пропорционал равишда тақсимланган: Африка давлатлари гуруҳи – 13 та ўрин, Осиё давлатлари гуруҳи – 13 та ўрин, Шарқий Европа давлатлари гуруҳи – 6 та ўрин, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси давлатлари гуруҳи – 8 та ўрин ва Ғарбий Европа ва бошқа давлатлар гуруҳи – 7 та ўрин.

Давлатлар Кенгашга танланаётганда Бош Ассамблея номзодларнинг инсон ҳуқуқларига кўмаклашиш ва ҳимоя қилиш ишига қўшган ҳиссаси ва уларнинг бу борадаги ихтиёрий мажбуриятлари ва ваъдаларини инобатга олади.

96. Доклад Генерального секретаря «При большой свободе: к развитию, безопасности и правам человека» // Док. ООН. А/59/2005 от 21 марта 2005 года.

97. Резолюция Генеральной Ассамблеи «Совет по правам человека» № 60/251 от 15 марта 2006 г. // Док. ООН. А/60/251.

2020 йил 13 октябрь куни Ўзбекистон ўз тарихида илк бор БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаши аъзоси этиб сайланди. Кенгашга Ўзбекистон билан бирга Россия, Куба, Габон, Боливия, Хитой, Кот-д'Ивуар, Франция, Малави, Мексика, Непал, Покистон, Сенегал, Буюк Британия ва Украина сайланган. Ушбу янги аъзолар 2021 йил 1 январдан ўз фаолиятини бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида сўзлаган нутқида (21.02.2021 й.) бир қатор таклиф ва амалга оширилиши кутилаётган вазифалар ҳақида тўхталиб ўтди. Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш йўлида бажарилган ишлар билан бир қаторда истиқболда амалга оширилиши режалаштирилган мақсад ва вазифалар хусусида қуйидагиларни билдирди:

✔ *Имконияти чекланган шахсларнинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариш масалалари бўйича Минтақавий кенгаш тузиш;*

✔ *«Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим» декларациясининг 10 йиллигига бағишлаб Олий комиссар бошқармаси билан биргаликда глобал форум ўтказиш;*

✔ *Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принципларини ишлаб чиқиш масаласини кўриб чиқиш;*

✔ *БМТ шафелигида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясини ўтказиш;*

✔ *БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг ўнинчи форумида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳасини тақдим этиш;*

✔ *Ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачи институтини таъсис этиш масаласини киритишга тайёргарлик кўриш;*

✔ *2021 йилда, яъни Болалар меҳнатига барҳам бериш халқаро йилида Ўзбекистонда Болалар Омбудсмани*

тўғрисидаги қонунни қабул қилиш. Шунингдек, Қийноқларга қарши конвенциянинг Факультатив протоколини ратификация қилиш⁹⁸.

Ўзбекистоннинг Женева шаҳридаги БМТ бўлинмаси ва бошқа халқаро ташкилотлардаги доимий вакили Улуғбек Лапасов 2022 йил учун БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши раиси (Федерико Вильегас)нинг ўринбосари лавозимида иш бошлади. Номзодни Осиё-Тинч океани минтақавий гуруҳига аъзо давлатлар бир овоздан маъқуллади⁹⁹.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаш, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш ҳамда БМТ Бош Ассамблеяси ўзларининг ҳар йилги сессияларида инсон ҳуқуқларини қўпол ва тизимли бузиш ҳоллари билан боғлиқ воқеалар ва амалиётни муҳокама этиб боради ва улар юзасидан ўз тавсияларини ишлаб чиқади. Алоҳида давлатлар томонидан ўзларининг ҳуқуқий ҳимоя қилиш мажбуриятларига риоя этилиши устидан бевосита назоратни амалга оширади.

Агар муайян бир мамлакатдаги ёки муайян бир амалиётдаги аҳвол ташвиш уйғотаётган бўлса, бу органлар мустақил ва ҳолис экспертлар гуруҳи (ишчи гуруҳи) ёки алоҳида шахс (махсус маърузачи) томонидан текширув ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Ана шу махсус органларга БМТ Бош Ассамблеясига маърузалар тақдим этиш ва тавсиялар ишлаб чиқишдан ташқари алоҳида шахслар, гуруҳлар ёки жамоаларнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда чоралар кўриш ваколати ҳам берилган. Масалани дарҳол, сира кечиктирмай ўрганиб чиқиш ва текшириш талаб этиладиган алоҳида ҳолларда махсус маърузачи ёки ишчи гуруҳи хавф солаётган айрим шахсни, гуруҳни ёки жамоани муҳофаза этиш мақсадида тегишли ҳуқуматлар билан ҳатто бевосита учрашиши ва мулоқотга киришиши мумкин.

98. <https://president.uz/uz/lists/view/4179>. 22.02.2021

99. <https://xs.uz/uzkr/post/bmt-inson-huquqlari-bojicha-kengashi-raisiga-ozbekistonning-doimij-vakili-orinbosar-boldi>

БМТ тизимида йўналиш мавзуйига қараб кўплаб махсус маърузачилар тайинланган бўлиб, қуйидаги масалалар доираси уларнинг ўрганиш соҳаси деб белгиланган эди:

1 суддан ташқари ва ўзбошимчалик билан ҳамда лозим даражада суд муҳокамаси ўтказмай туриб қатл этишлар тўғрисидаги масалалар бўйича;

2 қийноққа солишга ҳамда муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, зайринсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турлари бўйича;

3 болаларни сотиш, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографияси бўйича;

4 мамлакат ичкарасида кўчиб юрган шахслар тўғрисидаги масала бўйича;

5 диний мурасасизлик бўйича;

6 ирқчилик, ирқий камситиш ва ксенофобия¹⁰⁰ бўйича;

7 фикрлаш ва сўз эркинлиги бўйича;

8 халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга оширишга қаршилик кўрсатиш воситаси сифатида ёлланган кишилардан фойдаланиш бўйича.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг биринчи махсус экспертлар гуруҳи 1967 йил Жанубий Африкада ирқчилар режими томонидан содир этилган инсон ҳуқуқларининг бузилишини текшириш учун таъсис этилган. Инсон ҳуқуқлари Комиссияси ўз ишини янада самаралироқ амалга ошириш учун 1947 йилда Камситишларнинг олдини олиш ва кам сонли миллатларни ҳимоя этиш бўйича кичик комиссия таъсис этган эди. Бундан кўзланган мақсад ўрганиш ва тадқиқ этиш ишларини Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини инобатга олган ҳолда олиб бориш ҳамда Инсон ҳуқуқлари Комиссияси учун инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига нисбатан ҳар қандай

100. Ксенофобия бу, бегона одамлардан кўриб қолиш, ҳар доим кўриб юриш. Ҳар қандай чет, ўзиники бўлмаган, ажнабий нарса (турмуш тарзи, ғоя-фикр, дунёқараш ва б.)га душманлик, қаршилик. <https://bigenc.ru/ethnology/text/2639008>

шаклдаги камситишларнинг олдини олишга, шунингдек, кам сонли миллатларни ирқий, миллий, диний ва тил жиҳатидан химоя этишга оид тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлган. Ушбу комиссия номи 1999 йилда БМТнинг Инсон ҳуқуқларини химоя қилиш ва рағбатлантириш бўйича кичик комиссияси (*The United Nations Sub-Commission on the Promotion and Protection of Human Rights*) деб ўзгартирилган.

Кичик комиссия таркибида 26 аъзо бўлиб, улар Инсон ҳуқуқлари Комиссияси томонидан сайланади ва давлатларнинг вакиллари сифатида эмас, балки шахсий фазилатларига асосланган ҳолда иш кўради. Кичик комиссиянинг ҳар йилги сессиялари тўрт ҳафта давом этади. Бу анжуманларда БМТга аъзо давлатлардан кузатувчилар ҳамда ҳукуматлараро ташкилотларнинг, ноҳукумат ташкилотларнинг, БМТнинг ихтисослаштирилган муассасалари ва анжуман кун тартибига киритилган масалалардан манфаатдор миллий-озодлик ҳаракатларининг вакиллари ҳозир бўладилар.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси. Турли органлар ва муассасаларга хизматлар кўрсатиш ҳамда ҳар хил таомиллар билан боғлиқ хизматни кенг йўлга қўйиш вазифалари БМТ Котибияти ходимлари зиммасида бўлади. Инсон ҳуқуқлари бўйича котибият БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасида, яъни собиқ Инсон ҳуқуқлари бўйича марказда иш олиб боради.

Одатда инсон ҳуқуқлари химоясини таъминлаш масъулияти мамлакат олий ҳокимият органлари зиммасида бўлади. Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар давлатларга улар томонидан қабул қилинган халқаро стандартларнинг ижроси таъминланишида техник жиҳатдан ёрдам беради¹⁰¹. Бошқарма Женевада жойлашган бўлиб, Нью-Йорк шаҳрида кичик бюроси, шунингдек турли мамлакатларда эса бир нечта муваққат ваколатхоналари бор. Ҳозирги вақтда мазкур бошқарма қароргоҳида юздан ортиқ мутахассис, халқаро масалалар бўйича ихтисослашган юристлар ва сиёсатшунослар фаолият юритади.

101. <https://www.ohchr.org/ru/about-us/what-we-do>

Бошқарманинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:
биринчидан, текшириш, назорат қилиш ва ўрганиб тадқиқ этиш ишларини ўтказишнинг Бош Ассамблея томонидан белгиланган турли таомилларини қўллаб-қувватлаш;

иккинчидан, шартномалар ижро этилиши устидан назорат қилувчи органларга хизматлар кўрсатиш;

учинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳаси доирасидаги турли масалалар юзасидан Инсон ҳуқуқлари комиссияси ва кичик комиссия сўровига биноан ўрганиш ва тадқиқ этиш ишлари олиб бориш;

тўртинчидан, инсон ҳуқуқларига оид нормаларни миллий даражада сингдириш соҳасида давлатларга техник ёрдам кўрсатиш дастурини амалга ошириш, шу жумладан мутахассисларни ўқитиш, юридик ёрдам бериш ва ахборот тарқатиш.

БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари бошқармаси. Бош Ассамблея ўзининг 1949 йилда ўтказилган тўртинчи сессиясида БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари бошқармасини таъсис этди. Мазкур бошқарма Иккинчи жаҳон урушидан кейин тузилган Қочоқлар ишлари бўйича халқаро ташкилот ўрнини эгаллаган. БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари Низомининг 1-бандига мувофиқ, Олий комиссар Бош Ассамблея раҳбарлиги остида фаолият кўрсатади. У мазкур Низомнинг таъсир доирасидаги қочоқларга БМТ раҳнамолиги остида халқаро ҳимояни таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Бундай ҳимоя қочоқлар мақоми тўғрисидаги 1951 йилги Конвенция¹⁰² ҳамда шу Конвенцияга оид 1967 йилги Протоколга¹⁰³ мувофиқ таъмин этилади.

Конвенциянинг 1-моддасида «қочоқ» тушунчасига таъриф берилган.

102. Международные акты о правах человека: Сб. документов. -М., 1998. -С.432-444

103. Ўша жойда . -С.445-447.

Конвенциянинг 2–11-моддаларида умумий қоидалар акс эттирилган бўлиб, бу қоидаларга мувофиқ қочоқлар ирки, дини ёки қайси мамлакатдан чиқиб келганлигига қараб камситилмаслиги керак. Улар қайси мамлакатга келиб қолган бўлсалар, диний эътиқодлар эркинлигидан камида шу мамлакат фуқаролари даражасида фойдаланадилар ҳамда ҳуқуқлар билан, мазкур Конвенция асосида бериладиган ҳуқуқлардан қатъи назар, таъминланадилар. Қочоқларга шунингдек бундай ҳуқуқлар, агар Конвенцияда уларга янада маъқулроқ вазият яратиб бериш назарда тутилмаган бўлса, ўша мамлакат фуқаролари қатори кафолатланади.

Конвенциянинг 12–16-моддалари қочоқнинг ҳуқуқий мақомига тааллуқлидир.

Конвенциянинг 17–19-моддалари қочоқларнинг даромад келтирувчи фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига бағишланган.

Конвенциянинг 20–24-моддаларида қочоқларга фаровонликни таъминлаш масалалари, хусусан мунтазам меъёردа моддий таъминот олиш тизими, уй-жой масаласи, таълим, ҳукумат ёрдами, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва ижтимоий таъминот масалалари қамраб олинган.

Конвенциянинг 25-моддасида қочоқларга маъмурий ёрдам кўрсатишни, шунингдек уларга қонунан яшаб турган мамлакатдан чиқишда керак бўладиган ҳужжатлар беришни назарда тутувчи қоидалар берилган.

Конвенциянинг 31–33-моддаларида бошпана беришга тааллуқли муҳим қоидалар акс этган. Ана шу моддаларга мувофиқ ахдлашувчи давлат ҳудудида ўзига бошпана берилишини сўраган қочоқ, башарти нуфузли ҳокимият органларига дарҳол учрашган бўлса, мазкур давлат ҳудудига қонунга ҳилоф равишда кирганлик ёки мазкур давлат ҳудудида қонунга ҳилоф равишда бўлганлик учун жазога тортилмайди. Бундан ташқари мазкур қочоқ, агар ахдлашувчи давлат ҳудудида қонуний асосда яшаб турган бўлса, давлат хавфсизлиги ёки жамоат тартибидан бўлак сабаб билан шу мамлакат ҳудудидан чиқариб юборилмайди. Ҳар қандай ҳолда ҳам қочоқ ирки, дини, фуқаролиги, муайян

ижтимоий гуруҳга ёки сиёсий эътиқодларга мансублиги оқиба-тида унинг ҳаёти ёки эркинлигига таҳдид этиладиган ҳудудга чиқариб ёки қайтариб юборилиши мумкин эмас.

Конвенциянинг 34-моддасига мувофиқ аҳдлашувчи давлат-лар қочоқларнинг маҳаллий муҳитга мослашишини ҳамда бе-гонасираш асоратидан тезроқ кутулиб олишини имкон қадар енгиллаштиради. Хусусан ўша жойга кўникиш ишларини тез-лаштириш ҳамда шу аснода бўладиган йиғимлар ва харажат-ларни имкон қадар камайтириш учун ўзларига боғлиқ барча ишларни адо этишга ҳаракат қилади.

Конвенциянинг 35-моддасига биноан аҳдлашувчи давлатлар БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича олий комиссари бошқар-маси олдида турган вазифаларни, чунончи мазкур Конвенция қоидалари қўлланилиши устидан кузатув олиб бориш вазифа-ларини бажаришда ушбу бошқарма билан ҳамкорлик қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. *1967 йилда Бош Ассамблея Ҳудудий бошпана тўғрисида декларация қабул қилган. Бу ҳуж-жатда ҳудудий бошпана беришнинг асосий принциплари баён этилган ҳамда қочоқларни мажбурий тарзда қайтариб юбо-ришни тақиқловчи таянч инсонпарварлик принципи эълон қи-линган. Мазкур таянч принципга мувофиқ ҳеч бир шахсга нисба-тан унинг чегарадан ўтишига рухсатнома беришни рад этиш, уни бошпана сўралаётган мамлакат ҳудудидан чиқариб юбо-риш ёки мазкур шахс таъқиб қилиниши мумкин бўлган муайян бир мамлакатга мажбурий тарзда қайтариб юбориш сингари чоралар қўлланиши мумкин эмас.*

Хотин-қизларнинг аҳволи бўйича комиссия Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш томонидан 1946 йилда таъсис этилган. Ко-миссиянинг вазифалари доирасига хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий, фуқаровий, ижтимоий соҳалар ва таълим соҳасида-ги ҳуқуқларини рағбатлантириш тўғрисида Иқтисодий ва ижти-моий кенгашга тавсиялар ва маърузалар тайёрлаш, шунингдек, эркаклар билан хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқчилиги тамойили-ни амалга ошириш мақсадида хотин-қизлар ҳуқуқлари соҳаси-даги энг муҳим муаммолар бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш

тўғрисида тавсиялар ва таклифлар тайёрлаш вазифалари киради. Хотин-қизларнинг аҳволи бўйича комиссияга 1985 йил Хотин-қизларнинг аҳволи бўйича умумжаҳон конференциясида қабул қилинган хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш соҳасидаги истиқболга мўлжалланган Найроби стратегиясининг амалга оширилишини назорат қилиш ва шу йўналишдаги ишларнинг аҳволига баҳо бериб, таҳлил қилиб бориш вазифаси топширилди. Хотин-қизларнинг аҳволи бўйича комиссия хотин-қизларга нисбатан камситишлар тўғрисида алоҳида шахслардан ҳам, бир гуруҳ шахслардан ҳам олинган хабарларни кўриб чиқиши мумкин. Якка тартибдаги шикоятлар бўйича чоралар кўрилмайди¹⁰⁴.

3. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича шартномавий органлари ва улар фаолиятининг самарадорлиги масаласи.

БМТ доирасида инсон ҳуқуқлари бўйича тўққизта асосий халқаро шартнома бўлиб, тегишли тартибда уларнинг ҳар бирига алоҳида «шартномавий орган(қўмита)» ташкил этилган. Шартномавий орган яъни, қўмита иштирокчи давлатлар томонидан инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш бўйича асосий халқаро шартномалар қоидалари бажарилишини мониторинг қилиб боради¹⁰⁵.

Шартномавий органлар ишининг етарли даражада самарали ишламаётганлигининг сабабларидан бири шундаки, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар уларга давлатларга нисбатан фақат «умумий мулоҳаза» ёки «умумий тавсия» бериш ҳуқуқини берган, холос¹⁰⁶.

Қўмиталарнинг ваколати БМТ Низоми асосида фаолият юритувчи органларга қараганда тор доирада олиб борилади. Чунки улар юқорида таъкидланганидек, конвенцияларга аъзо-давлатлар мониторинги билан шуғулланадилар ва инсон ҳуқуқларига

104. Саидов А. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. -Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. -Б.155

105. Жалобы на нарушения прав человека. Договорные органы. <https://www.ohchr.org/ru/treaty-bodies/human-rights-bodies-complaints-procedures>

106. Права человека. /Учебник. Отв. ред. Е.А.Лукашева. - М.: Норма-Инфра, 1999. -С. 506.

оид конвенцияларнинг моддаларига алоқадор масалаларни кўриб чиқадилар, холос. Умуман, улар сиёсий органлар эмас, ваҳоланки, қўмита экспертлари давлат вакилларида эмас, балки алоҳида шахслардан сайланади. Улар инсон ҳуқуқлари соҳасида тан олинган обрў-эътиборга эга бўлган мустақил экспертлар ҳисобланади.

БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида бир қатор универсал халқаро келишувлар асосида ташкил этилган шартномавий органлари, яъни инсон ҳуқуқларига оид жами 10 та қўмита мавжуд. Ўнингчи қўмита бу «Қийноқнинг олдини олиш қўмитаси» бўлиб, у Қийноқларга қарши қўмита қошида таъсис этилган.

БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича шартномавий органлари			
№	Номи	Ташкил топган санаси	Изоҳ
1.	Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита (Human Rights Committee, HRC)	1976 йил	1966 йилги Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро Пакти бажарилишини назорат қилади. (Котибият – Женевада; Таркиб: 18 эксперт).
2.	Қийноқларга қарши қўмита (committee against torture, CAT)	1987 йил	1984 йилги Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенцияни бажарилишини назорат қилади. Котибият Женевада Таркиб: 10 эксперт. Қийноқларга қарши қўмита қошида 2007 йил «Қийноқнинг олдини олиш қўмитаси» ташкил этилган. 10 та мустақил экспертдан ташкил топган,. давлатлар томонидан қийноқларга қарши конвенция ижроси мониторингини амалга оширади. Қўмитага ҳозирда 10 давлат аъзо.
3.	Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита (Committee on Economic, Social and Cultural Rights, CESCR)	1985 йил	1966 йилги Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича халқаро Пактнинг бажарилишини назорат қилади. Котибият — Женевада Таркиб: 18 эксперт.

4.	Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита (Committee on the Rights of the Child, CRC)	1991 йил	1989 йилги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг бажарилишини назорат қилади. (Котибият — Женевада. Таркиб: 18 эксперт).
5.	Аёлларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш бўйича Қўмита (The Committee on the Elimination of Discrimination against Women, CEDAW)	1981 йил	1979 йилги Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида конвенцияни назорат қилади. (Котибият — Нью-Йоркда. Таркиб: 23 эксперт).
6.	Ирқий камситишларга барҳам бериш қўмита (Committee on the Elimination of Racial Discrimination, CERD)	1969 йил	1966 йилги Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенциянинг бажарилишини назорат қилади. Котибият — Женевада. Таркиб: 18 эксперт.
7.	Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича қўмита (The Committee on the Protection of the Rights of All Migrant Workers and Members of their Families, CMW).	2003 йил	1990 йилги меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича конвенциянинг бажарилиши устидан назорат қилади. Котибият — Женевада. Таркиб: 14 эксперт.
8.	Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича қўмита (Committee on the Rights of Persons with Disabilities, CRPD)	2008 йил	2006 йилги Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича конвенция бажарилиши устидан назорат қилади. Конвенцияни 60 давлат ратификация қилса, экспертлар сони яна 6 кишига ошади. Қўпи билан 18 та бўлади. Таркиб: 12 та эксперт.
9.	Мажбурий йўқолиш бўйича қўмита. (Committee on Enforced Disappearances, CED)	2010 йил	2006 йилги «Барча шахсларни зўрлик билан йўқ қилишдан ҳимоя қилиш» конвенцияси ижроси мониторингини амалга оширади Таркиб: мустақил экспертлардан иборат.

Юқорида санаб ўтилган шартномавий органларнинг барчасида шикоятлар беришга оид механизмлар кучга кирмаган. Айтилган инсон ҳуқуқлари бўйича қуйидаги 8 та шарномавий органлар муайян вазиятларда шахсий(индивидуал) шикоят ва мурожаатларни қабул қилиши ва кўриб чиқиши мумкин:

- 1) Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита**
- 2) Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита**
- 3) Аёлларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш бўйича Қўмита**
- 4) Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита**
- 5) Қийноқларга қариши қўмита**
- 6) Ирқий камситишларга барҳам бериш қўмита**
- 7) Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича қўмита**
- 8) Мажбурий йўқолиш бўйича қўмита**

Меҳнаткаш-мигрантлар бўйича қўмитанинг индивидуал шикоятлар билан ишлаш механизми ҳали кучга кирмаган. Меҳнаткаш-мигрантлар ҳуқуқлари бўйича қўмитага «Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» БМТ конвенцияси қоидалари иштирокчи давлатлар томонидан бузилганлиги тўғрисида конвенциянинг 77-моддасида белгиланган тартибда ариза берилса, шахсий(индивидуал) хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш ваколати берилган. Бироқ индивидуал шикоятлар бўйича механизм 10 та иштирокчи давлатдан 77-модда 1-қисмида белгиланган тартибда ариза берилса, кейин индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш бўйича механизм кучга кириши белгилаб қўйилган. 77-модда 1-қисмининг мазмуни “иштирокчи давлатлар қўмитанинг ўз юрисдикциясига тегишли бўлган шахслардан хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш ваколатини тан олиши тўғрисида қўмитага ариза бериши”¹⁰⁷.

107. Жалобы на нарушения прав человека. Договорные органы. <https://www.ohchr.org/ru/treaty-bodies/human-rights-bodies-complaints-procedures>

БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича шартномавий органлари томонидан мурожаатларни кўриб чиқиши:

Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита 18 та мустақил экспертлар (иштирокчи давлатлар уларни ўз фуқаролари орасидан сайлайдилар)дан иборат бўлган орган бўлиб, иштирокчи давлатлар томонидан Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга амал қилиниши мониторингини амалга оширади. Одатда, Қўмита йил давомида ҳар бири уч ҳафтага чўзиладиган сессиялар ташкил этади ва бу сессиялар баҳор ойларида Нью-Йоркда, ёз ва куз ойларида эса Женевада ўтказилади.

1966 йил 16 декабрь санасида АҚШнинг Нью-Йорк штатида Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир биринчи факультатив баённома имзоланди. Мазкур факультатив баённомани имзолаган давлат устидан индивидлар (фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл фуқаролари) БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитага шикоят билан мурожаат қилиши мумкин бўлади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда ифодаланган ҳуқуқлари бузилган шахсларнинг хабарларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш ваколатига эга¹⁰⁸. Бироқ, Қўмита Пакт иштирокчиси саналган, лекин Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир факультатив баённома ратификация қилмаган давлатлар устидан берилган индивидуал хабарларни қабул қилмайди (баённома. 1-модда)¹⁰⁹.

Факультатив Баённома қондаларига кўра, Қўмита мурожаатни кўриб чиқиши учун қуйидаги талаблар бажарилган бўлиши керак:

 *мурожаатда Пактда кўрсатилган ҳуқуқлар бузилган бўлиши керак;*

 *мурожаат Пактга ва унга қўшимча Протоколга аъзо-давлат юрисдикциясидаги шахс ёки шахслар томонидан берилган бўлиши керак;*

108. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир факультатив баённома. 1966 йил 16 декабрь, Нью-Йорк. <https://lex.uz/ru/docs/2702116>

109. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир факультатив баённома. 1-модда. 1966 йил 16 декабрь, Нью-Йорк. <https://lex.uz/ru/docs/2702116>

агар шикоят йўлловчи шахс бевосита инсон ҳуқуқлари бузилишидан жабрланган бўлмаса, унда жабрланувчи номидан берилаётган хабарнинг аниқлигини тасдиқловчи исбот келтириши керак;

агар хабар аноним бўлмаслиги керак;

агар хабар бошқа халқаро жараёнда қўрилаётган бўлса, унда Қўмита томонидан қўрилмайди;

Қўмитага хабар йўлланишидан олдин жабрланган шахс ўз давлатининг барча ички воситаларидан (миллий судловнинг барча тегишли инстанциялари ёки бошқа маъмурий идораларнинг барча босқичларида фойдаланган бўлиши керак (Баённома 2-модда, Пакт 41-модда с-банди);

Бундан ташқари, мурожаат мақбуллигини текишириб қўриши мақсадида Қўмита жабрланган шахсдан ёки тегишли давлатдан қўшимча маълумотни сўраб олиши мумкин.

Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир Факультатив баённомада белгиланганидек, Қўмита мазкур Баённомага мувофиқ тақдим этилган ҳар қандай хабарни, агар у имзосиз бўлса ёки Қўмита фикрига кўра шу каби хабарларни тақдим этиш ҳуқуқини суиистеъмол қилиш деб саналса ёки Пакт қоидаларига қарама-қарши деб топилса, номақбул деб ҳисоблаши мумкин (3-модда).

Қўмита Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир Факультатив баённоманинг 3-модда қоидаларига риоя этилган ҳолларда ўзига тақдим этилган ҳар қандай мурожаатни баённомада иштирок этувчи тегишли давлатга юборади.. Бундай хабарни олган давлат олти ой мобайнида қўмитага бу масалани аниқлаштирувчи бирор-бир чоралар қўрилган бўлса, шу тўғрида ёзма тушунтириш ёки баёнот тақдим қилади (4-модда).

5-модда - Қўмита алоҳида шахс томонидан ва манфаатдор иштирокчи-давлат томонидан тақдим этилган барча ёзма хужжатларни эътиборга олган ҳолда, баённомага биноан олинган хабарларни қўриб чиқади.

Қўмита қуйидагилар хусусида тасдиқ олингунга қадар хабарларни кўриб чиқмайди:

a

айни шу масала бошқа халқаро муҳокама ёки тартибга солиш тартиб-қоидаларига биноан кўриб чиқилмаётгани ҳақида;

b

ушбу шахс ҳуқуқий ҳимоянинг барча имкониятли воситаларидан фойдаланиб бўлгани хусусида. Баённомада қайд этилган хабарларни кўриб чиқишда қўмита ёпиқ мажлис ўтказади. Қўмита ўз фикр-мулоҳазаларини тегишли иштирокчи-давлатга ва шахсга маълум қилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар қандай давлат Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир факультатив протоколни имзоласа, индивидлар (фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл фуқаролари) шу давлат устидан Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ қўмитасига шикоят билан мурожаат қилиши мумкин бўлади.

2020 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, жумладан БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган эди¹¹⁰, 2021 йилда эса Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилди. Шу билан, мамлакатимиз томонидан имзоланган мазкур соҳадаги асосий шартномалари сони 7 та бўлди.

№	Ўзбекистон республикаси томонидан ратификация қилинган Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТнинг асосий шартномалари
1.	Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт. 1966 йил 16 декабрь, Нью-Йорк. Ўзбекистон Республикаси учун 28.12.1995 йилдан кучга кирган.
2.	Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт. 1966 йил 16 декабрь, Нью-Йорк. Ўзбекистон Республикаси учун 28.12.1995 йилдан кучга кирган.
3.	Бола ҳуқуқлари тўғрисида. БМТ конвенцияси. Бош Ассамблеянинг 1989 йил 20 ноябрдаги 44/25 Резолюцияси билан қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси учун 29.07.1994 йилдан кучга кирган.

110. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони (ПФ-6012-сон. 22.06.2020 й.)

4.	Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисида конвенция. <i>(Бош Ассамблея томонидан 1965 йил 21 декабрда қабул қилинган ва 1969 йил 4 январда кучга кирган. Ўзбекистон Республикаси учун 28.10.1995 йилдан кучга кирган.)</i>
5.	Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида конвенция. <i>(Бош Ассамблеянинг 1979 йил 18 декабрдаги 34/180 Резолюцияси билан қабул қилинган) Ўзбекистон Республикаси учун 18.08.1995 йилдан кучга кирган.)</i>
6.	Қийноқларга ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган турларига қарши Конвенция. <i>1984 йил 10 декабрь, Нью-Йорк. Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 28 октябрдан кучга кирган.)</i>
7.	Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция <i>(Нью-Йорк, 2006 йил 13 декабрь) Ўзбекистон Республикаси учун 2021 йил 8 июндан кучга кирган.)</i>

Факультатив баённомалар

Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир 2 та Факультатив баённома:

1) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган иккинчи факультатив Протоколга (Нью-Йорк, 1989 йил 15 декабрь) қўшилиши ҳақида. *Қабул қилинган сана 10.12.2008 й. Кучга кириш санаси 22.12.2008 й.*

2) Мурожаатлар процедурасига оид яъни, «Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир факультатив баённома. *Кучга кириш санаси 28.12.1995 й.*

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшимча 2 та Факультатив баённома:

1) Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли факультатив протокол. *Кучга кириш санаси 23.01.2009 й.*

2) Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли факультатив протокол. *Кучга кириш санаси 23.01.2009 й.*

Бугунги кунда Ўзбекистон БМТнинг 7 та шартномасини имзолагани билан, мурожаатлар бўйича фақат Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг факультатив баённомасини имзолаган, халос. Барча конвенциянинг

(асосий 10 та) мурожаат бўйича протоколлари мавжуд бўлиб, бугунги кунга қадар мамлакатимиз томонидан фақатгина БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси протоколи имзоланган. Бундан хулоса шуки, Ўзбекистон ҳукумати устидан фақат Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмигага шикоят бериш мумкин. Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитадан ташқари, қолган 6 та Қўмита бўйича конвенция протоколлари мамлакатимиз томонидан ратификация қилинмаганлиги боис, юқоридаги жадвалда номлари қайд этилган конвенциялар бўйича қўмиталарга мурожаат этиш мумкин эмас. Ҳар қандай давлат ўз хоҳишидан келиб чиқиб, конвенцияларни ратификация қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.05.2020 йилда қабул қилинган «Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4736-сон Қарорида боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қўмаклашиш, бунда боланинг энг устун манфаатларини таъминлашга қаратилган нормаларни қабул қилиш, шу жумладан, бола ҳуқуқлари ва эркинликлари масалалари бўйича халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш тўғрисида таклифлар киритиш масаласи илгари сурилган. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида (22.02.2021 й.) Қийноқларга қарши конвенциянинг Факультатив протоколининг ратификация қилинишини таъкидлаган эди.

4. БМТ тизимидаги ихтисослашган муассасалари ва уларнинг инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги ўрни.

БМТнинг ихтисослашган муассасалари ҳамкорлик бўйича БМТ билан махсус келишувга эга мустақил халқаро ташкилотлар бўлиб, ихтисослашган муассасалар ҳукуматлараро келишувлар асосида ташкил этилади. Уларнинг фаолияти БМТнинг ихтисодий ва ижтимоий кенгаши орқали мувофиқлаштириб борилади.

БМТнинг ихтисослашган муассасаларига қуйидагилар киради

- ① Бутунжаҳон метеорология ташкилоти.
- ② Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти.
- ③ Бутунжаҳон Интеллектуал Мулк Ташкилоти.
- ④ Бутунжаҳон почта иттифоқи
- ⑤ Халқаро валюта фонди.
- ⑥ Халқаро меҳнат ташкилоти.
- ⑦ Халқаро электр алоқаси иттифоқи.
- ⑧ Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фонди.
- ⑨ БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ташкилоти.
- ⑩ Жаҳон туризм ташкилоти
- ⑪ БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО);
- ⑫ Саноат ривожланиши бўйича БМТ (ЮНИДО)
- ⑬ Халқаро ривожланиш ассоциацияси.
- ⑭ Халқаро тараққиё ва тикланиш банки.
- ⑮ Халқаро молия корпорацияси.
- ⑯ Фуқаролик авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО)
- ⑰ Халқаро денгиз ташкилоти¹¹¹.

БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) ва инсон ҳуқуқлари.

ЮНЕСКО Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 27-моддасида эълон қилинган маданий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқини амалий тарзда турмушга татбиқ этишга қаратилган фаолият ўтказиб келмоқда.

1966 йилда ЮНЕСКОнинг Бош конференцияси Халқаро маданий ҳамкорлик тамойиллари декларациясини қабул қилган ва эълон қилган. Ҳукуматлар, маъмурлар, маданий фаолият учун мутасадди ташкилотлар, уюшмалар ва муассасалар бундан буён ана шу Декларацияга амал қилишлари лозим, деб топилган.

111. https://www.un.org/sites/un2.un.org/files/un_system_chart_ru.pdf

ЮНЕСКОнинг Конвенциялар ва тавсиялар бўйича қўмитасига ҳам шикоятлар билан мурожаат қилиш мумкин. Мурожаатлар алоҳида шахслар ёки нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан қуйидаги масалалар юзасидан берилиши мумкин: таълим олиш ҳуқуқи, жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этиш, санъатдан баҳраманд бўлиш, илмий тараққиётда иштирок этиш ҳуқуқи, ахборот ва ғояларни ҳар қандай восита билан излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги, виждон ва сўз эркинлиги.

ЮНЕСКО ташкилоти томонидан ҳам 70 га яқин халқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Куролли можаро чиққан ҳолда маданий бойликларнинг ҳимоя қилиниши тўғрисидаги конвенция (1954 йил), Муаллифлик ҳуқуқи бўйича умумжаҳон конвенцияси (1955 йил), Таълим соҳасидаги камситишларга қарши кураш тўғрисида конвенция (1960 йил), Умумжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция (1972 йил), Халқаро ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ва тинчлик руҳида ҳамда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш руҳида тарбиялаш тўғрисидаги тавсия (1974 йил), Ирқ ва ирқий бидъатлар тўғрисидаги декларация (1982 йил), Бағрикенглик тамойиллари декларацияси (1995 йил), Инсон геноми ва Инсон ҳуқуқлари бўйича универсал декларация (1997 йил) ва бошқалар¹¹².

Халқаро меҳнат ташкилоти(ХМТ). ХМТ Миллатлар Лигаси билан бир пайтда Версаль шартномаси асосида 1919 йилда ташкил топган. Халқаро меҳнат ташкилоти Биринчи жаҳон урушидан кейин ижтимоий соҳадаги ислохотларни жадаллаштириш ва уларни халқаро даражада мувофиқлаштириш мақсадида таъсис этилган.

ХМТнинг конвенция ва тавсиялари меҳнатни тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий актлардир.

ХМТнинг ўзига хослиги унинг органларидаги уч томонлама вакиллик ҳисобланади: ҳукуматлар, иш берувчилар ва меҳнаткашлар (касаба уюшмалар)¹¹³.

112. Батафсил маълумотлар учун қаранг: ЮНЕСКОнинг халқаро меъёрий ҳужжатлари. Тўплам. /Масъул муҳаррир Л.Саидова. –Т.: Адолат, 2004. -304 б.

113. Ҳақимов Р. Ўзбекистан и Организации Объединенных Наций. -3-е изд., доп. –Т.: Zar Qalam, 2006. -С.87

1998 йили Халқаро меҳнат конференциясида «Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнат соҳасидаги асосий тамойиллари ва ҳуқуқлари декларацияси ҳамда уни амалга ошириш воситалари» қабул қилинди. Декларацияда ХМТ 8 та конвенцияни асосий деб тан олишни эълон қилди. Унинг асосий дейилишига сабаб шуки, барча аъзо-давлатлар ўша конвенцияларни ратификация қилмаган бўлсалар ҳам, Ташкилотга аъзолик мажбуриятдан келиб чиққан ҳолда, конвенцияда келтирилган мажбуриятларни бажаришлари ва ундаги қоидаларнинг амалга оширилишига қўмаклашишлари шарт ҳисобланади.

Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан қабул қилинган асосий конвенциялар:

- 1 ● 1930 йилги *Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-конвенция*;
- 2 ● 1948 йилги *Бирлашмиш эркинлиги ва ташкил этиш ҳуқуқининг ҳимояси тўғрисидаги 87-конвенция*;
- 3 ● 1949 йилги *Жамоавий музокараларни олиб бориш ва бирлашмиш ҳуқуқи тўғрисидаги 98-конвенция*;
- 4 ● 1951 йилги *Тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги 100-конвенция*;
- 5 ● 1957 йилги *Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги 105-конвенция*;
- 6 ● 1958 йилги *Меҳнат ва иш турлари соҳасидаги камситиш тўғрисидаги 111-конвенция*;
- 7 ● 1973 йилги *Ишга қабул қилишдаги минимал ёш тўғрисидаги 138-конвенция*;
- 8 ● 1999 йилги *Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги 182-конвенция*¹¹⁴.

Ҳозирга қадар, Айтиш мумкинки, бугунга келиб, ХМТнинг норматив ҳужжатлари меҳнат ҳуқуқи бўйича ўзига хос халқаро ҳуқуқий базани ташкил этади¹¹⁵.

114. Махаматов М. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослаштирилган муассасаси сифатида Халқаро меҳнат ташкилоти/ “Ўзбекистон ва БМТ: тажриба ва ҳамкорлик истикболлари” мавзусидаги конференция материаллари. –Т.: ТДҶОИ, 2007. -Б.204-205.

115. Батафсил маълумотлар учун қаранг: Халқаро меҳнат ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. /Масъул муҳаррир А.Саидов. –Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2008. -240 б.

Бутунжаҳон Интеллектуал мулк ташкилоти (WIPO, World Intellectual Property Organization). Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) БМТнинг ихтисослашган ташкилоти бўлиб, инсоннинг ижод қилиш ҳуқуқи ва унинг ижоди натижаларига қаратилган муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар ҳимояси билан шуғулланади. БИМТнинг штаб-квартираси Швейцариянинг Женева шаҳрида жойлашган. БИМТ 1967 йил 14 июль куни Стокгольм шаҳрида имзоланган «Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотини ташкил этиш ҳақидаги конвенция» асосида ташкил этилган. Конвенция 1970 йилда кучга кирган.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) фуқароларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиққан. Улар жумласига қуйидагилар киради: «Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш ҳақида»ги 1886 йилги Берн конвенцияси; «БИМТнинг муаллифлик ҳуқуқи бўйича 1996 йилги шартномаси»; «Ижрочилар, фонограмма ишлаб чиқарувчилари ва эфир орқали узатувчи ташкилотлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида»ги 1971 йилги Женева конвенцияси; «Ернинг сунъий йўлдоши орқали узатиладиган дастурларни ташувчи сигналларни тарқатиш тўғрисида»ги 1974 йилги Брюссель конвенцияси; БИМТнинг «Ижрочилар ва фонограммалар бўйича» 1996 йилги Шартномаси; «Икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш ҳақида»ги 1979 йилги Мадрид конвенцияси ва бошқалар¹¹⁶.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (World Health Organization, WHO) инсоннинг соғлиққа бўлган ҳуқуқининг тарғиб этилиши ва ҳимоя қилинишидаги асосий ихтисослашган ташкилот ҳисобланади. ЖССТ инсоннинг соғлом ривожланишига оид кўплаб халқаро ҳужжатлар, шу жумладан, ОИВ/ОИТС дастурининг бутунжаҳон миқёсида қабул қилиниши ва муваффақиятли амалга оширилишига ўзига хос ҳисса қўшиб келмоқда. ЖССТ БМТнинг ихтисослашган ташкилоти ҳисобланади.

116. Батафсил маълумотлар учун қаранг: Тошев Б.Халқаро ташкилотларнинг муаллифлик ҳуқуқига оид актларининг ҳуқуқий мақоми. –Т. “Voris-Nashriyot”, 2007. 254-бет

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ташкилоти (Food and Agriculture Organization, FAO) ихтисослашган идоралар орасидаги энг йирик ташкилот ҳисобланиб, қашшоқликка қарши бутунжаҳон миқёсида курашишнинг муҳим элементи ва озиқ-овқатга бўлган ҳуқуқнинг тарғиб этилиши ва ҳимоя қилинишидаги энг таъсирчан иштирокчи саналади. Тараққиёт йўлида қашшоқликка қарши курашиш борасида 2000 йил сентябрда ўтказилган Мингйиллик Саммити давомида 150га яқин давлат бошлиқлари ва ҳукумат раҳбарлари келишувга эришган эдилар.

БМТнинг Болалар фонди (United Nations International Children's Emergency Fund, UNICEF, ЮНИСЕФ) ва инсон ҳуқуқлари. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Европада ва Хитойда болаларнинг озиқ-овқат, дори-дармон ва кийим-кечакка бўлган кундалик зарур эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида 1946 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг биринчи сессиясида ЮНИСЕФ таъсис этилган. 1950 йилда БМТ Бош Ассамблеяси мазкур Фонд фаолиятининг асосий йўналиши ривожланаётган мамлакатлар болаларининг манфаатлари кўзланган дастурни амалга оширишдан иборат, дея қарор қабул қилди. Уч йилдан сўнг БМТ Бош Ассамблеяси ЮНИСЕФнинг фаолиятини номуайян муддатга узайтиришга қарор қилган.

ЮНИСЕФ инсонпарварлик, мурувват ёрдами кўрсатган ҳолда ривожланишга ҳамкорлик қилар экан, болаларни ҳимоя этиш ва уларнинг барча қобилиятларини ўстириш мақсадида ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилиб келмоқда. Бундай ҳамкорлик болаларни камол топтириш соҳасидаги миллий дастурлар доирасида амалга оширилмоқда. Ана шу ҳамкорлик моҳиятан жаҳондаги ҳар бир болага унинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда эълон қилинган таянч ҳуқуқлари ҳамда имтиёзлари имкон қадар рўёбга чиқарилишини таъминлашга қаратилган. Марказий ва Шарқий Европада, шунингдек, собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида болаларнинг энг зарур талаб-эҳтиёжларини қондириш мақсадида ЮНИСЕФ баъзи давлатларга яқиндан ёрдам кўрсатиб келмоқда.

ЮНИСЕФ бола ҳуқуқларини рағбатлантириш масалалари билан шуғулланувчи Бола ҳуқуқлари қўмитаси билан жипс ҳамкорликни йўлга қўйган бўлиб, айтиш вақтида Конвенциянинг амалга оширилишини кузатиш ҳамда Конвенцияни ратификация қилган ёки бу ҳужжатга қўшилган давлатларга улар зиммасидаги вазифаларини бажаришларида ёрдам кўрсатиш билан шуғулланмоқда. ЮНИСЕФ ўз фаолиятида Болаларнинг омон қолишини таъминлаш, уларни ҳимоя этиш ва камол топтириш тўғрисидаги умумжаҳон декларациясини амалга оширишга қаратилган ҳаракатлар режасига амал қилади. Мазкур декларация болаларнинг манфаатларини кўзлаб, 1990 йилнинг сентябрида Нью-Йоркда кўпгина давлатлар ва ҳукуматларнинг раҳбарлари ҳамда олий мартабали бошқа шахслар иштирокида ўтказилган олий даражадаги умумжаҳон учрашувида қабул қилинган¹¹⁷.

БМТнинг Тараққиёт дастури (БМТТД. United Nations Development Programme, UNDP). БМТТД Бош Ассамблеясининг 1965 йил 22 ноябрдаги резолюциясига асосан БМТнинг Кенгайтирилган техникавий ёрдам дастури ва Махсус жамғармасини бирлаштириш натижасида ташкил топган. Дастурнинг асосий мақсади – ривожланаётган мамлакатларга миллий ривожланиш борасида ёрдам кўрсатиш. БМТТДнинг асосий вазифаларидан бири – самарали бошқарувни таъминлашга кўмаклашиш. БМТ томонидан қабул қилинган Минг йиллик декларациясида таъкидланишича, самарали бошқарув инсон тараққиётига эришишда, турмуш даражасини юксалтиришда, гендер тенглик ва тинчликни сақлаб қолишда асосий омилдир.

БМТТД инсон ҳуқуқларига оид миллий қонунчилик ва халқаро стандартлар соҳасида билимларни ошириш, гендер тенглик, шунингдек, аҳолига айниқса, унинг ижтимоий ночор қатламларига кўрсатилаётган ҳуқуқий хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида юристлар салоҳиятини ошириш устида фаол иш олиб бормоқда¹¹⁸.

117. Саидов А. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. -Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. -Б.158-159

118. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. /Муаллифлар жамоаси: А.Саидов, Ф.Бакаева, К.Арсланова ва бошқ. Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. -Т.: “O’zbekiston”, 2010. -Б.270

БМТнинг Атроф мухит бўйича дастури (ЮНЕП, UNEP, United Nations Environment Programme) ва инсон ҳуқуқлари. БМТнинг инсон теварагидаги мухит муаммоларига бағишлаб 1972 йили Стокгольмда бўлиб ўтган конференцияси ҳар бир инсон соғлом атроф мухитга бўлган ҳуқуққа эга эканлигини ҳамда келгуси авлодлар бахт-иқболини кўзлаб атроф мухитни муҳофаза этиш ва яхшилаш учун жавобгар эканлигини эълон қилган.

БМТ Бош Ассамблеяси 1972 йилда БМТнинг Атроф мухит бўйича дастурини (ЮНЕП) таъсис этган. Бундан кўзланган мақсад атроф мухит ҳолатини кузатиб бориш ҳамда экологик жихатдан хавфсиз ва беҳатар фаолиятни рағбатлантиришдан иборат бўлган. ЮНЕПнинг асосий вазифаси атроф мухит соҳасида ўтказиладиган тадбирларда БМТнинг барча муассасалари учун боғловчилик, етакчилик ва ижобий маънодаги тезлатувчилик ролини бажаришда ўз ифодасини топади. Мазкур дастур асосида атроф мухитни муҳофаза этиш мақсадида ҳукуматлар билан, илмий жамоатчилик ва савдо-сотик доиралари билан, шунингдек ноҳукумат ташкилотлар билан ҳамкорлик мулоқотлари олиб борилади. ЮНЕП айтиб беришича, бир пайтда чўлга айланиб боришга қарши кураш, сув ресурсларини муҳофаза этиш, генетик ресурслар сингари масалаларда ҳам муҳим роль ўйнамоқда.

1989 йилда ЮНЕПнинг мадади ва яқин кўмагида хатарли чиқиндиларни чегаралар оша ташиш ва чиқариб ташлаш устидан назорат қилиш тўғрисида Базель конвенцияси ишлаб чиқилган. 1992 йилнинг июнида атроф мухит ва тараққиёт бўйича БМТ конференцияси ўтказилиб, унда атроф мухитни муҳофаза қилиш соҳасида бир қанча муҳим халқаро шартномалар қабул қилинган. БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги конвенцияси, Биологик ранг-баранглик тўғрисидаги конвенция, шунингдек XXI аср учун белгиланган кун тартиби (йигирма биринчи асрга мўлжалланган иш дастури) ҳамда Рио-де-Жанейро декларацияси шулар жумласидандир. XXI аср учун белгиланган кун тартиби самарали тарзда амалга оширилиши устидан назорат олиб

бориш мақсадида тузилган Барқарор тараққиёт комиссияси 1993 йил июнь ойидан бери ишлаб турибди.

5. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг минтақавий механизмлари

БМТнинг барча ихтисослашган муассасалари ўзининг ваколатлари доирасида инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланадилар.

Ушбу бобонинг бошланиш қисмида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари амалга ошишини назорат қилувчи универсал халқаро ташкилотлар билан бир қаторда минтақавий халқаро ташкилотлар ҳам мавжудлигини таъкидлаган эдик.

Минтақавий халқаро ташкилотлар аъзолари маълум географик минтақа давлатлари бўлишлари мумкин. Бундай ташкилотларнинг фаолияти хавфсизлик, иқтисод, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳалардаги минтақавий халқаро ҳамкорликка қаратилган бўлади. БМТ Низомида бундай ташкилотларга маълум талаблар қўйилади. Жумладан, уларнинг ташкил этилиш мақсадлари ва фаолияти БМТ Низомининг мақсад ва тамойилларига тўғри келиши ва бу ташкилотлар БМТнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳуқуқий муаммоларни ечишга қаратилган фаолиятига кўмаклашиши лозим.

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ўзига хос моделлари вужудга келди. Бундай моделлар кўп жиҳатдан универсал тизимдан кўра ўзининг самарадорлигини ҳам кўрсатди. Бундай минтақавий ташкилотларга Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Европа тизими, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Америка тизими, Инсон ҳуқуқлари ва халқлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Африка тизими, Инсон ҳуқуқлари бўйича Доимий араб комиссияси, МДХ доирасида қабул қилинган 1995 йил 26 майдаги Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари бўйича МДХ конвенцияларини ҳам киритиш мумкин.

4. МИЛЛИЙ СУДЛАРДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддима қисмида Ўзбекистон халқи «халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилади» деб, белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, агар Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва халқаро ҳуқуқ нормалари ўртасида тафовут бўлган ҳолларда халқаро ҳуқуқ нормалари қоидаларига амал қилиниши белгиланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ФПК 1-моддасининг учинчи қисми: «агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида кўрсатилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади»¹¹⁹.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 4-моддаси: «Ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни юритиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу Кодексга мувофиқ олиб борилади.

Иммунитетга эга бўлган шахсларга нисбатан ушбу Кодекс Ўзбекистон Республикаси иштирок этадиган халқаро шартномалар ва битимларга зид келмайдиган ҳолларда қўлланилади»¹²⁰.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 1-моддаси учинчи қисми: «Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикаси

119. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 1-модда. Учинчи қисм // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz>.

120. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 4-модда // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz>.

қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади»¹²¹.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 9-моддаси иккинчи қисми: «Ўзбекистон Республикасининг портида рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида очик ҳаво ёки сув бўшлиғида бўлган кемада маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ушбу Кодексга мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилади»¹²².

Фуқаролик ишлари бўйича судлар ва жинойт ишлари бўйича судлар ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларни қўллашлари мумкин. Улар орасида энг кўп қўлланиладигани «Фуқаролик, оилавий ва жинойт ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Минск Конвенцияси ҳисобланади (1993 йил 22 январь. Ўзбекистон Республикаси учун 1994 йилда кучга кирган). Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси 1954 йил 1 мартда қабул қилинган Фуқаролик процесси масалалари тўғрисидаги Гаага конвенциясининг иштирокчиси (06.12.1996 й.) ҳисобланади. Ушбу Конвенцияда суд ва суддан ташқари ҳужжатларни топшириш, суд топшириқларини ижро қилиш, бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тартиби ва бошқа шу каби масалаларга оид қоидалар ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 6 майдаги 825-ХП-сонли қарори билан ратификация қилинган «Фуқаролик, оилавий ва жинойт ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги 1993 йил 22 январда Минск шаҳрида имзоланган кўп томонлама Конвенция (ушбу Конвенцияга доир

121. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 1-модда. Учинчи қисм // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz>.

122. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 9-модда. Иккинчи қисм // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz>.

1997 йил 28 мартдаги Москва Баённомаси Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 13 декабрдаги Қонуни билан ратификация қилинган)да унга аъзо бўлган, яъни бир қанча МДХ давлатлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси учун ҳам мажбурий бўлган фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича текин ҳуқуқий ёрдам бериш, бождан озод қилиш, ҳужжатлар тақдим этиш, гувоҳларни, жабрланувчиларни, фуқаровий даъвогарларни ва жавобгарларни, уларнинг вакилларини чақиртириш, манзилларни ва бошқа маълумотларни аниқлаш, судловга тегишлиликни аниқлаш, суд жараёнларида ҳамкорлик қилиш, суд қарорларини тан олиш ва ижро этиш каби процессуал тартиб-қоидалар ўрин олган.

Минск конвенциясининг 1-моддасига асосан ахдлашувчи Томонлардан ҳар бирининг фуқаролари, шунингдек унинг ҳудудида яшовчи бошқа шахслар бошқа ахдлашувчи Томоннинг фуқаролик, оилавий ва жиноий ишларни кўриш ваколат доирасига кирадиган суд, прокуратура, ички ишлар ва бошқа муассасаларига эркин ва тўсиқларсиз мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, ушбу ахдлашувчи Томон фуқаролари каби ана шундай шартларда уларда қатнашишлари, илтимосномалар киритишлари, даъво аризаси билан мурожаат қилишлари ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга оширишлари мумкин.

Конвенциянинг 13-моддасига кўра, ахдлашувчи Томонлардан бирининг ҳудудида муассаса ёки бунга махсус ваколатли шахс томонидан ўз ваколати доирасида белгиланган шаклда тайёрланган ёки тасдиқланган ва гербли муҳр билан тасдиқланган ҳужжатлар бошқа ахдлашувчи Томон ҳудудида бирон-бир махсус гувоҳномасиз қабул қилинади. Ушбу Конвенцияга МДХ давлатларининг барчаси қўшилмаганлиги ва унда фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги қоидалар нисбатан қисқароқ баён этилганлиги сабабли «Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида» 2002 йил 7 октябрдаги Кишинёв конвенцияга қўшилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2019 йилнинг 26 августида қабул қилинган.

Ушбу қонун асосида «Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»-ги Кишинёв Конвенцияси (07.10.2002 й.) га қўшилди¹²³. Унга қадар Ўзбекистон Республикаси МДХ давлатлари билан ўзаро ҳуқуқий ёрдам масалаларини «Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида» 1993 йил 22 январда қабул қилинган Минск Конвенцияси асосида амалга оширган. Ҳар иккала Конвенцияда ҳам давлатлар ўртасида ўзаро фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалалари илгари сурилган. Бироқ, давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳуқуқий ёрдамни амалга оширишда янада қулайликларни яратиш мақсадида Минск конвенциясининг такомиллашган шакли сифатида Кишинёв конвенцияси қабул қилинди. Агарда халқаро ҳужжатни имзолаш бу уни тан олиш бўлса, уни ратификация қилиш эса, бу унга амал қилиш мажбуриятини олишдир.

Кишинёв конвенциясининг такомиллашган жиҳатларини қуйидагиларда кўриш мумкин. Жумладан,

- иқтисодий масалаларни ҳал этишга доир ишларни тартибга солиши (1-модда);

- номулккий ҳуқуқларни ҳам ҳуқуқий ҳимоя қилиш;

- прокурор(суд) санкциясини талаб қилувчи процессуал ҳаракатларни ва қидирув тадбирларини амалга ошириш тўғрисидаги топшириқни бажариш масалалари юзасидан алоқа прокуратура органлари (Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси) орқали амалга оширилиши (5-модда);

- ҳуқуқий ёрдам сўралган муассаса буюртмани бажариш ваколатига эга бўлмаса, ваколатли муассасага 5 кунлик муддатда юбориши аниқ белгиланганлиги (Минск конвенциясида ваколатли муассасага юбориш муддати аниқ белгиланмаган. Муддатнинг белгиланмаганлиги ишнинг узоқ вақт чўзилишига сабаб бўлади. 8-модда, 2-қисм);

123. Кишинёв Конвенцияси 2002 йил 7 октябрда қабул қилинган.

- жарималарни ундириш, шунингдек, жиноий фаолиятдан орттирилган даромадлар ва мол-мулкни мусодара қилиш тўғрисидаги суд қарорларини ижро этиш масалаларининг назарда тутилганлиги. *Минск конвенциясида фуқаролик ва оилавий ишлар бўйича ўзаро ярашувга оид судлар томонидан тасдиқланган қарорлар ва пул мажбуриятлари бўйича нотариал ҳужжатлар, шунингдек, судларнинг жиноят ишлари бўйича зарарни қоплашга оид қарорлари(51-модда)ни тан олиш ва ижро этиш масалалари акс этган, холос. Кишинёв конвенциясида эса, жаримани ундириш, жиноий фаолиятдан орттирилган даромадлар ва мол-мулкни мусодара қилишда мусодара қилишни сўраётган давлатнинг қонуни қўлланилиши, мусодара қилинган мулк ёки унга тенглаштирилган мулкнинг тўлиқ ёки қисман мусодара қилишни сўраган давлатга берилиши, ҳар бир аниқ вазиятда мусодара қилинаётган мол-мулкни тақсимлаш тўғрисида давлатлар ўзаро келишиб олиши тўғрисидаги масалалар ҳам ёритилган (58-модда).*

- кечиктириб бўлмайдиган алоҳида ҳолларда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги топшириқни факсимиле алоқа ёрдамида ёки коммуникация воситаларининг бошқа турларидан фойдаланган ҳолда юбориш мумкинлиги; бир вақтда топшириқнинг асл нусхаси почта ёки курьер орқали юборилган бўлиши шарт(7-модда).

- фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича экспертизаларни ташкиллаштириш ва ўтказишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиши ҳамда уларни амалга ошириш ва молиялаштириш тартибини регламентга солиши;

- эксперт тадқиқоти ўтказишнинг ташкил қилиниши. *(Экспертиза ташкил қилиш ва ўтказишда аҳдлашувчи томон муассасаси ўз ички қонунчилигига асосланади. Келишувчи бир томон иккинчи томонга эксперт тадқиқоти ўтказиш ва ўтказилган тадқиқот натижаси юзасидан хулосасини беришни сўраб мурожаат қилганда иккинчи томон ўз қонунчилиги асосида ўтказган тадқиқот натижаларини эксперт хулосасини сўраган биринчи томонга беради. Ушбу тадқиқот иккинчи томоннинг*

ички қонунчилиги асосида ўтказилган бўлишига қарамасдан биринчи томон учун ҳам бир хил юридик кучга эга бўлади. Ва бу ҳеч қандай махсус тасдиқсиз қабул қилиб олинади. 10-модда.) Экспертизани ташкил қилиш ва ўтказиш харажатлари экспертиза ўтказишни сўраган давлат томонидан қопланади.

- ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни рад қилиш ҳолатлари назарда тутилганлиги. (агар ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш давлат суверенитетига ёки хавфсизлигига зарар етказадиган ё бўлмаса давлат қонунчилигига зид бўлса ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўлиқ ёки қисман рад этилиши мумкин. Рад қилиш сабаблари кўрсатилган ҳолда иккинчи томонга хабар қилинади. 21-модда)

- жиноий ишларни юритишга бағишланган алоҳида бўлимнинг мавжудлиги (IV бўлим) ва унда қатор процессуал жараёнлар аниқ баён қилинганлиги; жиноят иши бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш юзасидан топшириқнинг шакли ва мазмуни деб номланган алоҳида модда (60-модда) киритилган. Унга кўра, ҳуқуқий ёрдам сўраётган давлат иккинчи давлатга қуйидаги маълумотларни тақдим этиши лозим. Яъни, содир этилган жиноятнинг мазмуни ва квалификацияси ҳақида маълумот, агар жиноий фаолият натижасида зарар етказилган бўлса зарар миқдори ҳақидаги маълумот, жиноят иши доирасида бажарилиши лозим бўлган процессуал ҳаракатлар, қидирув ва тезкор қидирув тадбирлар, шунингдек, топшириқни бажариш учун зарур бўлган бошқа маълумотларнинг аниқ рўйхати; сўроқ қилиш вақтида аниқланиши лозим бўлган саволлар рўйхати; олиб борилаётган жиноят иши бўйича қонун нормасининг тўлиқ матни юзасидан маълумот. Жиноят иши бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги топшириқга қидирув ва тезкор қидирув тадбирларни олиб бориш юзасидан процессуал ҳаракатларга оид хужжатлар ҳуқуқий ёрдам сўраётган давлатнинг қонунчилиги асосида тегишли тартибда расмийлаштириб тасдиқланган ва санкцияланган ҳолда илова қилинади. Минск конвенциясида эса, бундай талаблар мавжуд эмас. Ва жиноий ишлар бўйича алоҳида бўлим йўқ.

- судларнинг даъвони таъминлаш мақсадида мол-мулкни, шу жумладан, банк ҳисоб рақамларидаги пул маблағларини хатлаш тўғрисидаги қарорлари ҳам тан олиниши ва ижро қилиниши белгиланганлиги;

- конвенциянинг яна бир энг муҳим жихатларидан бири жиноятчини ушлаб бериш сўралаётган иккинчи давлатда ўлим жазоси бўлмаса, жиноятчини сўраган биринчи давлат жиноятчига нисбатан ўлим жазосини қўлламайди (81-модда).

Минск конвенциясидан фарқли ўлароқ, Кишинёв конвенциясида экстрадицияни рад этиш асослари доираси янада кенгайтирилди. Яъни, 11 та ҳолат мавжуд. Ушбу ҳолатларда асосан экстрадиция қилиниши лозим бўлган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш назарда тутилган (89-модда).

Улар қуйидагиларда кўринади:

1 Экстрадиция (сўралган шахсни бериш) қуйидаги ҳолларда амалга оширилмайди (*д бандидан к бандигача бўлган қисмида белгиланган шартлар ва 3-қисмда кўрсатилган 10 кунлик муддат масаласи Минск конвенциясида мавжуд эмас*):

а экстрадиция қилиниши сўралаётган шахс ўша сўралаётган давлатнинг фуқароси бўлса;

б жиноий таъқиб қилиш тўғрисида сўров келиб тушган вақтда сўралаётган давлатнинг қонунчилиги бўйича иш қўзғатиш мумкин бўлмаса ёки ижро муддати ўтганлиги сабабли ижрога қаратиш мумкин бўлмаган ёхуд бўлмаса бошқа қонуний асосларга кўра;

в сўралаётган шахснинг иши бўйича сўралаётган давлат ҳудудида ўша жиноят учун ҳуқуқ чиқарилиб қонуний кучга кирган бўлса ёки жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисида ёки иш юритишни тугатиш тўғрисида қарор чиққан бўлса;

г экстрадиция қилишни талаб киладиган қилмиш, сўраб олувчи ёки сўралаётган ахдлашувчи томоннинг қонунчилигига мувофиқ, фақат шахсий айблов билан (жабрланувчининг аризасига биноан) жавобгарликка тортилади;

д экстрадиция сўралаётган давлатнинг хавфсизлиги ва суверенитетига зарар етказиши мумкин бўлса;

е экстрадиция ирқий, диний, жинсий, этник ёки сиёсий таъқиб қилиш билан алоқадорлиги юзасидан аниқ маълумот бўлса;

ж сўралаётган шахснинг ҳаракати сўралаётган давлатнинг қонунчилиги бўйича ҳарбий жиноятга алоқадор бўлиб, жиноят ҳукуқи бўйича оддатдаги жиноятлардан ҳисоблан-маса;

з сўралаётган шахс бир муддат олдин сўраётган учин бир давлатга берилган ва экстрадиция учун ушбу давлатнинг рози-лиги олинмаган бўлса;

и сўралаётган шахсга сўралаётган давлат ҳудудидан бошпана берилган бўлса;

к сўраётган ва сўралаётган ахдлашувчи томонлар иштирокчи ҳисобланган халқаро шартномада назарда тутил-ган бошқа асослар мавжуд бўлса.

2 Сўралаётган шахснинг сўраш учун асос бўлаётган жи-нояти сўралаётган давлатнинг ҳудудида содир этилган бўлса экстрадиция рад этилиши мумкин.

3 Экстрадиция рад этилганда рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 10 кунлик муддатда рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда сўраётган давлат хабардор қили-ниши лозим.

Минск конвенцияси 80-моддасида прокурор(суд) санкция-сини талаб қиладиган процессуал ва бошқа ҳаракатларни ижро этиш билан боғлиқ масалалар юзасидан алоқа ўрнатишда то-монларнинг Бош прокурорлари томонидан белгиланган тар-тибда прокуратура органлари томонидан амалга оширилиши белгиланган. Кишинёв конвенциясининг 5-моддасида эса, про-курор(суд) санкциясини талаб қиладиган процессуал ҳаракат-лар ва қидирув тадбирларини ўтказишга оид топшириқларни ижро этиш масалалари бўйича алоқа ўрнатиш прокуратура ор-ганлари(Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси) орқали амалга оширилиши белгилан-ган. Яъни, Минск конвенциясидан фарқли жиҳати Бош проку-

рорлар томонидан белгиланган тартибда амалга ошириш мажбурияти киритилмаган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги «1993 йил 22 январдаги фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенция ва 2002 йил 7 октябрдаги фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенция қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4895-сон қарорида Минск Конвенцияси, унга доир Баённома (Москва, 1997 йил 28 март) ва Кишинев Конвенциясига аъзо давлатларнинг ваколатли органлари билан мазкур қарорнинг иловаларида назарда тутилган масалалар бўйича ҳамкорлик бевосита ушбу иловаларда кўрсатилган республика органлари ёки уларнинг ҳудудий органлари ёхуд тасарруфидаги ташкилотлар томонидан амалга оширилиши белгиланиши натижасида давлатлар ўртасида ўзаро алоқаларнинг ўрнатилиши марказлашган тизимдан марказлашмаган тизимга ўтиш имконини берди. Бу эса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органлардан келиб тушадиган мурожаатларни тезкор кўриб чиқиш, суд жараёнлари чўзилишининг олдини олиш ҳамда почта харажатларини йўқ қилиш ва вақтни тежаш имконини берди. Унга қадар Минск ва Кишинев конвенциялари доирасида фуқаролик, оилавий ва иқтисодий ишлар бўйича ҳамкорликни амалга оширишда Адлия вазирлиги марказий орган функциясини бажариб келган, яъни ушбу конвенцияларга аъзо давлатларнинг ваколатли органлари билан барча расмий ёзишмалар Адлия вазирлиги орқалигина амалга оширилиб келинган. Натижада битта сўровни кўриб чиқиш амалиётида 3 ойдан 6 ойгача вақтни талаб этган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4895-сон қарори қабул қилиниши натижасида ҳуқуқий ёрдамга оид сўровларни юбориш субъектлари доираси кенгайтирилди. Эндиликда Қарорда ваколат берилган 10 та органга ўз йўналишлари бўйича ҳуқуқий ёрдамга оид сўровлар юбориш ваколоти мавжуд.

Т/р	Ваколатли органнинг номи	Ҳамкорлик масалалари
1.	Олий суд	Жиноят, фуқаролик ва оилавий ишлар бўйича судда иш юритиш билан боғлиқ масалалар; суд ҳужжатларини топширишга доир топшириқларни юбориш ва кўриб чиқиш ҳамда уларни топширишни тасдиқлаш; суд процессуал ҳаракатларини юритиш ва уларни ижро этиш бўйича топшириқларни жўнатиш ва кўриб чиқиш; фуқаролик ва оилавий ишлар бўйича қарорлар, шунингдек шундай ишлар бўйича суд томонидан тасдиқланган ярашув битимларини тан олиш ва ижро этиш; суд органлари ваколатига кирувчи бошқа масалалар.
2.	Бош прокуратура	Суднинг қарори ёки прокурорнинг розилиги (санкцияси) талаб қилинадиган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш; ҳукми тан олиш ва ижро этиш бўйича илтимосномалар; топшириқни ижро қилиш жараёнида ҳуқуқий ёрдам сўраётган давлатнинг ваколатли вакиллари иштирок этиши ҳақидаги илтимосларни жўнатиш ва кўриб чиқиш; прокурорнинг фуқаролик процессида иштирок этиши тўғрисидаги сўровларини юбориш ва кўриб чиқиш; жиноий таъқибни амалга ошириш, шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш ва (ёки) ҳукми ижро этиш учун ушлаб бериш; дастлабки терговни амалга ошириш билан боғлиқ топшириқлар; иш юритувдаги жиноят ишлари билан боғлиқ масалалар; камоқда сақланаётган ёки жазони озодликдан маҳрум қилиш тариқасида ўтаётган шахсни вақтинча топшириш, шунингдек уни транзит тарзида ўтказиш; прокуратура органлари ваколатига кирувчи бошқа масалалар.

	Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти	Жиноий йўл билан олинган пул маблағлари ва мол-мулкни, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни қидириш ва хатлаш (тортиб олиш) бўйича илтимосларни жўнатиш ва кўриб чиқиш; иш юритувдаги жиноят ишлари билан боғлиқ масалалар; Департаментнинг ваколатига кирувчи бошқа масалалар.
	Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси	Жиноят, фуқаролик ва оилавий ишлар бўйича мол-мулк даъволари берилган сўралаётган ахдлашувчи томонлар ҳудудида истикомат қилувчи шахсларнинг манзиллари, иш жойи ва даромадларини аниқлаш ҳақида ҳуқуқий ёрдам бериш тўғрисидаги сўровларни юбориш ва кўриб чиқиш; жиноят ишлари бўйича судларнинг ҳукмлари (қарорлари)ни зарарни қоплаш қисми бўйича тан олиш ва ижро этиш бўйича илтимосномаларни жўнатиш ва кўриб чиқиш; иш юритувдаги ижро ҳужжатлари билан боғлиқ масалалар.
3.	Ички ишлар вазирлиги	Суднинг қарори ёки прокурорнинг розилиги (санкцияси) талаб қилинадиган процессуал ҳаракатларга тааллуқли бўлмаган иш юритувдаги жиноят ишлари билан боғлиқ масалалар; суднинг қарори ёки прокурорнинг розилиги (санкцияси) талаб қилинмайдиган процессуал ҳаракатлар билан боғлиқ топшириқни (сўровномани) ижро қилиш жараёнида ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни сўраётган давлатнинг ваколатли вакиллари иштирок этиши ҳақидаги илтимосларни жўнатиш ва кўриб чиқиш; ахдлашувчи томонлар фуқароларининг ҳуқуқларини амалга ошириш учун, зарур бўлганда, жисмоний шахсларнинг рўйхатга олинган жойлари (манзиллари)ни аниқлаш бўйича сўровларни жўнатиш ва кўриб чиқиш; шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш бўйича сўровларни жўнатиш ва кўриб чиқиш; фуқароликка тегишлиликни аниқлаш бўйича сўровларни жўнатиш ва кўриб чиқиш; судланганлик ҳақида маълумотларни тақдим қилиш ва айблов ҳукмлари ҳақида хабар бериш; ички ишлар органлари ваколатига кирувчи бошқа масалалар.

4.	Давлат хавфсизлик хизмати	Суднинг қарори ёки прокурорнинг розилиги (санкцияси) талаб қилинмайдиган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш; дастлабки терговни амалга ошириш билан боғлиқ топшириқлар ва иш юритувдаги жиноий ишлар билан боғлиқ масалалар; Давлат хавфсизлик хизмати органлари ваколатига кирувчи бошқа масалалар.
5.	Адлия вазирлиги	Нотариал ҳаракатлар билан боғлиқ маълумотларни талаб қилиш бўйича сўровларни жўнатиш ва кўриб чиқиш; пул мажбуриятларига нисбатан нотариал ҳужжатлар ва нотариусларнинг ижро хатларини тан олиш ва ижро қилиш ҳақидаги илтимосномаларни жўнатиш ва кўриб чиқиш; адлия органлари соҳасига оид, шунингдек мазкур Рўйхатда кўрсатилмаган бошқа фуқаролик ва оилавий масалалар.
		Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш ҳақида ҳужжатларни юбориш бўйича сўровларни жўнатиш ва кўриб чиқиш; юридик шахслар ва бошқа тадбиркорлик субъектларининг рўйхатдан ўтганлиги билан боғлиқ маълумотларни талаб қилиш бўйича сўровларни жўнатиш ва кўриб чиқиш.
6.	Халқ таълими вазирлиги	Васийлик ва ҳомийликни белгилаш ва бекор қилиш билан боғлиқ масалалар; фарзандликка олишни белгилаш ва бекор қилиш билан боғлиқ масалалар; умумий ўрта таълим ҳақидаги маълумотларни талаб қилиш бўйича сўровларни жўнатиш ва кўриб чиқиш.
7.	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	Олий ва ўрта махсус таълим ҳақидаги маълумотларни талаб қилиш бўйича сўровларни жўнатиш ва кўриб чиқиш.
8.	Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги	Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотларни талаб қилиш бўйича сўровларни жўнатиш ва кўриб чиқиш.

9.	«Ўзархив» агент-лиги	Архив маълумотномалари ва бошқа архив хужжатлари ҳақида маълумотларни талаб қилиш бўйича сўровларни жўнатиш ва кўриб чиқиш.
10.	Молия вазирлиги хузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	Пенсия ва нафақалар бериш билан боғлиқ маълумотларни талабқилиш бўйича сўровларни жўнатиш ва кўриб чиқиш.

Кишинев Конвенциясининг 120-моддаси 3-бандига кўра, мазкур Конвенция аъзоси бўлган давлатлар ўртасида 1993 йил 22 январда Минск шаҳрида имзоланган «Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Конвенция ва ушбу Конвенцияга доир 1997 йил 28 мартдаги Баённома ўз кучини йўқотади. Истисно тариқасида мазкур 3-бандда кўрсатилган Минск Конвенцияси ва Баённома ушбу Конвенцияга аъзо давлатлар ва ушбу Конвенция ҳали кучга кирмаган уларнинг иштирокчилари бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатларда қўлланилиши давом этади.

ФУҚАРОЛИК СУДЛАРИ

Казус-1

Тошкент шаҳри Миробод туманлараро фуқаролик судига “Банк-А” ОАЖ Даъвогари Воронеж шаҳри Советский туман су-дининг 2015 йил 10 ноябрдаги кредит шартномаси бўйича қарз-дорликни ундириш тўғрисидаги сиртдан чиқарган қарорини ижро этиш ҳақида, ундирувни гаровга қўйилган мулкка кара-тиш, суд харажатларини жавобгарлар “АвтоЛ” МЧЖ, “Дилер-ский центр А” МЧЖ, “КМ/Ч-А” МЧЖ, “ЛадаА” МЧЖ, “КрасА” МЧЖ лардан ундириш тўғрисида мурожаат қилди.

Воронеж шаҳри Советский туман суди 2015 йил 10 ноябрда сиртдан қуйидаги қарорни чиқарган: ““АвтоЛ” МЧЖ, “Дилер-ский центр А” МЧЖ, “КМ/Ч-А” МЧЖ, “ЛадаА” МЧЖ, “КрасА” МЧЖ ҳамда 1969 йил 22 майда Ўзбекистонда туғилган Ахмадов Қобил Шералиевичдан “Банк-А” ОАЖ фойдасига №001-039-К 2015 йил 29 январдаги кредит шартномаси бўйича 386 933 468,85 рубл миқдордаги қарз, 66 000 рубл миқдордаги давлат божи, жами 386 999 468 (уч юз саксон олти миллион тўққиз юз тўксон тўққиз минг тўрт юз олти миш саккиз) рубл ундирилсин”. Сиртдан чиқарилган қарор 2017 йил 10 январь куни кучга кир-ган ва шу пайтгача ижро этилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 369-моддасига мувофиқ, суд чет эл суди ёки чет эл суди ҳакам-лар ҳайъати (арбитраж) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижро-га қаратиш тўғрисидаги аризасини қабул қилди ҳамда ишни у судга келиб тушган санадан бир ой муддатдан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқди.

Суд мажлиси ўтказиладиган вақт, кун ва жой ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинганига қарамай, суд мажлисида жавобгар Ш.К.Ахмадов иштирок этмади. ЎЗР ФПК 369-модда-сига мувофиқ, ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлисининг

вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинади. Суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида белгиланган тартибда хабардор қилинган шахсларнинг судга келмаганлиги ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Тақдим этилган далилларни ўрганиб чиқиб, шунингдек, ариза ва илова қилинган ҳужжатлар амалдаги фуқаролик процесуал қонунчилик талабларига жавоб бериши ва чет эл судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ҳамда ижрога қаратишни рад этиш учун асос йўқлигини эътиборга олиб, суд аризани қаноатлантириш тўғрисидаги хулосага келди.

ЎЗР ФПК 371-моддасига мувофиқ, суд чет эл судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ажрим ва ажримни ижро этиш учун ижро варақаси чиқарди.

Савол: ушбу ўринда суднинг ҳаракатлари тўғрими?

Жавоб: Суднинг мазкур қарори тўғри, чунки ўша вақтда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси аъзо ҳисобланган “Фуқаролик, оилавий ва жинойят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Минск Конвенциясига мувофиқ, аъзо давлатлар фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратишида бир бирларига ёрдам бериш мажбуриятини оладилар. (Минск Конвенцияси 51-модда). Конвенцияда “Аҳдлашувчи давлат суди қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш Минск Конвенциясида кўзда тутилган шартларга риоя қилинганлиги фактини белгилаш билан чекланади”, деб кўрсатилган. Шунингдек, Конвенцияда белгиланишича, ижрога қаратиш тартиби Аҳдлашувчи томонларнинг қонунчилиги билан белгиланади (Минск Конвенцияси, 54-модда).

Масалан, мазкур ишда, иш материалларини ўрганиб чиқиб, суд шундай хулосага келди: Воронеж шаҳри Советский район судининг сиртдан чиқарган қарорини тан олиш ва ижрога қаратишга рухсат бериш тўғрисидаги илтимосномага Воронеж шаҳар Советский район судининг қарори; мазкур қарор Россия Федерацияси ҳудудида кучга кирганлигини тасдиқловчи ҳужжат; ҳал қилув қарори ўз зарарига қабул қилинган тараф ишни

кўриб чиқиш вақти ва жойи тўғрисида ўз вақтида ҳамда белгиланган тартибда хабардор қилинганлиги ҳақида почта қвittanceялари; даъвогар ва жавобгар ўртасида тузилган кредит шартномаси нусхаси (Минск Конвенцияси 53-модда) илова қилинган. Шунингдек, мазкур иш ЎзР ФПК нинг 42-бобида кўрсатилган қоидаларга асосан кўриб чиқилганини эътиборга олиб, Миробод туманлараро судининг ушбу ажрими тўлиқ тўғри.

Казус-2

2020 йил 15 январь куни Фуқаролик ишлари бўйича Ғузор туман судига Россия Федерацияси Пермь ўлкаси Чернушинск район судининг Ўзбекистон Республикаси фуқароси Б.Аскаровдан вояга етмаган фарзанди учун ойлик маошининг $\frac{1}{4}$ қисми миқдоридаги алиментни ундириш тўғрисидаги хал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимоснома келиб тушган.

Иш материаллари бўйича 2019 йил 1 май куни Россия Федерацияси Пермь ўлкаси Чернушинск район суди Ўзбекистон Республикаси фуқароси Б.Аскаровдан вояга етмаган боласи учун алимент ундириш, шунингдек, давлат фойдасига 150 минг рубль миқдордаги давлат божи ундириш тўғрисида хал қилув қарори чиқарди. Ушбу қарор 2019 йил 15 июнда кучга кирган. Мазкур қарор жавобгар томонидан Россия Федерацияси ҳудудида ижро этилмагани сабабли, ҳамда жавобгар Ўзбекистон Республикаси Ғузор туманида истикомат қилишини эътиборга олиб, суднинг мазкур қарори Ўзбекистон Республикасига ижро этиш учун юборилди. Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси иштирокчиси ҳисобланган “Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Минск Конвенциясига мувофиқ, мазкур қарорни ҳудудда ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимоснома Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборилган, у ердан Ўзбекистон Республикаси Олий судига жўнатилган. Ишдаги жавобгар Ғузор тумани ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлганлиги сабабли иш материаллари Фуқаролик ишлари бўйича Ғузор туманлараро

судига берилган. Минск Конвенцияси 51-моддасига мувофиқ, Аҳдлашувчи давлатлар бир-бирларининг фуқаролик ва оилавий ишлар бўйича адлия органларининг қарорлари, шу жумладан бундай ишлар бўйича суд томонидан тасдиқланган келишув битимлари ва пул мажбуриятлари бўйича нотариал ҳаракатларни тан олиш ва ижрога қаратишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатадилар.

Фуқаролик ишлари бўйича Ғузор туманлараро суди илтимоснома келиб тушган кундан 1 ой ортиқ бўлмаган муддатда ушбу қарорни кўриб чиқди. Ва Россия Федерацияси Пермь ўлкаси Чернушинск район №3 судининг жавобгардан даъвогар фойдасига вояга етмаган фарзанди учун ойлик маошининг $\frac{1}{4}$ қисми миқдорида алимент ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги мурожаатини ижрога қаратиш тўғрисида ажрим чиқарди.

Ушбу ажрим асосида суд қарорининг тан олиниши муносабати билан суд ижро варақасини Ғузор тумани Мажбурий ижро бюроси бўлимига юборди. Суд ажрими нусхаси Россия Федерацияси Пермь ўлкаси Чернушинск район №3 судига юборилди.

Савол: ушбу ўринда Фуқаролик ишлари бўйича Ғузор туманлараро суднинг ҳаракатлари тўғрими?

Жавоб: Суднинг мазкур ажрими тўғри ҳисобланади, чунки ЎЗР ФПК 364-моддасига мувофиқ, *Чет давлат судларининг ва чет давлат ҳакамлик судларининг (арбитражларининг) ҳал қилув қарорлари, агар бу Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган бўлса, тан олинади ҳамда ижрога қаратилади. Ўзбекистон Республикаси Минск Конвенциясининг иштирокчиси бўлганлиги сабабли, у ўз зиммасига суд қарорларини ижро этишда бошқа давлатлар билан ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мажбуриятини олади. Алимент ундириш тўғрисидаги суд қарорини ижрога қаратиш Конвенциянинг иштирокчи давлатлари ўзаро ҳуқуқий ёрдами қамровига киришини ҳисобга олиб, Россия Федерацияси Пермь ўлкаси Чернушинск район судининг қарори Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида ижро этилиш керак.*

Ўзбекистон Республикаси фуқароси К.Зокирова 2019 йилда Россия фуқароси С.Ивановга турмушга чиқди. 2020 йилда улар фарзандли бўлишди. Фарзанд туғулгандан сўнг орадан икки ой ўтгач эр-хотин баъзи сабабларга кўра ажрашиб кетишди. Шундан сўнг, 2020 йил апрель ойида Ўзбекистон Республикаси фуқароси К.Зокирова Ўзбекистонга ўз ота уйи жойлашган Хоразм вилояти Урганч туманига қайтиб келди. Ўзбекистонга келгандан сўнг боланинг отаси ҳисобланмиш С.Ивановга бола парвариши учун ҳаражатнинг бир қисмини қоплашини сўраб бир неча бор мурожаат қилишига қарамасдан, С.Иванов бирор марта пул жўнатмади. Шундан сўнг, даъвогар К.Зокирова 2020 йил декабрь ойида Фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судига алимент ундириш тўғрисида жавобгар С.Ивановга нисбатан даъво киритди. Урганч суди даъвони қаноатлантириб, жавобгар С.Ивановдан алимент ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Жавобгарнинг доимий яшаш жойи Россия бўлганлиги сабабли, Фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро суди 2021 йил февраль ойида 2002 йил 7 октябрда қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси 2019 йилда қўшилган “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Кишинёв конвенциясининг 54-моддасига асосан суд қарорини тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги илтимосномани Россиянинг Астрахан вилояти Трусковский тумани судига юборди. Илтимоснома Ўзбекистон Республикаси Олий суди орқали орқали юборилди. Илтимосномага Урганч суди қарори ва ижро варақасининг тасдиқланган нусхалари илова қилинди. Бироқ, илтимоснома Трусковский тумани суди томонидан ижрога қаратилмай, ҳужжатлар қайтариб юборилди.

Савол: ушбу ўринда Россиянинг Астрахан вилояти Трусковский тумани судининг ҳаракатлари тўғрими?

Жавоб: ушбу ўринда Россиянинг Астрахан вилояти Трусковский тумани судининг ҳаракатлари тўғри. Сабаби, ушбу

вақтда “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Кишинёв конвенцияси Россия федерациясида ҳали кучга кирмаган эди. Ушбу конвенция Россия федерациясида 2022 йил 1 январдан кучга кирди.

Шу жиҳаттан, суд қарорини тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги илтимоснома 1993 йил 22 январда қабул қилинган “Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Минск Конвенциясига мувофиқ юборилганда мақсадга мувофиқ бўлар эди. (Минск конвенцияси 51-модда. Қарорларни тан олиш ва ижро этиш).

Казус-4

2017 йил 12 июлда Фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро суди 2015 йил 8 март куни туғилган вояга етмаган М.Хикматовага нисбатан оталикни белгилаш ва унга алимент тўлаш тўғрисидаги ишни кўриб чикди.

Иш материаллари бўйича даъвогар А.Фозилжонова К.Фозилжоновга нисбатан вояга етмаган қизи М.Хикматова учун оталикни белгилаш ва алимент ундириш тўғрисидаги даъво аризасини берганлиги ўрганилди. Суд муҳокамаси давомида даъвогар ва жавобгар ўртасида расмий никоҳ қайд этилмаган ҳолда 2015 йил 8 март куни даъвогар ва жавобгарнинг қиз фарзанди дунёга келганлиги аниқланди. Даъвогар ва жавобгар узоқ вақт давомида бирга яшамаётганлигини инобатга олган ҳолда даъвогар К.Фозилжоновга нисбатан вояга етмаган қизи М.Хикматова учун оталикни белгилаш ва жавобгарнинг алимент мажбуриятларини белгилашни сўраб судга мурожаат қилган. Каттақўрғон судининг ҳал қилув қарори билан даъво аризаси қаноатлантирилди.

Жавобгар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшамаётганлиги ва Тожикистон Республикаси Сўғдиёна вилояти Спитамен туманида доимий яшаш жойига эга эканлигини эътиборга олиб, Каттақўрғон суди қарорни мажбурий тарзда ижрога қа-

ратиш тўғрисидаги илтимосномани Спитамен тумани судига юборди. Илтимоснома Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги орқали юборилди. Илтимосномага Каттақўрғон суди қарори ва ижро варақасининг тасдиқланган нусхалари илова қилинди. Бироқ, илтимоснома Спитамен тумани суди томонидан ижрога қаратилмай, ҳужжатлар қайтариб юборилди.

Ишни ўрганиш ва илтимосномани жўнатиш вақтига Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари 1997 йил 28 март кундаги “Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Минск Конвенциясига мувофиқ ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиб келишган. Спитамен тумани суди илтимосномага илова қилинган ҳужжатлар ўзбек тилида юборилганли туфайли ижрога қаратмасдан қайтариб юборган. Минск конвенцияси 53-моддаси 3-қисмига мувофиқ, қарорни ижро этишига рухсат бериш тўғрисидаги илтимоснома ва унга илова қилинган ҳужжатлар сўралаётган Аҳдлашувчи томон тили ёки рус тилига тасдиқланган таржимаси билан бирга берилиши керак. Ҳужжатлар асл тилда (ўзбек тилида) юборилгани ва тегишли тарзда тожик ёки рус тилига ўгирилмаганлиги сабабли илтимоснома ижрога қаратилмасдан ҳақли равишда қайтарилган. Илтимосномаларни қайтариш ҳолатларининг олдини олиш учун бошқа давлат ҳудудида суд қарорини ижрога қаратиш учун илтимоснома ва унга илова қилинган ҳужжатларни жўнатиш талабларига (Минск конвенцияси талабларига) қатъий риоя қилиш тавсия қилинади.

Казус-5

Ўзбекистон Республикаси Олий судига Туркия Республикаси элчихонасидан Ўзбекистон Республикаси фуқароси Д. Шавкатовга суд ҳужжатларини топшириш тўғрисида Туркия Республикаси Манагват вилояти оилавий ишлар судининг суд топшириғини ижрога қаратишга ёрдам сўраб берилган нота (бир давлат ҳукуматининг бошқа бир давлат ҳукуматига расмий

дипломатик мурожаати) келиб тушди. Туркия Республикаси Манагват вилояти Оилавий ишлар бўйича суди, Д.Шавкатов Туркия Республикаси ҳудудида яшамаслигидан келиб чиқиб, никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини Д.Шавкатовга топширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги сўров билан Ўзбекистон Республикаси Олий судига Туркиянинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси орқали юборди.

Фуқаро Д.Шавкатов Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманида яшашидан келиб чиқиб, ушбу нота Тошкент шаҳри Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судига кўриб чиқиш ва ижрога қаратиш учун ўтказилди.

Иш материаллари бўйича Туркия Республикаси Манагват вилояти Оилавий ишлар бўйича суди томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароси Д.Шавкатов ва Туркия Республикаси фуқароси Ш.Алимова ўртасидаги никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори чиқарилгани ўрганиб чиқилди.

2017 йил 10 ноябрь куни Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро суди очиқ суд мажлисида Туркия Республикаси Манагват вилояти Оилавий ишлар бўйича судининг Д.Шавкатовга суд ҳужжатларини топшириш тўғрисидаги мазкур топшириғини кўриб чиқди. Жавобгар суд мажлисида иштирок этди ва суд мажлисининг Туркия Республикаси Манагват вилояти Оилавий ишлар бўйича судининг ҳал қилув қарорини бериш тўғрисидаги баённомасини имзолади. Кейин, мазкур баённома Ўзбекистон Республикаси Консуллик бошқармаси орқали Туркия Республикаси Манагват Оилавий ишлар бўйича судига қайта юборилди.

1994 йил 23 июндаги Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасидаги фуқаролик, савдо ва жинойт ишлар масалалари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Шартномага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси судлари ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатади, бунга судлар томонидан процессуал ҳаракатларни бажариш ишлари ҳам киради (Битимнинг 4-моддаси).

2021 йилнинг 14 май куни Фуқаролик ишлари бўйича Термиз шаҳар судига Қирғизистон Республикаси Иссиқ-Кўл туман судининг Ўзбекистон Республикаси фуқароси А.Иваненкодан у ва Осиё Банки ўртасидаги кредит шартномасидан келиб чиқадиган қарздорлик мажбуриятини ундириш тўғрисидаги қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимоснома келиб тушган.

Иш материаллари бўйича даъвогар-Осиё Банки жавобгар А.Иваненкодан кредит мажбуриятлари бўйича қарздорлик мажбуриятини ундириш бўйича илтимоснома бергани ўрганилган. Даъвогарнинг илтимосномасига мувофиқ, 2019 йил 1 июль куни у ва жавобгар ўртасида №2020-Ҳ/56 -сонли истеъмор кредити шартномаси имзоланган. Шартномага кўра, банк жавобгарга 30 100 000 сўм миқдордаги қарзни 23% йиллик тўлов шarti билан 36 ой муддатга тақдим қилган. Шартнома шартларига мувофиқ, жавобгар қарздорлик асосий қисми ва у бўйича ҳисобланган фоизларни кредит шартномасида белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини зиммасига олган. Бироқ, жавобгар томонидан кредит шартномасида белгиланган муддатларда асосий қарздорлик ва у бўйича ҳисобланган фоизлар 4 ойгача давр ичида тўланмаган. Шунинг оқибатида жавобгарда қарздорлик юзага келган. Кўп марта огоҳлантиришлардан кейин Осиё Банки Қирғизистон Республикаси Иссиқ-Кўл тумани судига жавобгарга қарши илтимоснома билан мурожаат қилган.

Суд мажлиси 2020 йил 12 февралга тайинланган. Суд эшитиш ўтказиладиган жой ва вақти тўғрисида хабардор қилинганига қарамай, жавобгар суд мажлисида ҳозир бўлмаган. Суд, Қирғизистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 734-моддасига асосланиб, даъвогарнинг талабларини қаноатлантирган ва жавобгардан кредит қарздорлиги бўйича қарзни мажбурий равишда ундириш тўғрисида қарор чиқарган.

Жавобгар Қирғизистон Республикаси фуқароси эмаслиги ва кредит олиш вақтида фақат мамлакатда яшаш учун рухсатномага эга бўлганлигидан келиб чиқиб, мазкур суд қарорини тан

олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимоснома жавобгарнинг доимий яшаш жойи ва фуқароликка эга бўлган Ўзбекистон Республикасига юборилган. Илтимосномага жавобгарнинг паспорт маълумотлари, шунингдек, у яшаётган тахминий манзил илова қилинган.

Жавобгарнинг тахминий яшаш манзили Термиз шаҳри ҳудудида бўлгани учун ушбу илтимоснома Фуқаролик ишлари бўйича Термиз шаҳар судига юборилган. Иш материалларини ўрганиб чиқиб Фуқаролик ишлари бўйича Термиз шаҳар суди эшитув тайинлаш тўғрисидаги қарор чиқаради. Суд эшитувлари давомида жавобгар Иссиқ-Кўл туман судида бўлиб ўтадиган суд мажлиси тўғрисида хабардор қилинмаганлигига далиллар келтириб, шу туфайли ўзи ва Осиё Банки ўртасида кредит шартномасининг ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги далиллар келтиришга имкони бўлмаганлигини айтади. Фуқаролик ишлари бўйича Термиз шаҳар суди илтимоснома ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, Иссиқ-кўл туман судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни рад этиш тўғрисида хал қилув қарори чиқарди. Қарорни тан олиш ва ижрога қаратишга билдирилган рад жавоби Қирғизистон Республикаси Иссиқ-кўл туман судига жўнатилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг мазкур қарори, шунингдек, у қабул қилган барча процессуал ҳаракатлар тўғри ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ҳам иштирокчиси ҳисобланган 2002 йилдаги “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Кишинёв Конвенцияси 59-моддаси 1-қисмига мувофиқ, Кишинёв Конвенцияси иштирокчи давлати судининг қарорни тан олиш ва ижрога қаратиш фақатгина Конвенцияда белгиланган қоидалар бузилган ҳоллардагина рад этилиши мумкин. Кишинёв Конвенциясининг 56-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, қарорни тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномага ўзига нисбатан қарор чиқарилган, суд жараёнида қатнашмаган томон судга тегишли тартибда ва ўз вақтида чақирилгани тўғрисида-

ги ҳужжат илова қилиниши керак. Фуқаролик ишлари бўйича Термиз шаҳар суди иш материалларини ўрганиш натижасида Қирғизистон Республикаси Иссиқ-кўл туман суди томонидан жавобгарни суд мажлиси тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинганлиги тўғрисидаги далил аниқланмаган. Бунинг натижасида Фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро суди қарорни тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномани рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Казус-7

Ўзбекистон Республикаси Олий судига Латвия Республикаси Олий судидан Ўзбекистон Республикаси фуқароси Х.Латиповага суднинг ҳал қилув қарорини топшириш тўғрисидаги Латвия Республикаси Елгава шаҳар судининг суд топшириқномасини тан олиш ва ижрога қаратишда ҳуқуқий ёрдам бериш тўғрисидаги илтимоснома келиб тушди.

Иш материаллари бўйича Елгава шаҳар суди томонидан Латвия Республикаси фуқароси Янис Балодис ва Ўзбекистон Республикаси фуқароси Халима Латипова ўртасидаги никоҳни бекор қилиш тўғрисида қарор чиқарилган.

Х.Латипова Латвия Республикаси ҳудудида яшамаслигидан келиб чиқиб, суднинг ҳал қилув қарорини томонга топшириш каби процессуал ҳаракатни бажаришда кўмак бериш бўйича илтимоснома Ўзбекистон Республикаси Олий судига юборилган.

Олий суд Х.Латипова Ўзбекистон Республикаси Андижон вилояти Асака туманида доимий яшаш манзилига эга эканлигини эътиборга олиб, мазкур илтимосномани Фуқаролик ишлари бўйича Асака туманлараро судига ижрога қаратиш учун юборилган.

Асака туманлараро суди 2021 йил 12 мартга суд мажлисини тайинлайди. Ва Х.Латиповага почта жўнатмаси орқали суд топшириқномаси вақти ва жойи тўғрисидаги хабарнома юборади. Бироқ, аниқланишича, Х.Латипова 5 йилдан буён Асака шаҳри ҳудудида яшамаётганлиги маълум бўлади. Бунинг натижасида, Асака туманлараро суди томонидан Ўзбекистон Республика-

си Ички ишлар органлари(шаҳар ички ишлар бошқармаси)га фуқаронинг амалдаги яшаш жойини аниқлаш тўғрисида расмий сўровнома юборилади.

Шаҳар ички ишлар бошқармасининг жавоб хати бўйича фуқаро Х.Латипова Тошкент шаҳри Олмазор туманида 3 йилдан буён истиқомат қилиб келаётгани аниқланади. Асака туманлараро суди ШИИБнинг жавоб хатини олиб, Латвия Республикаси Елгава шаҳар судининг қарорини қайтарди ва Шаҳар ички ишлар бошқармасига жавоб хати йўллади.

Савол: ушбу ўринда Фуқаролик ишлари бўйича Асака туманлараро судининг ҳаракатлари тўғрими?

Жавоб: ушбу ўринда Асака шаҳар туманлараро судининг мазкур процессуал ҳаракати нотўғри ҳисобланади. 1996 йил 23 май кундаги Ўзбекистон Республикаси ва Латвия Республикаси ўртасида тузилган “Фуқаролик, меҳнат, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Шартноманинг 3-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ва Латвия Республикаси судлари бир-бирига суд ҳужжатларини топшириш шаклидаги ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатади. Суд ҳужжатларини топширишда ижрочи давлатнинг ваколатли органи ҳужжатларни топшириш учун фуқаронинг манзилини аниқлаш бўйича зарур чораларни кўради. Топшириш учун ҳужжатларда кўрсатилган манзил фуқаронинг доимий яшаш жойи бўлмаган тақдирда ҳужжатларни ваколатли органга керакли манзил бўйича жўнатиш учун қайта юбориш лозим эди.

Казус-8

Қозоғистон Республикаси Олма-Ота вилояти Илий туман суди 2021 йил 3 март куни очик суд мажлисида Қозоғистон Республикаси фуқароси Ч.Бекжоновнинг Ўзбекистон Республикаси фуқароси В.Эркиновага нисбатан вояга етмаган фарзанди Ф.Бекжонова учун алимент ундириш тўғрисидаги даъво аризасини кўриб чиқди.

Илий туман суди қарори билан В.Эркинова вояга етмаган фарзанди, 2009 йилда туғилган Ф.Бекжонова учун у вояга етгунига қадар ҳар ой барча даромадларининг $\frac{1}{4}$ қисми миқдорида алимент тўлаши шарт эканлиги белгиланди.

Жавобгар Ўзбекистон Республикаси фуқароси эканлиги ва Ўзбекистонда доимий яшаш жойига эга эканлигидан келиб чиқиб, Илий туман суди ўзининг Қарорини тан олиш ва ижро этиш тўғрисида илтимоснома билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қошидаги Мажбурий ижро бюросига мурожаат юборди. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Мажбурий ижро бюроси ушбу мурожаатномани ижрога қаратишни рад этади ва уни Илий туман судига қайтарди.

Савол: ушбу ўринда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қошидаги Мажбурий ижро бюросининг ҳаракатлари тўғрими?

Жавоб: ушбу ўринда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қошидаги Мажбурий ижро бюросининг ҳаракатлари тўғри ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси иштирокчиси ҳисобланган Кишинёв Конвенцияси 5-модда биринчи қисмига мувофиқ, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида икки давлатнинг ваколатли органлари бир бири билан алоқада бўлади.

Қарорни тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги илтимоснома фойдасига ҳал қилув қарори қабул қилинган тараф томонидан қарор ижро этилиши лозим бўлган Аҳдлашувчи томоннинг ваколатли судига берилади. Шунингдек, у биринчи инстанцияда иш бўйича қарор қабул қилган судга юборилиши мумкин. Ушбу суд ўз ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги илтимосномани илтимоснома бўйича қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлган судга юборди. (Кишинёв Конвенцияси 56-модда). Мазкур ҳолатда Илий суди Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўз қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш учун илтимоснома билан мурожаат қилиши лозим эди.

Казус-9

Гродно шаҳар суди 2021 йил 27 октябрда очик суд мажлисида Беларусь Республикаси фуқароси Евгений Блашконинг 245 000 Белорус рубли миқдоридаги қарздорлик ва ишни қўриб чиқиш билан боғлиқ суд ҳаражатларини ундириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси фуқароси Матвей Иваненкога қарши даъво аризасини қўриб чиқди.

Иш материаллари бўйича даъвогар ва жавобгар ўртасида даъвогар томонидан тўлиқ бажарилган ва жавобгар томонидан умуман бажарилмай қолдирилган шартномавий мажбуриятлар бўлганлигини аниқлади. Кўп марта огоҳлантиришларга қарамай, жавобгар 245 000 белорус рубли миқдоридаги пулни тўлаш бўйича ўз мажбуриятини бажармаган. Бунинг натижа-сида Гродно шаҳар суди жавобгардан қарздорликни ундириш бўйича қарор чиқаради.

Бироқ, жавобгар Беларусь Республикаси ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлмаганлиги ва у Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлганлиги сабабли, даъвогар Ўзбекистон Республи-каси Олий судига Гродно шаҳар суди қарорини ижрога қара-тишга рухсат беришни сўраб, илтимоснома берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жавобгар Тошкент шаҳри Учтепа туманида доимий рўйхатда туришини инobatга олиб, барча ҳужжатларни Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судига юборди. Учтепа суди илтимоснома ва илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, Гродно шаҳар судининг қарорини ижрога қаратиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Ижро варақаси Мажбурий ижро бюроси Учтепа тумани бўлими-га юборилди.

Савол: ушбу ўринда Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа ту-манлараро судининг ҳаракатлари тўғрими?

Жавоб: ушбу ўринда Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа ту-манлараро судининг ҳаракатлари тўғри ҳисобланади.

2002 йил 7 октябрдаги “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғриси-да”ги Кишинёв Конвенциясининг 56-моддаси биринчи қисмига

мувофиқ, қарорни тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимоснома ҳал қилув қарори фойдасига чиқарилган томон тарафидан берилиши кераклигидан келиб чиққан ҳолда, Учтена туманлараро судининг ушбу қарори тўғри ҳисобланади. Бунда, суд қарорларини ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимоснома суд қарори чиқарилган давлатнинг суд органлари орқали юборилиши кераклиги тўғрисида мажбурий талаб мавжуд эмас.

Шунингдек айтиш кераки, иш ҳолатларини ўрганишдан олдин судлар қарорлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижрога қаратилиши керак бўлган давлат билан халқаро битимлар (Конвенция) мавжудлигини текширишлари керак. Ушбу ҳолатда Ўзбекистон Республикаси 2019 йил 26 августдаги №ЗРУ-554 қонуни билан Кишинёв Конвенциясига қўшилган бўлиб, Беларусь Республикаси эса Конвенцияга бироз аввалроқ, яъни 2014 йил 4 январда №116-З қонун билан қўшилган.

Казус-10

Прага шаҳар суди 2020 йил 11 апрелда очиқ суд мажлисида Чехия Республикаси фуқароси Александр Новакнинг Ўзбекистон Республикаси фуқароси Игорь Просакга қарши 1 000 000 чех кронаси миқдоридаги қарздорликни ундириш бўйича даъво аризаси билан мурожаат қилади.

Иш материаллари бўйича жавобгар ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ўрганилиб, унинг натижасида суд жавобгардан қарздорликни ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқаради. Игорь Просак Ўзбекистон Республикасида яшаши ва Ўзбекистон Республикаси фуқароси эканлигини эътиборга олиб, Прага шаҳар суди Ўзбекистон Республикаси Олий судига Игорь Просакнинг мол-мулкига қарши ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тан олиш ва ижрога қаратиш бўйича илтимоснома юборади.

Игорь Просак Сергели тумани ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлганлиги сабабли Олий суд илтимосномани Фуқаролик ишлари бўйича Сергели туманлараро судига жўнатди.

Бирок, Фуқаролик ишлари бўйича Сергели туманлараро суди иш материаллари ўрганиб чиқиб, 2003 йил “Фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси ва Чехия Республикаси ўртасида тузилган Битимга мувофиқ илтимосномани ижрога қаратишни рад этади ва ҳужжатларни Прага шаҳар судига қайтарди.

Шартноманинг 52-модда 2-қисмига мувофиқ, суд қарорини мажбурий тарзда ижрога қаратишга руҳсат бериш тўғрисидаги илтимосномага қарор қонуний кучга киргани ва Чехия Республикаси ҳудудида ижрога қаратилиши кераклиги тўғрисидаги расмий ҳужжат илова қилиниши керак эди. Иш материалларида Прага шаҳар судининг илтимосномасига тегишли ҳужжатлар илова қилинмаганлигини эътиборга олиб, Фуқаролик ишлари бўйича Сергели туманлараро суди илтимосномани ижрога қаратмасдан қайтариш ҳуқуқига эга.

Казус -1

2000 йил 7 апрель куни Жиноят ишлари бўйича Пахтаобод туман судига Ўзбекистон Республикаси фуқароси Т.Бекматовдан 56,725 тенге миқдорида жарима пулини ундириш тўғрисидаги Қозоғистон Республикаси Остона шаҳри Сариаркин туман судининг қарорини тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги илтимоснома Ўзбекистон Республикаси Олий суди орқали келиб тушди.

Маҳкум Т.Бекматов Сариаркин туман судининг қарори билан Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 393-моддаси бўйича жиноий қонунбузарликни содир этганликда айбланган ва унга жазо чораси сифатида 56,725 тенге миқдоридаги жарима ҳамда Қозоғистон Республикаси ҳудудидан 5 йилдан зиёд муддатга ташқарига чиқариб юбориш жазоси тайинланган. Сариаркин туман суди Пахтаобод туман судига тайинланган жазонинг жарима кўринишидаги қисмини ижро этишни сўраб муурожаат қилган.

Пахтаобод туман суди иш материалларини ўрганиб, шунингдек, 1993 йил 22 январдаги “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Минск Конвенциясининг: “Ҳар бир Аҳдлашувчи томон ушбу Конвенцияда кўзда тутилган шартлар билан жиноий ишлар бўйича судларнинг бошқа Аҳдлашувчи томон ҳудудида етказилган зарарни қоплаш тўғрисида чиқарилган қарорларни тан олади ва ижро этади” деб белгиланган 51-модда “б” бандини эътиборга олган ҳолда, илтимосномани қаноатлантиришни рад этди.

Суд ўз қарорини Минск конвенциясида жаримани ижро этиш шаклида кўмак бериш тартиби кўзда тутилмаганлиги билан асослади. Тегишли раддия Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги орқали Қозоғистон Республикаси Адлия вазирлигига юборилди.

Савол: ушбу ўринда Пахтаобод туман судининг ҳаракатлари тўғрими?

Жавоб: ушбу ўринда Пахтаобод туман судининг ҳаракатлари тўғри ҳисобланади.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ҳам ўша даврда иштирокчиси бўлган “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Минск конвенциясида мамлакатлар жиноий ишлар бўйича суд қарорларини тан олиши ва ижро этишида фақат зарарни қоплаш қисми бўйича ҳуқуқий кўмак бериш мажбуриятини оладилар, деб белгиланган (Минск конвенцияси, 51-модда).

Шунингдек, ушбу иш муҳокамаси 2002 йилда Минск конвенциясига мувофиқ ва шу вақтга Ўзбекистон Республикаси 2002 йил 7 октябрдаги “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”-ги Кишинёв конвенциясини имзоламаганлигини назарда тутган ҳолда амалга оширилганлигини ҳам эътиборга олиш зарур. Ўзбекистон Кишинёв конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенцияга (Кишинёв, 2002 йил, 7 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида”ги ЎзРҚ№554-сонли Қонуни билан 2019 йил 26 августда қўшилган. Қозоғистон Республикаси Кишинёв конвенциясини 2004 йил 10 март куни Қозоғистон Республикасининг “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш бўйича” №531-сон Қонуни билан ратификация қилган. Бинобарин, агар иш 2022 йилда содир бўлган бўлса эди, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси мазкур жаримани ундириши билан боғлиқ масалани Кишинёв конвенциясининг 54-моддаси(Қарорларни тан олиш ва ижро этиш) б банди(жиноят судларининг зарарни қоплаш, жарималар ва мусодара қилиш бўйича ҳукмлари (қарорлари)) ҳамда 58-моддаси(Жарима ундириши, мол-мулк ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни мусодара қилиш тўғрисидаги суд қарорларини ижро этиш) асосида ҳал этиш мумкин бўлар эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судига Туркия Республикаси элчихонасидан Туркия Республикаси Бакиркёй 34-туман жиноий ишлар бўйича 1-инстанция судининг Ўзбекистон Республикаси фукароси И.Хикматиллаевга суд қарорини топшириш тўғрисидаги суд топшириғини ижро этишда ёрдам кўрсатиш ҳақидаги нота келиб тушган. Фуқаро И.Хикматиллаев Самарқанд шаҳри ҳудудида яшаётганилигидан келиб чиқиб, ушбу нота Самарқанд шаҳар Жиноий ишлар бўйича судига кўриб чиқиш ва ижро этиш учун ўтказилган.

Иш материалларини ўрганиб, Туркия Республикаси элчихонасидан Туркия Республикаси Бакиркёй 34-туман жиноий ишлар бўйича 1-инстанция суди томонидан И.Хикматиллаевга тегишли бўлган Бакиркёй 34-тумани ҳудудида жойлашган мол-мулкни мусодара қилиш тўғрисида қарор чиқарилганлиги аниқланди. И.Хикматиллаев Туркия Республикаси ҳудудида яшамаслиги фактидан келиб чиқиб, суд қарори Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси орқали қарорни И.Хикматиллаевга топширишда кўмак беришини сўраб Ўзбекистон Республикаси Олий судига юборилган.

2017 йил 23 ноябрь куни Самарқанд шаҳар Жиноят ишлари бўйича суди ушбу топширикни очиқ суд мажлисида кўриб чиқди. Жавобгар-И.Хикматиллаев суд мажлисида иштирок этди ва Туркия Республикаси Бакиркёй 34-туман жиноий ишлар бўйича суди 1-инстанциясининг қарори унга топширилгани тўғрисидаги баёотномага имзо қўйди. Кейин ушбу баёотнома Туркия Республикаси Бакиркёй 34-туман жиноий ишлар бўйича суди 1-инстанциясига Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик бошқармаси орқали қайта юборилди.

Савол: ушбу ўринда Самарқанд шаҳар Жиноят ишлари бўйича судининг ҳаракатлари тўғрими?

Жавоб: ушбу ўринда Самарқанд шаҳар Жиноят ишлари бўйича судининг ҳаракатлари тўғри ҳисобланади.

Чунки, 1994 йил 23 июндаги Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасида фуқаролик, савдо ва жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам бериш ҳақидаги Шартномага асосан, Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси судлари судлар томонидан процессуал ҳаракатларнинг ижро этилишини ҳам эътиборга олган ҳолда ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиб келмоқда. (Шартноманинг 4-моддаси).

Казус -3

Ўзбекистон Республикаси Олий судига Болгария Республикаси Элчихонасидан София округ судининг 2016 йил 16 апрелдаги суд ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси фуқароси Р.Валишинга топширишда ёрдам кўрсатиши тўғрисидаги илтимоснома битилган нота келиб тушди. Фуқаро Р.Валишин Чирчиқ шаҳри ҳудудида яшаётганлиги фактидан келиб чиқиб, ушбу нота Тошкент вилояти Жиноят ишлари бўйича судга кўриб чиқиш учун берилди.

Иш материаллари асосида Болгария Республикаси София округ суди томонидан Р.Валишинга нисбатан 5673 евро миқдорида етказилган зарарни қоплаш бўйича чиқарилган суд буйруғи ўрганилди. Р.Валишин Болгария Республикаси ҳудудида истиқомат қилмаслиги фактидан келиб чиқиб, суд буйруғи Болгария Республикаси Элчихонаси орқали Ўзбекистон Республикаси Олий судига буйруқни Р.Валишинга топширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги сўрови юборилган.

Ушбу суд топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида, Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди томонидан фуқаро Р.Валишиннинг яшаш жойи бўйича Ички ишлар органига сўров юборилган. Фуқаро Р.Валишин яшаш жойи бўйича ўтказилган текширувлар натижасида, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, 3-микрорайон, 32-уй, 52-хонадонда истиқомат қилувчи Р.Валишин Тошкент вилоятининг Қибрай туманида жойлашган “Хожиакбар” хусусий фирмасида узоқ масофага қатновчи юк автомашинаси ҳайдовчиси лавозимида ишлаши аниқланди. 2017

йил 8 октябрь куни Р.Валишин Россия Федерациясининг Самара шаҳрига бир ой муддатга хизмат сафарига жўнаб кетганлиги маълум бўлди. Бу ҳақда Чирчиқ шаҳридаги “Тинчлик” маҳалла фуқаролар йиғини ва профилактика нозиридан №33-сонли да-лолатнома ва маълумотнома, шунингдек унинг турмуш ўртоғи Ж.Валишинадан тушунтириш хати олинди.

Шу муносабат билан, 2017 йил 16 октябрь куни жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг очиқ суд мажлисида София округ судининг суд топшириғи бўйича ҳужжатларини кўриб чиқди. Жавобгар ўрнига суд мажлисида жавобгарнинг турмуш ўртоғи Л.Валишина иштирок этди. Фуқаро Л.Валишина ҳужжатлар тўпламини қабул қилди ва суд мажлиси протоколига имзо қўйди. Сўнгра, суд мажлисининг протоколи Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Консуллик бошқармаси орқали София округ судига қайта юборилди.

Савол: ушбу ўринда Тошкент вилоят Чирчиқ шаҳар Жиноят ишлари бўйича судининг ҳаракатлари тўғрими?

Жавоб: ушбу ўринда Тошкент вилоят Чирчиқ шаҳар Жиноят ишлари бўйича судининг ҳаракатлари тўғри ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ва Болгария Республикаси ўртасидаги 2003 йил 24 ноябрдаги жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномага асосан, Ўзбекистон Республикаси ва Болгария Республикаси судлари ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатадилар, шу жумладан, суд ҳужжатларини тақдим этадилар (2-модда).

Казус -4

Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судига Ўзбекистон Республикаси фуқароси И.Исмаиловдан Россия Федерацияси фуқароси А.Маликов фойдасига 200 000 рубль миқдоридаги зарарни қоплаш тўғрисидаги Россия Федерациясининг Москва шаҳри Люблинск туман судининг қарорини тан олиш ва ижро этиш ҳақидаги илтимоснома келиб тушди.

Иш материаллари бўйича, 2022 йилнинг 3 март куни Москвадаги Тергов бошқармасининг жиноятлар ва уюшган жиноятчи-

лик ҳаракатларини тергов қилиш Тергов қисми 3-бўлими терговчиси томонидан Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 264-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят белгилари бўйича И.Исмаиловга нисбатан жиноят иши қўзғатилгани ўрганилди. Тергов маълумотларига мувофиқ, 2022 йил 1 март куни соат 16 дан 15 дақиқа ўтганда Перерва кўчаси, 43-уй манзили бўйича И.Исмаилов айби билан йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган. Жавобгарнинг айбини исботловчи далиллар ЙТХ ҳақидаги маълумот ва жиноий иш қўзғатиш ҳамда уни кўриб чиқишга қабул қилиш тўғрисидаги қарор ҳисобланади. ЙТХ натижаси бўйича А.Маликовга ўртача оғирликдаги тан жароҳатлари етказилган. Дастлабки тергов тугагандан сўнг, жиноят иши айблов ҳулосаси билан Москва шаҳридаги Люблинск туман судига кўриб чиқиш учун юборилган. Москва шаҳри Люблинск туман суди томонидан судда ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича И.Исмаилов РФ ЖК нинг 264-модда 1-қисми билан айбдор деб топилиб, 200 000 рубль миқдорида А.Маликовга етказилган зарарни қоплашга ҳукм қилинган.

Москва шаҳрининг Люблинск туман суди 2002 йил 7 октябрдаги “Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳукукий ёрдам ва ҳукукий муносабатлар тўғрисида”ги Кишинёв конвенциясининг 54-моддасига асосланиб, Россия Федерацияси Адлия вазирлигининг Халқаро ҳукукий бошқармаси орқали Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Халқаро ҳукукий бошқармасига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги қарорни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижросини таъминлашда ҳукукий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўровини юборган. *(Россия федерацияси ушбу ҳужжатни Ўзбекистон республикаси Адлия вазирлигига эмас, балки тўғридан-тўғри Ўзбекистон республикаси Олий судига ҳам юбориши мумкин эди. Асос, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги “1993 йил 22 январдаги фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳукукий ёрдам ҳамда ҳукукий муносабатлар тўғрисидаги конвенция ва 2002 йил 7 октябрдаги фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳукукий ёрдам*

ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенция қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4895-сон қарори)

Мазкур сўровни қабул қилиш натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Халқаро ҳуқуқий бошқармаси томонидан у Ўзбекистон Республикаси Олий судига ижрога қаратиш учун юборилган. Фуқаро И.Исмаиловнинг яшаш жойи Урганч шаҳрида эканлигидан келиб чиққан ҳолда, ушбу сўров кўриб чиқиш учун Хоразм вилоят судига юборилган.

Хоразм вилоятнинг Жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар суди иш материалларини ўрганиб чиқиб, Кишинев конвенциясининг 54-моддасига асослаган ҳолда сўровни қаноатлантирган ва Россия Федерацияси Москва шаҳри Люблинск туман суди қарорини мажбурий тартибда ижрога қаратиш тўғрисида ажрим чиқарган.

Савол: ушбу ўринда Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти Урганч шаҳар судининг ҳаракатлари тўғрими?

Жавоб: ушбу ўринда Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти Урганч шаҳар судининг ажрими чиқариши тўғри ҳисобланади.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси, шунингдек, Россия Федерацияси 2002 йил 7 октябрдаги “Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Кишинёв конвенциясининг иштирокчилари бўлган. Конвенциянинг 54-моддасига мувофиқ, ҳар бир аҳдлашувчи томон бошқа аҳдлашувчи томон ҳудудидида етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги жиноят ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарорини тан олади ва ижро этади. Шундай экан, Кишинёв конвенциясида назарда тутилган барча шартларга амал қилинганлигини ҳисобга олиб, жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти Урганч шаҳар суди Москва шаҳри Люблинск туман судининг ҳал қилув қарорини мажбурий тартибда ижрога қаратиш тўғрисида ажрим чиқарди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Россия Федерацияси Кишинёв конвенциясини фақат 2021 йил 31 декабрь куни “Фуқаролик, ои-

лавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисида”ги Федерал қонун билан ратификация қилган. Ўзбекистон Республикаси ўз навбатида Кишинёв конвенциясига аввалроқ, 2019 йил 26 августдаги № 554-ЎРҚ сонли “Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенцияга қўшилиши тўғрисида”ги қонун билан қўшилган эди. Шу боис, икки мамлакатда Кишинёв конвенцияси кучга кириши билан алоқа қилиш тартиби ўзгарди ва ҳозирги вақтда Кишинёв конвенциясига мувофиқ амалга оширилмоқда.

Казус -5

2017 йил 30 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига Грузия Адлия вазирлигидан АббосовЛютфали Амир ўғлини (Озарбайжон фуқароси) ушлаб бериш тўғрисидаги талабнома келиб тушди. Адлия вазирлиги ушбу талабномани кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юборди. Грузия давлати Батуми шаҳрининг №2-сонли Жиноят ишлари бўйича Шаҳар судининг ҳибсга олиш тўғрисидаги қарори топшириш ҳақидаги талабномага илова қилинган. Иш материаллари асосида АббосовЛютфали Амир ўғли Грузия Жиноят кодексининг 180-моддаси 2-қисми бўйича айбдор деб топilib, жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ учун 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилингани ўрганилди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан ўрганиш ишлари олиб борилганда, АббосовЛютфали Амир ўғлига нисбатан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди томонидан худди шу иш бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисида ҳукм чиқаргани маълум бўлди. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди юқоридаги ҳолат 1993 йил 22 январдаги “Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Минск конвенциясининг 57-моддаси (в) бандига зидлигидан келиб чиқиб, ушлаб бериш тўғрисидаги та-

лабномани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги суд ажримини чиқарди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг Минск конвенцияси талаблари асосида чиқарган ажримини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги орқали Грузия Адлия вазирлигига юборди.

Савол: ушбу ўринда Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг ҳаракатлари тўғрими?

Жавоб: ушбу Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг ажрими чиқариши тўғри ҳисобланади.

Сабаби, Грузия ва Ўзбекистон Республикаси 1993 йил 22 январдаги “Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Минск конвенциясига қўшилган. Конвенциянинг 57-моддасида Экстрадиция қилишни рад этиш асослари келтирилган бўлиб, ушбу моданинг (в) бандида аҳдлашувчи томон ҳудудида ушлаб берилиши талаб қилинаётган шахсга нисбатан ҳудди шу жиноят учун иш юритишни тугатиш тўғрисида қонуний кучга кирган ҳуқум ёки қарор қабул қилинган бўлса, экстрадиция қилишни рад этилиш белгиланган.

Казус -6

2021 йил 2 январь куни Тошкент шаҳар судининг Жиноят ишлари бўйича судлов хайъати фуқаро М.Тилибергеновни ўта хавфли рецидивист, деб тан олиш тўғрисидаги ишни кўриб чиқди. Иш материаллари ўрганилганда, фуқаро М.Тилибергенов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 164, 165, 166, 168-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этганлиги учун кўп маротаба жавобгарликка тортилганлиги маълум бўлди. Шахсни ўта хавфли рецидивист, деб тан олиш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш, шунингдек фуқаро М.Тилибергеновни хавфли, деб топиш учун Тошкент шаҳар Жиноят суди томонидан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар Олий судларига М.Тилибергеновга нисбатан мавжуд бўлган суд

хукми бўйича маълумотларни юборишни илтимос қилиб сўров юборилган. Сўров натижалари бўйича, Озарбайжон Республикаси Олий суди томонидан жавоб юборилиб, унга кўра Ўзбекистон Республикаси фуқароси М.Тилибергенов Озарбайжон Республикаси Жиноят кодексининг 178-моддасига асосан Озарбайжон Республикаси ҳудудида бир неча бор жавобгарликка тортилгани маълум бўлди.

Тошкент шаҳар судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати Озарбайжон Республикаси Олий судининг маълумотларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 34-моддасига асосланиб М.Тилибергеновга нисбатан уни ўта хавфли рецидивист деб тан олиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Мазкур ҳукм тўғридир. 2002 йил 7 октябрдаги “Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Кишинёв конвенциясининг 99-моддасига асосан, шахсни ўта хавфли рецидивист, деб топиш ёки унинг хатти-ҳаракатларида ҳар хил турдаги рецидив аломатлари мавжудлиги тўғрисидаги масалаларни ҳал этишида, собиқ СССР ва унинг таркибига кирувчи иттифоқчи республикалар, шунингдек, Кишинёв конвенциясининг аҳдлашувчи томонлари судлари томонидан чиқарилган ҳукмларни аҳдлашувчи томонларнинг Адлия муассасалари тан олиши ҳамда ҳисобга олиши мумкин.

Казус -7

2021 йил 4 июль куни Жиноят ишлари бўйича Самарқанд туман судига Тожикистон Республикаси Хатлон вилоятининг жиноят ишлари бўйича Вахш туман судининг Ўзбекистон Республикаси фуқароси А.Саматовдан компенсация сифатида етказилган зарарни қоплаш учун 539 694 сомоний миқдорида жарима ундириш ҳукмини тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги илтимоснома келиб тушди.

Хатлон вилоятининг жиноят ишлари бўйича Вахш туман судининг ҳукми билан судланган А.Саматов Тожикистон

Республикаси Жиноят кодексининг 246-моддаси бўйича жиноий ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топилиб, унга жазо тариқасида 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш ҳамда 539 694 сомон миқдорида етказилган моддий зарарни қоплаш белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд туман суди илтимосномани, шунингдек унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, илтимосномани қаноатлантиришни рад этди. Суд ўз қарорини Хатлон вилоятининг жиноят ишлари бўйича Вахш туман судининг ҳукми рус тили ёки ўзбек тилига таржима қилинмасдан асл тожик тилида Жиноят ишлари бўйича Самарқанд туман судига юборилгани билан асослади.

Ишни кўриб чиқиш ва илтимосномани юбориш чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси 2002 йил 7 октябрдаги “Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Кишинёв конвенцияси асосида суд қарорларини ижро этишида ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатади.

Илтимосномага илова қилинган ҳужжатлар (қарор ва ижро ҳужжати) тожик тилида юборилганлиги сабабли Жиноят ишлари бўйича Самарқанд туман суди илтимосномани ижросиз қайтарди. Кишинёв конвенциясининг 17-моддасига асосан, қарорни ижро этишига рухсат бериш тўғрисидаги илтимоснома ва унга илова қилинган ҳужжатлар сўралаётган Аҳдлашувчи Томон тилига ёки рус тилига тасдиқланган таржима билан таъминланган бўлиши зарур. Ҳужжатлар асл тилда (тожик тилида) юборилганлиги ва тегишли равишда ўзбек ёки рус тилига таржима қилинмаганлиги туфайли, илтимоснома қонуний равишда ижросиз қайтарилган.

Казус -1

Андижон туманлараро иқтисодий судига “А” МЧЖдан Украина Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Халқаро тижорат арбитраж судининг 142/2019 иш бўйича 2019 йил 16 март сана-сидаги қарорни тан олиш ва ижро этиш тўғрисида илтимоснома мурожаати келиб тушди.

Иш материаллари бўйича ўрганилишича, Украина Савдо-са-ноат палатаси ҳузуридаги Халқаро тижорат арбитраж суди-нинг 142/2019 иш бўйича 2019 йил 16 март санасида жавобгар “Б” МЧЖ дан даъвогар “А” га шартнома мажбуриятларини бажар-маганлиги учун 27 000 АҚШ доллари миқдоридаги қарздорлик-ни унидириш тўғрисидаги №142-2019- қарори қабул қилинган. Жавобгар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатга олинган ва ўз фаолиятини олиб борадиган юридик шахс эканлигини эъ-тиборга олиб, даъвогар МЧЖ “А” Андижон туманлараро иқти-содий судига Украина ССП ХТАС қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилди.

Суд иш материалларини ўрганиб, шунингдек, томонларнинг да-лилларини тинглаб, даъвони тўлиқ равишда қондириш ва арбитраж суди қарори ижро варақасини бериш тўғрисида қарор чиқарди.

Қарор қабул қилиш учун суд “Чет эл арбитражлари қарорла-рини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида”ги Конвенциянинг 3-моддасига амал қилди, унга мувофиқ конвенция аъзолари арби-траж қарорларини мажбурий деб қабул қилади ва уни ўзларининг ички процессуал меъёрлари, ҳамда 6-моддага (унда қарорларни ижро этиш манфаатдор томоннинг илтимосномасига кўра амалга оширилиши белгиланган) мувофиқ равишда ижрога қаратадилар.

Ўзбекистон “Чет эл арбитражлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида”ги Конвенцияга (Нью-Йорк конвенцияси) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 22 декабрь куни ““1958 йил 10 июндаги Нью-Йорк Чет эл арбитражлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш

тўғрисида”ги Конвенцияга қўшилиш тўғрисида” ги 184-1 -сон қарорига мувофиқ қўшилган. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 248-моддасига мувофиқ, Чет давлатлар судларининг ва арбитражларининг иқтисодиёт соҳасида юзага келадиган низолар ҳамда бошқа ишлар бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорлари, агар бундай қарорларни тан олиш ва ижрога қаратиш Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномалари ҳамда қонунчилигида назарда тутилган бўлса, улар Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судлари томонидан тан олинади ва ижрога қаратилади. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 258-моддасига мувофиқ, Чет давлат судининг ва арбитражининг ҳал қилув қарорини ижрога қаратиш чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида ажрим чиқарган суд томонидан бериладиган ижро варақаси асосида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Казус -2

Тошкент вилоят судига “А” МЧЖнинг Челябинск Арбитраж судининг 2021 йил 25 март санасида №А76-43632/2020 чиқарган қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномаси келиб тушди.

Иш материаллари бўйича ўрганилишича, Челябинск вилояти Арбитраж суди”Б” МЧЖ дан “А” МЧЖ фойдасига 2 919 256 Россия рубли миқдорида қарздорликни ундириш, шунингдек, 87 792 Россия рубли миқдорида давлат божи тўлаш бўйича қарор чиқарилган. Кўрсатилган қарор кучга кириши билан 2021 йил 5 май санаси билан ижро варақаси берилган.

Кўрсатилган қарор ихтиёрий тартибда ижро этилмаганлиги муносабати билан мурожаатчи - “А” МЧЖ Тошкент вилоят судига Челябинск вилояти Арбитраж судининг қарорини ижро варақаси бериш орқали тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган.

Тошкент вилоят суди Ариза ва унга илова қилинган хужжатларни ўрганиб чиқиб, ишни Тошкент вилояти судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига юборган. Тошкент вилояти судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати муурожаатни қаноатлантирган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 248-модда 2-қисмига мувофиқ, Чет давлат судининг ва арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ҳамда ижрога қаратиш масалалари иқтисодий суд томонидан низо бўйича ҳал қилув қарори ўз фойдасига чиқарилган тарафнинг аризаси бўйича ҳал этилади.

Челябинск вилояти Арбитраж судининг қарори Ўзбекистон Республикаси учун чет эл судининг қарори ҳисобланишини эътиборга олиб, Тошкент вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати Киев Шартномасининг 7-моддасини қўллади, унга мувофиқ Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги аъзо-давлатларидан бири ваколатли суди томонидан чиқарилган қарорлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бошқа аъзо-давлати ҳудудидида шу давлатнинг суди ёки белгиланган қонунлари билан тайинланган органлар томонидан ижро этилиши керак. Чет эл суди қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш фақат Киев Шартномаси 9-моддасида кўрсатилган асослар мавжуд бўлган ҳолатларда рад этилиши мумкин. Бундан ташқари, чет эл судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни рад этиш учун асослар ЎЗР ИПК нинг 255-моддасида ҳам кўзда тутилган.

Казус -3

Ўзбекистон Республикаси Олий суди орқали Наманган вилояти судига “Глобуэл групп” МЧЖ томонидан Ростов вилояти Арбитраж судининг қарздор - “Агроэконом” МЧЖ дан 60727,71 АҚШ доллари миқдорида қарздорликни ундириш бўйича 2018 йил 6 июнь санасидаги №А53-298/2018 -сонли қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш бўйича илтимосномаси келиб тушган.

Иш материаллари бўйича ўрганилишича, “Глобуэл групп” МЧЖ Ростов вилояти Арбитраж судига “Агроэконом” МЧЖ га

нисбатан умумий миқдори 60727,71 АҚШ доллариға тенг бўлган асосий қарздорлик, асоссиз бойиш ва зиённи ундириш тўғрисида даъво аризаси билан мурожаат қилган. Ростов вилояти Арбитраж суди ишни очиқ суд мажлисида, лекин жавобгарнинг вакили иштирокисиз кўриб чиқди ва Ростов вилояти Арбитраж судининг қарздорликни ундириш тўғрисидаги ажримини чиқарди.

Жавобгар Россия Федерацияси ҳудудида мол-мулкка эга бўлмаганлиги сабабли даъвогар Ўзбекистон Республикаси Олий судига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ростов вилояти Арбитраж судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилган. Жавобгар “Агроэконом” МЧЖ Наманган вилоятидан рўйхатдан ўтганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси Олий суди иш материалларини Наманган вилоят судига юборган. Иш материаллари Наманган вилоят судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъати томонидан кўриб чиқилиб, жавобгарни давогарнинг илтимосномаси билан таништирилган. Шундан сўнг, Жавобгар, ўз навбатида, оғзаки тинглов жараёнида Ростов вилояти Арбитраж суди иш бўйича суд муҳокамаси ҳақида жавобгарни хабардор қилмагани, шунинг натижасида ўз далиллари билан иштирок эта олмаганлиги сабабли қарорни ижрога қаратишни рад этишни сўраб мурожаат қилган.

Наманган вилоят судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъати иш материалларини кўриб чиқиб, у ерда жавобгарни суд мажлиси ўтказиладиган вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинганлиги тўғрисида далил илова қилинганлигини кўриб, Ростов вилояти Арбитраж суди қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни рад этиш учун асос йўқ, деб ҳисоблади, ва тан олиш ҳамда ижрога қаратиш тўғрисида ажрим, шунингдек, ижро варақаси чиқарди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги аъзо-давлатлари томонидан имзоланган “Хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида”ги Киев битимининг 7-моддасига мувофиқ, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган бир давлатнинг ваколатли суд органлари томонидан чиқарилган қарорлар Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо бўлган бошқа давлатлар ҳудудида ижро

этилиши керак (Ўзбекистон Республикаси томонидан 1993 йил 6 май санасида ратификация қилинган).

Шартноманинг 9-моддаси биринчи қисми “г”-бандига мувофиқ, иккинчи томон суд жараёни тўғрисида хабардор қилинмаган бўлса, иккинчи томоннинг илтимосига кўра қарорни ижрога қаратиш рад этилиши мумкин. Бироқ, ушбу ўринда, Ўзбекистон судига Ростов вилояти Арбитраж судининг жавобгарни суд мажлиси ўтказиладиган вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинганлиги тўғрисида далил илова қилинган. Шунга асосан, дастлабки инстанция суди мазкур ҳолатда Ростов вилояти Арбитраж судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратишини рад этишга асослар мавжуд эмас, деб ҳисоблаган. Бинобарин, Ростов вилояти Арбитраж судининг 2018 йил 6 июнь санасидаги иш бўйича қарори тан олинishi ва ижрога қаратилиши мумкин.

Казус -4

Андижон вилоят судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъати очик суд мажлисида “А” ХАЖ нинг Украина Савдо-саноат палатаси қошидаги Халқаро тижорат арбитраж судининг жавобгар “Б” МЧЖ дан етказиб берилган товар учун 27 000 АҚШ доллари миқдоридаги қарздорлик ва товарни етказиб бериш муддатини бузганлиги учун 17 000 АҚШ доллари миқдорида жарима ундириш тўғрисида 142/2019 -сонли иш бўйича чиқарган қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш бўйича ариза ишини кўриб чиқди.

Суд мажлисида даъвогарнинг вакили (ишончнома бўйича), шунингдек, жавобгар иштирок этди. Суд мажлиси давомида жавобгар ўзи ва даъвогар ўртасида мазкур ишни кўриб чиққан арбитражни тайинлаш бўйича келишувга келмаганликлари сабабли Украина Савдо-саноат палатаси қошидаги Халқаро тижорат арбитраж судининг қарори ижрога қаратилиши мумкин эмаслиги тўғрисида далиллар билан чиқди.

“Чет эл арбитражлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида”ги Нью-Йорк Конвенциясининг 3-моддасига мувофиқ, Аҳдлашувчи томонларнинг ҳар бири арбитраж қарор-

ларини мажбурий, деб қабул қилади ва уларни шу қарорларни тан олиш ва ижрога қаратиш сўралаётган давлатнинг процессуал меъёрларига мувофиқ равишда шу давлат ҳудудда амалга оширади. Конвенциянинг 5-моддаси биринчи қисми “b” бандига мувофиқ, арбитраж қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш у қарши қаратилган томоннинг илтимоси билан агар шу томон судга ўзининг арбитр тайинланганлиги тўғрисида белгиланган тартибда хабардор қилинмаганлигига далиллар келтирса рад этилиши мумкин, Бироқ, иш материаллари бўйича ўрганиш олиб борилганда иш бўйича арбитр томонлар низода арбитр тайинлаш бўйича ўз ваколатларини арбитраж судига тақдим этганлиги сабабли Украина ССП қошидаги Халқаро тижорат арбитраж суди қарори билан тайинланганлиги аниқланди.

Шу ҳолат сабабли суд тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ажрим чиқариб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 258-моддасига мувофиқ қарорни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижро этиш учун ижро варақаси берди.

Нью-Йорк конвенциясига мувофиқ, арбитражни тайинлаш тўғрисидаги шартноманинг йўқлиги арбитраж қарорини тан олиш ва ижрога қаратишнинг рад этишга сабаб бўлиши мумкин (Нью-Йорк конвенцияси 5-модда). Бироқ, ижрога қаратишнинг рад этишнинг талаб қилаётган томон арбитр тайинлашда келишувга келинмаганлиги тўғрисида далил келтириши керак. Бу ишда ана шундай далиллар мавжуд бўлмаган. Бундан ташқари, судга томонлар арбитр танлаш ваколатларини арбитраж марказининг ўзига тақдим этганликлари тўғрисидаги далиллар тақдим этилган, бундан келиб чиқадики, арбитр ишнинг кўриб чиқиши учун тўлиқ ваколатга эга бўлган.

Казус -5

Озарбайжон Республикаси Иқтисодий судининг 2001 йил 25 мартдаги ҳал қилув қарори билан “Б” қарздордан “А” мурожаатчи фойдасига 10, 038, 844 манат миқдордаги қарздорлик ун-

дириш белгиланган. Кўрсатилган ҳал қилув қарори кучга кирган вақт 2001 йил 5 май санасида ижро варақаси берилган.

Кўрсатилган ҳал қилув қарори ихтиёрий тартибда ижро этилмаганлиги сабабли, ва қарздор фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатга олинган мол-мулкка эга бўлганлиги сабабли, 2001 йил 16 январь кuni мурожаатчи Ўзбекистон Республикаси Олий судига ушбу қарорни тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган.

Қарздор “Б” Тошкент вилоятида жойлашганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди ишни Тошкент вилоят судига юборган.

Иқтисодий процессуал кодекснинг 248-моддаси 2-қисмига мувофиқ, Чет давлат судининг ва арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ҳамда ижрога қаратиш масалалари иқтисодий суд томонидан низо бўйича ҳал қилув қарори ўз фойдасига чиқарилган тарафнинг аризаси бўйича ҳал этилади.

Тошкент вилоятининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъати “Хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида” ги Киев Битимининг 7-моддасига кўра, (Киев, 1992 йил 20 март) ушбу аризани кўриб чикди. Киев Битимининг 7-моддасига мувофиқ, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги аъзо-давлатлари (кейинги ўринларда МДХ) ваколатли судларнинг кучга кирган ҳал қилув қарорларини тан оладилар ва ижрога қаратадилар. Бир аъзо-давлатнинг ваколатли судлари томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари, бошқа МДХ аъзо-давлатлари ҳудудларида ижро этилиши шарт. МДХнинг бир аъзо-давлати ваколатли суди томонидан жавобгар мол-мулкдан ундирув бўйича мурожаати бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари МДХнинг бошқа аъзо-давлати ҳудудида ушбу давлатнинг суди ёки қонунчилиги билан тайинланган органлар томонидан ижро этилиши шарт.

Фақат Киев Битимининг 9-моддасида белгиланган асослар мавжуд бўлгандагина чет эл давлати судининг қарорини тан олишни ва ижро этишни рад этиш мумкин.

Ушбу ҳолат бўйича Суд иш материалларини ўрганиб чиқиш жараёнида даъвогар Тошкент вилоят судига ижро этиш учун

ариза бергунига қадар қарорни ижро этиш учун тақдим қилиш муддати тугаганлигини аниқлади. Ва Киев битимининг 9-моддаси биринчи қисмининг д-бандига (қарорни ижро этиш учун тақдим этишнинг уч йиллик даъво муддат ўтганлиги) асосланиб, қарорни ижро этишни рад қилиш тўғрисида ажирим чиқарди.

Савол: ушбу ўринда Тошкент вилоятининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг ҳаракатлари тўғрими?

Жавоб: ушбу ўринда Тошкент вилоятининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг ажрими нотўғри ҳисобланади.

Сабаби, Киев Битимининг 9-моддасига кўра, суд қарори кимнинг зарарига чиққан бўлса, фақатгина ўша ўзининг зарарига қарор чиқарилган шахснинг(томоннинг) илтимосига биноан ва фақат ушбу томон ваколатли судга мазкур модданинг бандларидан бири бўйича далил тақдим этган тақдирдагина суднинг қарорини тан олиш ва ижро этиш рад этилиши мумкин. Мазкур ҳолатда жавобгар томонидан риза ёки илтимоснома келиб тушмаган. Иш материалларида, шунингдек, ишни эшитишида жавобгар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳал қилув қарорини ижро этишни имкони йўқлиги хусусида далил келтирилмаган. Демак, суд ўз таъаббуси билан Киев Битимининг 9-моддаси нормаларини қўллаш ҳуқуқига эга эмас.

Казус -6

Москва шаҳридаги Россия Федерацияси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Халқаро тижорат арбитраж суди “А” АЖнинг (даъвогар) “Б” АЖга (қарздор) нисбатан бўлган даъвосини кўриб чиқди ва даъвогар фойдасига 8 670 066,18 АҚШ доллари миқдорида қарздорликни ундириш тўғрисида қарор чиқарди. Шундан: асосий қарз 7 701 218,35 АҚШ доллари, тўлов муддати кечиктирилгани учун пеня 895 412,56 АҚШ доллари миқдорида, арбитраж йиғимлари тўлови бўйича ҳаражатлар 68 987 АҚШ доллари миқдорида, арбитражнинг арбитраж ишини кўришда иштирок этиш ҳаражатларни қоплаш учун тўланган бўнак.

Арбитраж судининг мазкур ҳал қилув қарори қарздор томонидан ихтиёрий равишда бажарилмаганлиги сабабли, ундирувчи арбитраж ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ариза билан Тошкент шаҳар судига мурожаат қилди. Иқтисодий процессуал кодекснинг 254-моддасига мувофиқ, чет эл давлати суди ёхуд арбитражнинг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ариза иқтисодий судга келиб тушган кундан бошлаб олти ойдан ошмаган муддатда суд мажлисида кўриб чиқилади. Иш бўйича суд мажлиси 2021 йил 21 апрель кунига белгиланганлиги сабабли, томонлар тегишли равишда хабардор қилинган.

Суд мажлисида аризачи ва қарздор номидан курьер қатнашди. У ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун жалб қилинган адвокат хизмат сафарида эканлиги сабабли, қарздор номидан суд ишини кўришни бошқа кунга қолдириш тўғрисидаги илтимосномани тақдим қилди.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексининг 169-моддасига мувофиқ, Ишда иштирок этувчи шахсларнинг янги далилларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги ҳамда иш муҳокамаси билан боғлиқ бошқа барча масалалар бўйича аризалари ва илтимосномалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг фикрлари суд томонидан эшитиб бўлингандан кейин ҳал қилинади.

Суд, аризачининг фикрини тинглаб, жавобгарнинг ҳимояси учун жалб қилинган адвокат хизмат сафарида эканлиги ҳақидаги важлари, ишни кўриб чиқишни бошқа муддатга қолдириш учун асос бўлмаслиги сабабли, қарздорнинг илтимосномаси рад этилиши керак деб топди.

Шунингдек, суд иш материалларини ўрганиб чиқиб ҳамда жами тақдим этилган далилларни баҳолаб, суд далолатномасини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги ариза қаноатлантирилиши лозим деб топди. Шу муносабат билан суд томонидан ижро варақаси берилди.

Чет эл арбитражсининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномани қаноатланти-

риш, шунингдек, қарздорнинг суд мажлисини бошқа кунга қолдирилиши тўғрисидаги илтимосномасини рад этиши ҳақидаги суд қарори тўғри ҳисобланади.

Чет эл арбитраж қарорлари “Чет эл арбитражлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида”ги (Нью-Йорк, 1958 йил 10 июнь) Конвенцияга мувофиқ ижрога қаратилади. Ўзбекистон Республикаси ушбу Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 22 декабрдаги №184-І Қарорига кўра қўшилган. Конвенциянинг 3-моддасига мувофиқ, ҳар бир аҳдлашувчи давлат арбитраж ҳал қилув қарорини мажбурий, деб тан олади ҳамда бу қарорларни тан олиш ва ижро этиш талаб қилинадиган ҳудуднинг процессуал нормалари асосида ижрога қаратилади. Конвенция қўлланиладиган арбитраж қарорларини тан олиш ва ижрога қаратишида ички арбитраж қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш учун мавжуд бўлган шартлардан оғирроқ шартлар ҳамда бож ва йиғимлардан юқорироқ бож ва йиғимлар қўлланмаслиги лозим. Тан олиш ва ижрога қаратиш фақат Конвенциянинг 5-моддасида кўрсатилган ҳоллардагина рад этилиши мумкин. Бундай шартлар мавжуд бўлмаганда, чет эл арбитражининг ҳал қилув қарори ижро этилиши шарт.

Чет эл арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги ишни кўриб чиқиш учун суд мажлиси тайинланади. Суд ишида иштирок этувчи шахслар, ИПКнинг 127-моддасида кўзда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий судининг ажрими билан, суд муҳокамасининг вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинади.

Суд мажлиси ҳақида тегишли равишда хабардор қилинган шахсларнинг келмаслиги, суд ишини кўриб чиқиш учун тўсиқ бўла олмайди (ИПК 170-модда). ИПК нинг 169-моддасига мувофиқ, Ишда иштирок этувчи шахсларнинг янги далилларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги ҳамда иш муҳокамаси билан боғлиқ бошқа барча масалалар бўйича аризалари ва илтимосномалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг фикрлари суд томонидан эшитиб бўлинганидан кейин ҳал қилинади. Жа-

вобгарнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун жалб қилинган адвокат хизмат сафаридида эканлиги тўғрисидаги важи ҳужжатлар орқали тасдиқланмаганлиги сабабли, ушбу ҳолат ишни кўриб чиқишни бошқа муддатга қолдириш учун асос бўла олмайди. Бундан келиб чиқадики, қарздорнинг илтимосномаси ҳақли равишда рад этилган.

Казус -7

Сингапур Халқаро арбитраж маркази томонидан “А”нинг (Россия Федерацияси ҳудудида рўйхатдан ўтган юридик шахс) “Б”га (Ўзбекистон ҳудудида рўйхатдан ўтган юридик шахс) нисбатан 37 000 АҚШ доллари миқдорида пеня, 9 916 АҚШ доллари миқдорида жами ҳаражатлар, шунингдек, 18 564 АҚШ доллари миқдорида жами йўқотилган фойдани ундириш тўғрисидаги даъво бўйича иши кўриб чиқилди.

Арбитраж муҳокамаси давомида арбитраж шартнома шартлари жавобгар томонидан тегишли тартибда бажарилмаганлиги (товарлар белгиланган муддатдан то шу кунгача ҳам етказиб берилмаган) аниқланганлиги сабабли, ишни кўриб чиққан ягона арбитраж жавобгардан арбитраж қарорини имзолаган кундан бошлаб 3 ой муддат ичида ундириш тўғрисида қарор чиқарди.

Арбитраж ҳал қилув қарори жавобгар томонидан ижро этилмаганлиги сабабли, даъвогар жавобгарнинг барча рўйхатдан ўтган мол-мулки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашганлигидан келиб чиққан ҳолда, ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимоснома билан Тошкент шаҳар судига мурожаат қилди. Жавобгар Тошкент шаҳрида жойлашганлиги ва иш иқтисодий судга тегишли бўлганлиги сабабли, Тошкент шаҳар суди ишни Тошкент туманлараро иқтисодий судига юборди.

Суд мажлисида жавобгар тўлов қилиш бўйича шартнома шартлари даъвогар томонидан амалга оширилмаганлиги муносабати билан, 15.05.2019 йилдаги №15-04-сонли шартнома орқали даъвогар билан унга юкланган мажбуриятлар бажарилмаганлигини

важ қилиб, Тошкент туманлараро иқтисодий судидан Сингапур Халқаро арбитраж маркази ҳал қилув қарорини мажбурий тарзда ижро этишни рад этиш илтимосномаси билан иштирок этди. Жавобгар, даъвогар банк ўтказмаси орқали товарлар учун тўловни тўлиқ амалга оширмагунига қадар, товарлар жўнатилишининг имкони бўлмаганлиги тўғрисида далилларни тақдим этди.

Тошкент туманлараро иқтисодий суди илтимосномани кўриб чиқиб, Сингапур Халқаро арбитраж маркази ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни рад этди.

Суднинг ушбу қарори нотўғри ҳисобланади. Чет эл арбитраж ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш бўйича масалалар “Чет эл арбитражлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида”ги Конвенцияга (Нью-Йорк, 1958 йил 10 июнь) мувофиқ кўриб чиқилади.

Тан олиш ва ижрога қаратишни рад этиш фақат Конвенциянинг 5-моддасида кўрсатилган ҳолатлардагина мумкин. Бундай шартлар мавжуд бўлмаган тақдирда, ҳорижий арбитраж ҳал қилув қарори ижро этилиши шарт. Шунингдек, ИПҚнинг 254-моддаси 4-қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий суди ишни кўришида чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишига ҳақли эмас. Суд ўз ваколати доирасидан четга чиққанлигидан келиб чиққан ҳолда, ижрога қаратишни рад этиш тўғрисидаги ажрим нотўғри ҳисобланади.

Казус -8

Қозоғистон Республикаси Туркистон вилояти ихтисослаштирилган туманлараро иқтисодий суди “А”нинг “Б”га нисбатан “А”нинг фойдасига 10 907 262 тенге миқдорида асосий қарзни ундириш ҳамда, 327 128 тенге миқдорида давлат божини тўлаш бўйича ҳаражатларни қоплаш тўғрисидаги даъвосини кўриб чиқди. Натижада даъвогар фойдасига 10 907 262 тенге миқдорида асосий қарзни ундириш ҳамда, 327 128 тенге миқдорида давлат божини тўлаш бўйича ҳаражатларни қоплаш тўғрисида қарор

чиқарди. Мазкур ҳал қилув қарори жавобгар томонидан ихтиёрий равишда ижро этилмаганлиги туфайли, 1992 йил 20 мартдаги (Киев битими) “Хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида”ги Битимига мувофиқ, ундирувчи юқорида кўрсатилган суд қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ариза билан Тошкент шаҳар судига мурожаат килди. Тошкент шаҳар суди жавобгар Тошкент шаҳрида жойлашганлиги сабабли, ишни Тошкент туманлараро иқтисодий судига юборди. Бироқ, Тошкент туманлараро иқтисодий суди ариза, шунингдек, унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, аризани қаноатлантирмасдан қайтариш тўғрисида ажрим чиқарган. Ажримда, суд аризага илова қилинган ҳужжатлар рўйхатида Тошкент туманлараро иқтисодий судига чет давлат судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризанинг кўчирма нусхаси қарздорга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат киритилмаганлигини таъкидлаган.

Савол: ушбу ўринда Тошкент туманлараро иқтисодий судининг аризани қаноатлантирмасдан қайтариш тўғрисида ажрим чиқариши тўғрими?

Жавоб: ушбу ўринда Тошкент туманлараро иқтисодий судининг Ажрими тўғри чиқарилган.

Сабаби, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 253-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий суди чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризани иш юритишига қабул қилиш ҳақидаги масалани ҳал этишда, у ушбу Кодекс 249 — 252-моддаларининг талаблари бузилган ҳолда тақдим этилганлигини аниқласа, ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўз ажрими билан қайтарди. 251-моддада Чет давлат судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризага илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати келтирилган:

Жумладан,

1) аризачи тан олиш ва ижрога қаратишни сўраётган чет давлат судининг ҳал қилув қарори ёки унинг чет давлатнинг ёки

Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаси;

2) агар ҳал қилув қарори матнининг ўзида кўрсатилмаган бўлса, ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кирганлигини тасдиқловчи расмий ҳужжат;

3) ҳал қилув қарори қисман ижро этилганлиги тўғрисидаги ҳужжат, агар у тегишли чет давлат ҳудудида илгари ижро этилган бўлса;

4) ўзига қарши ҳал қилув қарори қабул қилинган ва суд процессида иштирок этмаган тараф ишни кўриш вақти ҳамда жойи тўғрисида ўз вақтида ва тегишли тартибда хабардор қилинганлигини англатувчи ҳужжат;

5) вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи ишончнома ёки бошқа ҳужжат;

6) чет давлат судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризанинг кўчирма нусхаси қарздорга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

7) агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божси ҳамда почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

8) агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу модданинг 1 — 5-бандларида кўрсатилган ҳужжатларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган давлат тилидаги таржимаси.

Казус -9

Польша Савдо-саноат палатаси Арбитраж судининг 2019 йил 24 майдаги ҳал қилув қарори билан, 22.09.2017 йилдаги №884-сонли олди-сотди шартномаси лозим даражада бажармаганлиги сабабли, етказилган 29 840 АҚШ доллари миқдоридаги зарарни жавобгар “Б”дан (Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган юридик шахс) даъвогар “А” (Польша ҳудудида

рўйхатдан ўтган юридик шахс) фойдасига ундириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ушбу ҳал қилув қарори жавобгар томонидан ихтиёрий равишда қаноатлантирилмаганлиги туфайли, даъвогар Польша Савдо-саноат палатаси Арбитраж судининг ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ариза билан Тошкент шаҳар судига мурожаат қилган.

Тошкент шаҳар суди судьяси ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, аризага илова қилинган Польша Савдо-саноат палатаси Арбитраж судининг ҳал қилув қароридан ушбу иш 2017 йил 17 апрель куни соат 10 да суд муҳокама-сида кўриб чиқиш учун тайинланганлигини аниқлади.

Польша Савдо-саноат палатаси Арбитраж судининг ҳал қилув қарорининг резолюция қисми 2018 йил 26 март куни эълон қилинган, ҳал қилув қарорининг тўлиқ матни 2018 йил 24 май куни ишлаб чиқилган. 2018 йил 26 мартдаги ҳал қилув қарорининг резолюция қисмида жавобгар арбитраж муҳокамаси тўғрисида хабардор қилинмаганлиги таъкидланган. Суд, “Чет эл арбитражлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида”ги Конвенциянинг (Нью-Йорк конвенцияси) 5-моддаси “b” бандига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 256-моддаси 2-бандига амал қилган ҳолда, арбитраж муҳокамаси 2018 йил 26 март кунига тайинланганлиги ҳақида жавобгар хабардор қилинмаганлиги туфайли, Польша Савдо-саноат палатаси Арбитраж судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни рад этиш тўғрисида Ажрим чиқарди.

ИПҚнинг 256-моддасига асосан, чет эл арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни рад қилиш учун асослар қуйидагилар ҳисобланади:

1) арбитраж битимининг тарафлари ўзларига нисбатан қўлланиладиган қонун бўйича қайсидир даражада муомалага лаёқатсиз бўлганлигини ёки арбитраж битимини

унинг тарафлари қайси қонунга бўйсундирган бўлсалар, ўша қонун бўйича, бундай кўрсатма мавжуд бўлмаганда эса — ҳал қилув қарори чиқарилган мамлакатнинг қонуни бўйича ҳақиқий эмаслигини;

2) ҳал қилув қарори ўзига қарши қаратилган тараф арбитр тайинланганлиги тўғрисида ёки арбитраж муҳокамаси тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмаганлигини ёки бошқа сабабларга кўра ўз тушунтиришларини тақдим эта олмаганлигини;

3) арбитраж битими ёки арбитраж ҳақидаги шартнома шартида назарда тутилмаган ёки уларнинг шартига тегишли бўлмаган низо бўйича ҳал қилув қарори чиқарилганлигини ёхуд арбитраж битими ёки арбитраж ҳақидаги шартнома шартидан ташқари чиқадиган масалалар бўйича қарор мавжудлигини, бундан арбитраж битими ёки арбитраж ҳақидаги шартнома шарти доирасидаги масалалар бўйича қарорлар қамраб олинмаган масалалар бўйича қарорлардан ажратиб олиниши мумкин бўлган ҳоллар мустасно;

4) арбитраж органининг таркиби ёки арбитраж процесси тарафларнинг келишувига мувофиқ келмаганлигини ёки бундай шарт бўлмаса, арбитраж бўлиб ўтган мамлакат қонунига мос келмаганлигини;

5) ҳал қилув қарори тарафлар учун яқуний бўлмаганлигини ёки у қабул қилинган ва қонуни қўлланилаётган давлатнинг ваколатли органи томонидан бекор қилинганлигини ёхуд ижроси тўхтатилганлигини;

6) низо ваколатли бўлмаган чет давлат арбитражи томонидан ҳал этилганлигини тасдиқловчи далилларни тақдим этса.

Шунингдек чет эл арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш қўйидаги ҳолларда рад қилиниши мумкин, агар:

1) низо объекти Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича арбитраж муҳокамасининг предмети бўла олмаса;

2) ушбу ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижро этиш Ўзбекистон Республикасининг оммавий тартибига зид бўлса ёки унга таҳдид солса;

3) чет эл арбитражининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш муддати ўтган бўлса.

Шунингдек Нью-Йорк конвенциясининг 5-моддаси биринчи қисм b-бандида суд қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш, фақатгина ўзига қарши қарор чиқарилган томоннинг илтимосига кўра, агар у қарорни тан олиш ва ижро этиш сўралган жойдаги ваколатли органга арбитраж ёки ҳакамлик судясининг тайинланганлиги тўғрисида қарор қабул қилинган томон тегишли тарзда хабардор қилинмаган ёки бошқача тарзда тушунтириш бера олмаганлиги, ёхуд қарор тарафлар учун ҳали яқуний кучга эга бўлмаган ёки у қабул қилинган мамлакатнинг ёки қонуни қўлланиладиган давлатнинг ваколатли органи томонидан бекор қилинган ёки тўхтатиб қўйилганлиги каби далилларни тақдим этган тақдирдагина рад этилиши мумкин.

Ушбу ишда жавобгар Польша Савдо-саноат палатаси Арбитраж судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни рад этиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилмаган. Бундан келиб чиқадики, суд ўз ташаббуси билан Арбитраж судининг ҳал қилув қарорини ижрога қаратишни рад этишга ҳақли эмас эди. Яъни, ушбу ўринда суд нотўғри Ажрим чиқарган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, судга жавобгар томонидан тегишли далиллар билан ариза келиб тушган тақдирдагина, суд жавобгарга арбитраж муҳокамаси тўғрисида хабар берилганлигини текширишга ҳақли эди.

Казус-1

Фуқаро Д.Жўраев маъмурий судга мурожаат қилиб 2020 йил 1 апрель куни АҚШ давлатидан Ўзбекистонга қайтганини, аэропортда Миллий гвардия ходимлари томонида автобусларга ўтказилиб, Тошкент вилояти Ўртасарой карантин марказига жойлаштирилгани, Д.Жўраев изоляция қоидаларини уйида амалга оширишини сўраб уни изолятордан қўйиб юборишини сўрагани, унга рад жавоби берилгани, Миллий гвардия ходимлари Д.Жўраевни изоляторда ғайри-ихтиёри ушлаб туришгани бунга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 мартдаги 176-сон қарори билан тасдиқланган “Корона-вирус инфекцияси аниқланганда (гумон қилинганда) бажариладиган профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш тартиби тўғрисида НИЗОМ” қоидаларини асос сифатида кўрсатишган. Д.Жўраевнинг фикрича низом қоидалари “Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактининг 8-модда 2-қисмига яъни “ҳеч ким эрксиз ҳолатда сақланмаслиги керак”лиги қоидаларига зидлигини ва шу асосида карантин марказларида фуқароларнинг ихтиёрига зид равишда ушлаб туришни ноқонуний деб топишни сўраган.

Казус-2

Аризачи маъмурий судга мурожаат қилиб Пенсия жамғармаси бўлимининг ногиронлик пенсиясини белгилашни рад қилиш тўғрисидаги қарорини ноқонуний деб топишни сўраган. Иш материалларидан аниқланишича жавобгар – Пенсия жамғармаси бўлимига аризачи томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 13 октябрдаги 592-сон қарорига 1-Илова билан тасдиқланган “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом”нинг 15-бандида кўрсатилган талаблар бўйича Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий

хизматларни ривожлантириш агентлигининг тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг ногиронлик тўғрисидаги маълумотномани тақдим этилмагани аниқланган. Даъвогар судда 1990 йилда Москва қўғирчоқ фабрикасида ишлаш жараёнидан бахтсиз ҳодиса туфайли ногирон бўлиб қолгани, Москва шаҳрида жойлашган тиббий меҳнат экспертиза комиссияси томонидан унинг ногиронлиги тўғрисида маълумотнома берилгани, Пенсия жамғармаси бўлими эса, ногиронлик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси маълумотномасини тақдим қилишни талаб қилганини маълум қилди. Аризачининг фикрича, “Ходимнинг меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллиги ёки меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғига бошқача тарзда етказилган зарарни қоплашга бўлган ҳуқуқларини ўзаро тан олиш тўғрисида”ги Ўзбекистон ва Москва ўртасида 1994 йил 9 сентябрда имзоланган Битимнинг 5-моддасига кўра тиббий меҳнат экспертиза комиссияси маълумотномаси Ўзбекистон Республикасида тан олиниши ва аризачи ўзининг ногиронлигини исботлаш учун қайта текширувдан ўтиши шарт эмаслигини маълум қилди.

Казус-3

Хитой Халқ Республикаси фуқароси Чан Ма маъмурий судга мурожаат қилиб, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Консуллик-ҳуқуқ департаменти томонидан унга нисбатан никоҳдан ажрашганлик тўғрисидаги гувоҳномани легаллаштириш учун 15 АҚШ доллари миқдоридаги консуллик йиғимини тўлаш талабини ноқонуний деб топишни сўраган. Суд мажлисида Чан Ма 2015 йилда Ўзбекистон Республикаси фуқароси билан Яккасарой ФХДЁ органида никоҳдан ўтгани, 2018 йилда никоҳдан ажрашгани, бу тўғрисида гувоҳномаси берилгани, ҳозирда ўз юртида хитой фуқароси билан никоҳдан ўтмоқчилиги, бунинг учун никоҳдан ажрашганлик тўғрисидаги гувоҳномани легаллаштириб Хитой расмийларига тақдим қилиши лозимли-

ги, Хитой “Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенция”га аъзо бўлмагани сабабли апостиль қўйишнинг имкони йўқлигини, ҳужжат консуллик легаллаштиришини талаб қилишини, шунинг билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси “Фуқаролик процесси масалалари тўғрисида”ги Гаага Конвенциясига (1954 йил) аъзолиги, ушбу Конвенциянинг 25-бандига кўра ниқоҳланиш учун зарур ҳужжатлар текин легализация қилиниши белгилангани маълум қилди.

Жавобгар вакили консуллик тўлови Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2021 йил 25 февралдаги 61-сон ва Молия вазирлигининг 2021 йил 16 февралдаги 10-сон қарорига ИЛОВА билан тасдиқланган “Консуллик ҳаракатларини бажариш билан боғлиқ ҳақиқий ҳаражатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундириш ва келиб тушган пул маблағларидан фойдаланиш ҳамда консуллик йиғимлари тарифини АҚШ доллари курсига нисбатан қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги” Низомнинг 4-бандига асосан ундирилишини маълум қилди.

Казус-4

Аризачи Ж.Беков маъмурий судга мурожаат қилиб Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига Ж.Бековни Тошкент давлат юридик университетида талаба сифатида қабул қилиш мажбуриятини юклашни сўраб мурожаат қилган. Жавобгар вакилининг тушунтиришига кўра, аризачи Ж.Беков Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига мурожаат қилиб уни Тошкент давлат юридик университетида имтиёзли асосда, имтиҳон синовларини топширмаган ҳолда талаба сифатида қабул қилиниши сўраган. “Олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 12-банди 7-хатбошига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида

белгиланган тартибда имтиёзга эга бўлган абитуриентлар қаторига кирмаслиги сабабли Ж.Бековга рад жавоби берилганини маълум қилди. Аризачи Ж.Беков ушбу фикрларга эътироз билдирган ҳолда 1988-1989 йилларда СССР ДХҚ (КГБ)га хизмат кўрсатувчи ҳодим – ошпаз сифатида Афғонистон ҳудудида фаолият юритгани, “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ногиронлари, бошқа давлатлар ҳудудида олиб борилган жанговар ҳаракатлар қатнашчилари, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларига имтиёзлар ҳамда кафолатларни ўзаро тан олиш тўғрисида”ги Битимнинг 2-илоvasи 6.7.7.-бандига кўра олий ўқув муассасасига имтиҳонсиз кириш ҳуқуқи борлигини маълум қилди.

Казус-5

Туман ҳокимининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги маъмурий суд ишида аризачи – чет эл юридик шахсининг вакили ишончнома асосида иштирок этмоқда. Судья ишончномада апостиль ёки консуллик легализацияси тўғрисида маълумот йўқлиги сабабли ишончномани легаллаштириш лозимлигини билдирди. Аризачи вакили Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексида легаллаштириш талаби фақатгина ёзма далилларга қўйилгани, ишончнома маъмурий ишда далил сифатида эмас, балки ваколатни белгиловчи ҳужжат сифатида таснифланиши лозимлиги, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 1182-моддасига кўра, ишончноманинг шакли ва амал қилиш муддати ишончнома берилган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича белгиланиши, ишончнома Германия юридик шахси томонидан берилганини, Германия ҳуқуқи бўйича ишончнома расмий ҳужжат ҳисобланмаслигини, “Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи” Гаага Конвенциясида фақатгина расмий ҳужжатларга апостиль қўйилиши, ушбу ҳолатда ишончнома расмий ҳужжат бўлмаганлиги сабабли ишончномани легаллаштириш шарт бўлмаслигини маълум қилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ СОҲАСИДАГИ ИККИ ТОМОНЛА- МА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ РЎЙХАТИ

№	Шартнома тузилган давлат	Шартнома номи	Имзоланган жой	Имзоланган сана	Кучга кирган сана
1	Республика Беларусь	Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Беларусь Республикаси Ҳукумати ўртасида ҳуқуқий ахборот алмашиш тўғрисида Битим	Минск	13 август 2001 йил	13 август 2001 йил
2	Тожикистон Республикаси	Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Тожикистон Республикаси Ҳукумати ўртасида ҳуқуқий ахборот алмашинуви тўғрисида Битим	Душанбе	15 июнь 2000 йил	15 июнь 2000 йил
3	Грузия	Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Грузия Республикаси Ижроия ҳокимияти ўртасидаги ҳуқуқий ахборот алмашинуви тўғрисида Битим	Тошкент	3 февраль 2000 йил	30 июль 2001 йил
4	Молдова Республикаси	Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Молдова Республикаси Ҳукумати ўртасида ҳуқуқий ахборот алмашиш тўғрисида Битим	Тошкент	17 декабрь 1998 йил	30 июнь 1999 йил
5	Россия Федерацияси	Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида ҳуқуқий ахборот айирбошлаш тўғрисида Битим	Москва	6 май 1998 йил	6 май 1998 йил

6	Озарбайжон Республи- каси	Ўзбекистон Республикаси Ҳу- кумати ва Озарбай- жон Республикаси Ҳукумати ўртасида хукукий ахборот- ларни алмашиш тўғрисида Битим	Тошкент	18 июнь 1997 йил	11 июль 1997 йил
7	Қозоғистон Республи- каси	Ўзбекистон Республикаси Ҳуку- мати ва Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида хукукий ахборот- ни айирбошлаш тўғрисида Битим	Олмаота шаҳри	2 июнь 1997 йил	2 июнь 1997 йил
8	Қирғизистон Республи- каси	Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ўртасида хукукий ахборот- ни айирбошлаш тўғрисида Битим	Тошкент	25 декабрь 1996 йил	25 декабрь 1996 йил
9	Туркманистон Республикаси	Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркманистон Ҳукумати ўртасида хукукий ахбо- ротлар алмашиш тўғрисида Битим	Тошкент	27 ноябрь 1996 йил	27 ноябрь 1996 йил
10	Туркманистон Республикаси	Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўр- тасида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар- ни жазо ўташни давом эттириш учун топшириш тўғриси- да шартнома	Тошкент	25 февраль 2009 йил	18 апрель 2010 йил

11	Болгария Республи- каси	Ўзбекистон Республикаси билан Болгария Республи- каси ўртасида тутиб топшириш тўғриси- да шартнома	София	24 ноябрь 2003 йил	11 ноябрь 2004 йил
12	Болгария Республи- каси	Ўзбекистон Республи- каси билан Болгария Республикаси ўртаси- да фуқаролик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома	София	24 ноябрь 2003 йил	11 ноябрь 2004 йил
13	Республика Болгария	Ўзбекистон Республикаси билан Болгария Респуб- ликаси ўртасида жиноий ишлар бўй- ича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома	София	24 ноябрь 2003 йил	11 ноябрь 2004 йил
14	Чехия Республи- каси	Ўзбекистон Республикаси билан Чехия Республикаси ўртасида фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёр- дам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғри- сидаги шартнома	Тошкент	18 январь 2002 йил	1 декабрь 2003 йил
15	Покистон Ислом Республи- каси	Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси ўр- тасида экстрадиция тўғрисида шартнома	Исломабод	25 январь 2001 йил	5 апрель 2002 йил
16	Тожикистон Республи- каси	Ўзбекистон Респуб- ликаси билан Тожи- кистон Респуб- ликаси ўртасида тутиб топшириш тўғрисида шартнома	Душанбе	15 июнь 2000 йил	28 март 2001 йил

17	Ҳиндистон Республи- каси	Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Респуб- ликаси ўртасида жиноий ишлар бўй- ича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома	Дели	2 май 2000 йил	17 апрель 2001 йил
18	Хитой Халқ Республи- каси	Ўзбекистон Рес- публикаси билан Хитой Халқ Респу- бликаси ўртасида экстрадиция тўғри- сида шартнома	Пекин	8 ноябрь 1999 йил	29 сен- тябрь 2000 йил
19	Украина	Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасида озодликдан маҳрум этилган шахсларни жазони ўташни да- вом эттириш учун ўтказиш тўғрисида шартнома	Киев	19 фев- раль 1998 йил	20 июнь 1999 йил
20	Украина	Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасида фуқаролик ва оила- вий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий му- носабатлар тўғри- сидаги шартнома	Киев	19 фев- раль 1998 йил	19 июнь 1999 йил
21	Хитой Халқ Республи- каси	Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўр- тасида фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартнома	Пекин	11 де- кабрь 1997 йил	29 август 1998 йил

22	Озарбайжон Республикаси	Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасида озодликдан маҳрум этилган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун ўтказиш тўғрисида шартнома	Тошкент	18 июнь 1997 йил	15 июнь 1998 йил
23	Озарбайжон Республикаси	Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги шартнома	Тошкент	18 июнь 1997 йил	15 июнь 1998 йил
24	Қозоғистон Республикаси	Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги шартнома	Олмаота	2 июнь 1997 йил	30 октябрь 1998 йил
25	Литва Республикаси	Ўзбекистон Республикаси ва Литва Республикаси ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги шартнома	Тошкент	20 февраль 1997 йил	10 июль 1998 йил

26	Қирғизистон Республи- каси	Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўр- тасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ўза- ро ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий му- носабатлар тўғри- сидаги шартнома	Тошкент	24 де- кабрь 1996 йил	30 но- ябрь 1998 йил
27	Туркма- нистон Республи- каси	Ўзбекистон Респуб- ликаси ва Туркма- нистон Респуб- ликаси ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёр- дам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғри- сидаги шартнома	Тошкент	27 но- ябрь 1996 йил	21 июль 1998 йил
28	Грузия	Ўзбекистон Республикаси ва Гру- зия ўртасида ҳукм қилинган шахслар- нинг жазони ўзлари фуқаролари бўлган давлатда ўташлари учун ўтказиш тўғри- сида шартнома	Тбилиси	28 май 1996 йил	23 апрель 1997 йил
29	Грузия	Ўзбекистон Республикаси ва Грузия ўртаси- да фуқаролик, оилавий ва жино- ий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий му- носабатлар тўғри- сидаги шартнома	Тбилиси	28 май 1996 йил	22 июнь 1997 йил

30	Латвия Республи- каси	Ўзбекистон Респу- бликаси ва Латвия Республикаси ўртасида фуқаро- лик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёр- дам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғри- сидаги шартнома	Тошкент	23 май 1996 йил	11 апрель 1997 йил
31	Туркия Жумҳури- яти	Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Жумҳурияти ўртасидаги фуқа- ролик, савдо ва жи- ноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида- ги шартнома	Анқара	23 июнь 1994 йил	19 де- кабрь 1997 йил
32	Корея Республи- каси	Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республика- си ўртасидаги фуқа- ролик ва хўжалик ишлари бўйича ўза- ро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғриси- даги шартнома	Сеул	3 апрель 2012 йил	4 апрель 2013 йил
33	Корея Республи- каси	Ўзбекистон Респу- бликаси ва Корея Республикаси ўр- тасидаги жиноий ишлар бўйича ўза- ро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғриси- даги шартнома	Сеул	25 апрель 2003 йил	29 июнь 2003 йил
34	Қозоғистон Республи- каси	Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Респу- бликаси ўртасида ноқонуний мигра- цияга қарши кура- шишда ҳамкорлик тўғрисида Битим	Тошкент	15 апрель 2019 йил	22 май 2022 йил

35	Туркия Жумҳури- яти	Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Жумҳурияти ўрта- сида экстрадиция тўғрисида Битим	Тошкент	30 апрель 2018 йил	3 июль 2018 йил
36	Афғони- стон Ислом Республи- каси	Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислом Республикаси ўр- тасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ўза- ро ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий му- носабатлар тўғри- сидаги шартнома	Тошкент	5 декабрь 2017 йил	7 август 2019 йил
37	Афғони- стон Ислом Республи- каси	Ўзбекистон Республикаси би- лан Афғонистон Ислом Республи- каси ўртасида тутиб топшириш тўғрисида шарт- нома	Тошкент	17 ок- тябрь 2016 йил	7 август 2019 йил
38	Бирлашган Араб Амир- ликлари	Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида маҳкум- ларни топшириш тўғрисидаги шарт- нома	Абу Даби	11 ноябрь 2014 йил	21 де- кабрь 2015 йил
39	Бирлашган Араб Амир- ликлари	Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида тутиб топшириш тўғри- сида шартнома	Абу Даби	11 ноябрь 2014 йил	25 май 2015 йил

40	Корея Республи- каси	Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республика- си ўртасида тутиб топшириш тўғри- сида шартнома	Сеул	25 апрель 2003 йил	23 но- ябрь 2004 йил
41	Америка Қўшма Штатлари	Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Америка Қўшма Штатлари Ҳуку- мати ўртасида шахсларни халқаро жиноят судига бериш тўғрисида Битим	Вашингтон	18 сен- тябрь 2002 йил	11 фев- раль 2003 йил
42	Эрон Ислом Республи- каси	Ўзбекистон Респуб- ликаси ва Эрон Ислом Республика- си ўртасида тутиб топшириш тўғриси- да шартнома	Эрон	11 июнь 2000 йил	18 июль 2003 йил
43	Ҳиндистон Республи- каси	Ўзбекистон Респуб- ликаси ва Ҳиндис- тон Республикаси ўртасида тутиб топ- шириш тўғрисида шартнома	Дели	2 май 2000 йил	22 май 2002 йил
44	Бирлашган Араб Амир- ликлари	Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида уюшган жиноятчилик, тер- роризм ва жиноят- нинг бошқа хавфли турларига қарши курашиш бўйича ҳамкорлик тўғри- сидаги Битим	Абу Даби	17 март 2008 йил	16 сен- тябрь 2008 йил

45	Бирлашган Араб Амирликлари	Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги шартнома	Абу Даби	11 ноябрь 2014 йил	15 май 2015 йил
46	Покистон Ислом Республикаси	Ўзбекистон Республикаси ва Покистон Ислом Республикаси ўртасида жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги шартнома	Тошкент	14 март 2007 йил	1 декабрь 2007 йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ИККИ ТОМОНЛАМА СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ АМАЛДАГИ ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР

№	Давлат	Ҳужжат номи	Имзоланган сана	Кучга кирган сана
1	Австрия Республикаси	Ўзбекистон Республикаси билан Австрия Республикаси ўртасидаги Икки ёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш ҳамда даромад ва мол-мулк солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф қилиш тўғрисида Конвенция	14.06.2000	01.08.2001

2	Озарбайжон Республи- каси	Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Озарбайжон Республикаси Ҳукумати ўрта- сидаги Икки томонлама солиқ солишга йўл қўймаслик ҳамда даромад (фойда)га ва мулкка солиқлар тўлашдан бўйин товлашларнинг олдини олиш тўғрисида Битим	27.05.1996	02.11.1996
3	Баҳрайн Қиролиги	Ўзбекистон Республика- си Ҳукумати билан Баҳрайн Қиролиги Ҳукумати ўртасида икки ёқлама солиқ солишга йўл қўймаслик ҳамда даро- мад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисида Битим	05.06.2009	14.10.2010
4	Беларусь Республи- каси	Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Беларусь Республикаси Ҳукумати ўр- тасида икки томонлама солиқ солинишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва мол-мулк- ка солинадиган солиқларни тўлашдан бош тортиш ҳолат- лари олдини олиш тўғрисида Битим	22.12.1994	11.01.1997

Организация Объединенных Наций

ГЛАВНЫЕ ОРГАНЫ ООН

Вспомогательные органы

- Палаты комитеты
- Комитет по международному праву
- Комитет по разоружению
- Образовательная, научная и культурная группа (ЮНЕСКО)
- Политический комитет
- Специальные органы
- Свет по правам человека

ГЕНЕРАЛЬНАЯ АССАМБЛЕЯ

СОВЕТ БЕЗОПАСНОСТИ

Вспомогательные органы

- Комитет по санкциям (специальный)
- Комитет по военным преступлениям
- Международный уголовный трибунал

ЭКОНОМИЧЕСКИЙ И СОЦИАЛЬНЫЙ СОВЕТ

Функциональные комиссии

- Натуральные ресурсы
- Население и развитие
- Наука и техника в целях развития
- Предупреждение преступности и уголовное правосудие
- Политическое развитие
- Социальное развитие
- Статистика
- Борьба ООН по лесам

СЕКРЕТАРИАТ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ СУД

СОВЕТ ПО ОПЕКЕ*

Обучение и научные исследования

- КТООН - Комитет по вопросам культуры
- УООН - Университет ООН
- ЮНИДП - Институт ООН по исследованию проблем развития
- ЮНИПА - Учебная и научно-исследовательская институт ООН

Другие организации ООН

- БАПОР - Бюджетное агентство ООН для помощи развивающимся странам
- ООН-ЮНИСКО - Структура ООН по вопросам начального, среднего и высшего образования
- УНВКП - Управление по вопросам беженцев
- ЦМТ - Центр по международному труду (ООН/ВТО)
- ЮНКТАД - Конференция ООН по торговле и развитию
- ЮНОПС - Управление ООН по обслуживанию проектов

- Операции по поддержанию мира
- Политические миссии
- Постоянные комитеты и специальные органы

Другие органы*

- ГРУПОНА - Группа экспертов по глобальному управлению геопространственной информацией
- ГЭГНООН - Группа экспертов ООН по географическим названиям
- Комитет по негражданским организациям
- Комитет по политике в области развития
- Комитет экспертов по космическому управлению
- Постоянные форумы по вопросам коренных народов
- ЮНЕМД - Объединенная программа ООН по ВЧНС/ПЧУ

Обучение и научные исследования

- ЮНИКИ - Международное научно-исследовательское учреждение по вопросам культуры и искусства
- ЮНИСКО - Организация Объединенных Наций по вопросам образования, науки и культуры

УКР - Управление по координации деятельности в целях развития

- УПВ - Управление по правам человека
- УСВН - Управление служб внутреннего надзора
- УСВ - Управление ООН по снижению риска бедствий
- ЮНОВ - Управление ООН в Вене
- ОПВ - Управление ООН в Женеве
- ЮНОДК - Управление ООН по наркотикам и преступности
- ЮНОДП - Управление ООН по вопросам развития
- ЮНОП - Бюро ООН по вопросам партнерства

Связанные с ООН органы

- ВТО - Всемирная торговая организация
- МАГАТЭ - Международное агентство по атомной энергии
- МОМ - Международная организация по миграции
- МОМД - Международная организация по вопросам труда
- МТПП - Международная торговая по морскому праву
- ОЗХО - Организация по запрещению химического оружия
- МУС - Международный уголовный суд
- Подготовительная комиссия Организации по Договору о всеобъемлющем запрещении ядерных испытаний

Комиссия по миростроительству

- ПОВУ - Политический форум высокого уровня по устойчивому развитию

Специализированные учреждения*

- ВМО - Всемирная метеорологическая организация
- ВОЗ - Всемирная организация здравоохранения
- ВОИС - Всемирная организация интеллектуальной собственности
- ВПС - Всемирный почтовый союз
- МАР - Международная ассоциация рынков
- МЕР - Международная ассоциация реконструкции и развития
- ЮНВО - Всемирная туристская организация
- ЮНЕСКО - Организация Объединенных Наций по вопросам образования, науки и культуры
- ЮНОД - Организация Объединенных Наций по управлению развитием

Примечания:

- Члены Корпуса миротворческих сил Организации Объединенных Наций (КПВ).
- Члены Корпуса наблюдателей Организации Объединенных Наций (КОН).
- МАТЭ - 12300 наблюдателей (Секретариат Организации Объединенных Наций).
- ВТО не является частью Организации Объединенных Наций, но сотрудничает с ней в работе.
- ЮНЕСКО - 195 государств-членов.
- ООН по вопросам беженцев (УВКП) не является частью Организации Объединенных Наций.
- ЮНОДП - 195 государств-членов.
- ЮНОДК - 195 государств-членов.
- ЮНОП - 195 государств-членов.
- ЮНОП - 195 государств-членов.

Данная организационная структура ООН и подразделения являются только для информации. Она включает не все подразделения и структуры системы ООН.

АББРЕВИАТУРА (ҚИСҚАРТМАЛАР)

- БМТ** – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.
- БИМТ** – Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти.
- БМТТД** – БМТнинг Тараққиёт дастури./ **UNDP** – United Nations Development Programme.
- РХЖТ** – Руанда бўйича Халқаро жиноий трибунали.
- ХОСДП** – Халқаро одил судлов доимий палатаси.
- ХЖС** – Халқаро жиноят суди.
- ХХТ** – Халқаро ҳарбий трибунал.
- ХМТ** – Халқаро меҳнат ташкилоти.
- ЭКОСОС** – Экономический и Социальный Совет./ Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш.
- ЮНЕСКО** – БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти.
- РСА** – Permanent Court of Arbitration./ Доимий арбитраж суди
- SIAC** – Singapore International Arbitration Centre./ Сингапур халқаро арбитраж маркази.
- ICC** – International Chamber of Commerce./ Халқаро савдо палатаси.
- ICSID** – International Centre for Settlement of Investment Disputes./ Инвестицион низоларни тартибга солиш бўйича Халқаро марказ.
- LCIA** – The London Court of International Arbitration./ Лондон халқаро арбитраж суди.
- HKIAC** – Hong Kong International Arbitration Centre./ Халқаро Гонконг арбитраж маркази.
- UNICEF** – United Nations International Children’s Emergency Fund. ЮНИСЕФ / БМТнинг Болалар фонди.
- UNEP** – United Nations Environment Programme./ БМТнинг Атроф муҳит бўйича дастури–ЮНЕП.
- WIPO** – World Intellectual Property Organization./ Бутунжаҳон Интеллектуал мулк ташкилоти.
- WHO** – World Health Organization./ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти.
- FAO** – Food and Agriculture Organization./ БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ташкилоти

Асосий тушунчалар:

Вето – биронта орган, ташкилот қонуни ёки қарорининг кучга киришини тўхтатиш ёки кучга киришига йўл қўймаслик ҳукуқи. Давлат бошлиғи қонун чиқарувчи парламент, олий мажлис қабул қилган қонунлар бўйича Вето ҳукуқига эга. Мутлақ Вето.— давлат бошлиғининг парламент қабул қилган қонунни узил-кесил рад қилиш ҳукуқи; нисбий Вето.— давлат бошлиғининг қонун кучга киришини фақат тўхтатиб қўядиган рад жавоби; бунда парламентга мазкур қонунни 2-марта овозга қўйиш билан қабул қилиш ҳукуқи берилади; умумий Вето.— бутун ҳужжатни яхлит ҳолда рад этиш имкони; қисман Вето.— бирон-бир ҳужжатнинг айрим қисмлари ёки моддасигина рад қилиниши. Баъзан парламентнинг юқори палатаси ҳам қуйи палатанинг қарорини тақиқлашда Вето ҳукуқидан фойдаланади. Халқаро ҳуқуқда: БМТ Низомининг 27-моддасига биноан БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари Вето ҳукуқига эга. Хавфсизлик Кенгашида муҳокама қилинадиган масалалар Кенгаш аъзоларининг бир фикрда бўлишини талаб қилади. Улардан бирортаси муҳокама қилинаётган қарорнинг қабул қилинишига розилик билдирмаса, қарор рад қилинган ҳисобланади.

Доктрина – таълимот, илмий ёки фалсафий назария, сиёсий тизим, бош назарий ёки сиёсий принцип. Халқаро ҳуқуқда таниқли халқаро ҳуқуқшунос олимларнинг тан олинган ишлари, таълимотлари, назариялари ва бошқа асарлари доктрина деб эътироф этилади. Доктрина халқаро ҳуқуқнинг қўшимча манбаи сифатида юритилади.

Денонсация – (франц. *denoncer* — эълон қилиш, узиш), денонсация қилиш — халқаро ҳуқуқда икки томонлама халқаро шартнома амал қилишини тўхтатишнинг ёки кўп томонлама халқаро шартномадан чиқишнинг энг кенг тарқалган усули. Одатда, шартноманинг ўзида назарда тутилган тартиб ва муддатларда амалга оширилади. Денонсацияга оид умумий қоидалар Халқаро шартномалар ҳукуқи тўғрисидаги 1969 й. Вена конвенциясида баён қилинган.

Декларация (лотинча declaration — эълон қилиш, эътироф этиш) мажбурий кучга эга эмас, бу — тавсиялардир. Унда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги асосий принциплар, дастурий қоидалар эътироф этилади. Масалан: 1) бир ёки бир неча ҳукуматлар, сиёсий партиялар, халқаро ёки жамоат ташкилотларининг дастурий ҳужжат, муҳим халқаро воқеа, қонун ва ҳ. к. ни умум эътиборига етказувчи баёноти; умумсиёсий принципларни тантанали равишда эълон қилиш (мас, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Ўзбекистан Республикаси Мустақиллик декларацияси);

2) солиқ тўловчининг даромадлар хусусияти ва миқдори тўғрисида баён қилиши;

3) почта билан мамлакат ташқарисига юбориладиган пул ва қимматбаҳо пакетларга илова қилинадиган ҳужжат;

4) чегарадан ўтувчи шахс ўзида буюмлар, қимматбаҳо нарсалар ва ҳ. к. борлиги ва улар миқдори тўғрисида божхонага топширадиган маълумот (қ. Божхона декларацияси).

Имплементация (халқаро ҳуқуқ имплементацияси) (ингл. implementation «амалга ошириш, бажариш, амалиётга тадбиқ қилиш») — халқаро мажбуриятларни давлатнинг ички уривинида амалга ошириш, ҳамда миллий-ҳуқуқий тизимга халқаро ҳуқуқий нормаларни сингдириш. Имплементациянинг бош талаби – халқаро талабларнинг мақсади ва мазмунига қаттиқ амал қилиш.

Интеграция – (лот. integratio — тиклаш, тўлдириш, integer — бутун сўздан)

1) система ёки организмнинг айрим қисмлари ва функцияларининг ўзаро боғлиқлик ҳолатини ҳамда шундай ҳолатга олиб боровчи жараёни ифодаладиган тушунча;

2) фанларнинг яқинлашиши ва ўзаро алоқа жараёни; дифференциация билан бирга кечади;

3) 2 ва ундан ортиқ давлатларнинг иқтисодиётини ўзаро мувофиқлаштириш ва бирлаштириш (қ. Иқтисодий интеграция).

Императив – (лот. imperativus — буюрувчи) — талаб, буйруқ, қонун. Немис файласуфи Кант «Амалий ақлни танқид»

(1788) асарида Императивни этика тушунчасига киритган. Унга кўра, шахсий принцип (максима)га қарамақарши ўлароқ, Императив ҳаммага мажбурий бўлган **расмий ахлоқ-одоб талабидир**. Императив шартли ва қатъий Императивга бўлинади. Шартли (тахминий) Императив маълум шартшароитлардагина амал қилади, қатъий **И.** — муқаррарлик (бўлиши кераклик)ни ифода этади. У юриштуришда риоя этилиши керак бўлган шакл ва қондани белгилаб беради.

Импичмент (англ. impeachment — ишончсизлик, от лат. impedivi — «тўсқинлик қилмоқ») — бу — давлат мансабдор шахсларини ўз хизмат вазифаларини бажаришда йўл қўйган ноҳўя хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликка тортиш ва лавозимидан четлаштириш учун ўтказиладиган жараён.

Конвенция — латинча conventio — шартнома, келишув. Халқаро шартномаларнинг турли хил кўринишлари. Мас, бирор бир махсус масала юзасидан халқаро келишув бўлиб, одатда у унга қўшилган (имзолаган, ратификация қилган) давлатлар учун мажбурий кучга эга бўлади.

Нота — бир давлат ҳукуматининг бошқа бир давлат ҳукумати га расмий дипломатик мурожаати

Омбудсман — (шведча ombudsman — бирон киши манфатларининг вакили) — турли хил маъмурий органлар, баъзи мамлакатларда эса — шунингдек, хусусий шахслар ва бирлашмаларнинг инсон ҳуқуқларига риоя этишини назорат қилиш учун махсус сайлаб (тайинлаб) қўйиладиган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи мансабдор шахс. Омбудсман назоратни амалга оширади ва прокуратурадан фарқли равишда нафақат қонунийлик, балки шу билан бирга самарадорлик, мақсадга мувофиқлик, адолатпарварлик нуктаи назаридан ҳам текшириш олиб боради. Бу хилдаги мансабдор шахслар ҳар хил ном билан аталади: Скандинавия мамлакатларида — Омбусман; Испания ва Колумбияда — халқ ҳимоячиси; Францияда — воситачи, Руминияда — халқ адвокати ва ш. к. Омбудсман турли йўллар билан сайланиши ёки тайинланиши мумкин. Испанияда у парламент томонидан сайланади, Намибияда президент томонидан,

Францияда — Вазирлар кенгашининг декрети билан тайинланади. Ўзбекистон Республикасида Омбудсман фаолиятининг ҳуқуқий асослари «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари вакили (омбудсман) тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги қонуни (2004 й. 27 авг.)да белгилаб берилган. Мазкур қонунга кўра, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) — мансабдор шахс бўлиб, унга Ўзбекистон Республикасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишининг самарадорлиги устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган. Вакил ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларга тобе бўлмаган тарзда амалга оширади ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисоб беради

Пакт — конвенциянинг ўзи, лекин мазмунан хилма хил. **Пакт** – (лот. pactum — шартнома, битим) — йирик сиёсий аҳамиятга эга халқаро битим ёки халқаро шартномалар номларидан бири.

Ратификация – (лот. ratus — ҳал қилинган, тасдиқланган ва facere — қилмоқ)

1) халқаро шартноманинг давлат ҳокимияти олий органи томонидан тасдиқланиши. Одатда, энг муҳим халқаро шартномаларгина Ратификация қилинади. Кўпчилик давлатларнинг конституциялари халқаро шартномаларни Ратификация қилиш ҳуқуқини давлат бошлиғи ваколатига ёхуд бевосита олий қонун чиқарувчи орган ваколатига киритади; Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ халқаро шартномани ратификация қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан халқаро шартномани ратификация қилиш тўғрисида қонун қабул қилиш орқали амалга оширилади;

2) баъзи мамлакатларда конституцияга киритилган тузатишлар тасдиқланишининг махсус тартиби. Мас, Австралияда конституциядаги ўзгаришлар лойиҳаси парламентда маъқул-

лангандан кейин у мамлакатда ва аксарият штатларда сайловчиларнинг кўпчилиги овози билан референдумда тасдиқланиши талаб қилинади.

Экстрадиция – (лот. — дан га — бериш) — халқаро ҳуқуқда жиноят содир қилган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки унга нисбатан чиқарилган суд ҳукмини ижро этиш учун бир давлатдан иккинчи давлатга бериш. Жиноятчини бериш шартлари ва тартиби халқаро шартнома ва миллий қонунчилик билан белгиланади.

ЭМБАРГО (испанча. — хатга олиш, ман этиш) — давлат томонидан муайян товарлар, хизматлар, валюта ёки бошқа бойликларни мамлакатга келтириш ёки бошқа мамлакатларга олиб кетиш, четга чиқаришни тақиқлаб қўйиш; айрим мамлакатлар ёхуд мамлакатлар гуруҳи билан савдо муносабатларини тўла тақиқлаш; иқтисодий ёки сиёсий, молиявий, илмийтехник тазйиқ воситаси бўлиб, ҳукумат томонидан жорий этилади. БМТ қарорига кўра, БМТ Уставини бузганлиги ёки бошқа ноҳўя ишлари учун жазо чораси тарзида муайян мамлакатларнинг бошқа мамлакатлар билан савдо алоқаларини тўсиб қўйиш ҳам Эмбарго ҳисобланади¹²⁴.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси — битта ҳужжатдан, иккита ёки бир-бири билан боғлиқ бўлган бир нечта ҳужжатдан иборат бўлишидан, шунингдек ўзининг муайян номидан ва тузилиш усулидан (шартнома, битим, конвенция, акт, пакт, баённома, хатлар ёки ноталар алмашинуви ҳамда халқаро шартноманинг бошқача номлари ва тузилиш усуллари) қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси томонидан чет давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъект билан ёзма шаклда тузилган, халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган халқаро келишув¹²⁵.

124. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-e/embargo-uz/>

125. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги ЎРҚ-518-сон қонуни. 4-модда (Асосий тушунчалар). 2019 йил 6 февраль

1. Раҳбарий адабиётлар

1. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: 2021. 464 бет.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони. 2022 йил 28 январь.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони (ПФ-6012-сон. 22.06.2020 й.).

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқи (22.02.2021 й.).

2. Халқаро ҳужжатлар

1.«Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Берн конвенцияси. 1971 йил.

2. Жаҳон Интеллектуал мулк ташкилотининг «Муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартнома»си. 1996 йил.

3. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми ва Халқаро суд Статути. – Т.: БМТнинг Ўзбекистондаги ахборот маркази, 2002. -Б.31-32.

4. БМТ Халқаро суди статути. 38-моддаси. <https://www.un.org/ru/icc/statut.shtml>.

5.«Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги конвенция. 1990 йил декабрь.

6. Бағрикенглик тамойиллари декларацияси. 1995 йил.

7. «Бирлашмалар эркинлиги ва бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 87-конвенция. 1948 йил.

8. «Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисида»ги 182-конвенция. 1999 йил.

9. «Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотини таъсис этиш»ги конвенция. 1970 йил. 1967 йил 14 июль, Стокгольм ва 1979 йил 2 октябрда ўзгартирилган.

10. Жаҳон Интеллектуал мулк ташкилотининг «Ижрочилар ва фонограммалар бўйича Шартнома»си. 1996 йил.

11. «Давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги шартномалар ҳуқуқи тўғрисида»ги Вена Конвенцияси. 1986 йил.

12. «Давлатлар ва ажнабий шахслар ўртасидаги инвестицияга доир низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Конвенция. 1965 йил март. Вашингтон.

13. «Ернинг сунъий йўлдоши орқали узатиладиган дастурларни ташувчи сигналларни тарқатиш тўғрисида»ги Брюссель конвенцияси. 1974 йил.

14. «Жамоавий музокараларни олиб бориш ва бирлашиш ҳуқуқи тўғрисида»ги 98-конвенция. 1949 йил.

15. «Иркий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисида»ги халқаро конвенция. 1965 йил декабрь.

16. «Ирқ ва иркий бидъатлар тўғрисида»ги декларация. 1978 йил.

17. Инсон геноми ва Инсон ҳуқуқлари бўйича универсал декларация. 1997 йил.

18. «Энг кичик ёш тўғрисидаги»ги 138-конвенция. 1973 йил.

19. «Ижрочилар, фонограмма ишлаб чиқарувчилари ва эфир орқали узатувчи ташкилотлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида»ги Женева конвенцияси. 1971 йил.

20. «Икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш ҳақида»ги Мадрид конвенцияси. 1979 йил.

21. «Муаллифлик ҳуқуқи бўйича умумжаҳон конвенцияси». 1952 йил.

22. «Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида»ги 105-конвенция. 1957 йил.

23. «Меҳнат ва иш турлари соҳасидаги камситиш тўғрисида»ги 111-конвенция. 1958 йил.

24. «Мажбурий меҳнат тўғрисида»ги 29-конвенция. 1930 йил.

25. Резолюция Генеральной Ассамблеи «Совет по правам человека» № 60/251 от 15 марта 2006 г. // Док. ООН. A/60/251.

26. Статут Международного суда ООН - <https://www.un.org/ru/iccj/statut.shtml>

27. «Таълим соҳасидаги камситишларга қарши кураш тўғрисида»ги конвенция. 1960 йил.

28. «Тенг ҳақ тўлаш тўғрисида»ги 100-конвенция. 1951 йил.

29. «Тинч океанида баҳсларни ҳал қилиш тўғрисида»ги Гаага конвенцияси. 1899 йил.

30. «Тинч океанида Халқаро низоларни ҳал қилиш тўғрисида»ги Гаага конвенцияси. 1907 йил.

31. «Умумжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги конвенция. 1972 йил.

32. Устав ООН - <https://www.un.org/ru/about-us/un-charter/full-text>

33. «Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Минск конвенцияси. 1993 йил январь.

34. «Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Кишинёв конвенцияси. 2002 йил 7 октябрь.

35. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир факультатив баённома. 8-модда. 1966 йил 16 декабрь, Нью-Йорк.

36. «Фуқаролик процесси масалалари тўғрисида»ги Гаага конвенцияси. 1954 йил.

37. «Халқаро ҳамжихатлик, ҳамкорлик ва тинчлик руҳида ҳамда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш руҳида тарбиялаш тўғрисида»ги тавсия. 1974 йил.

38. Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш акти. 1985 йил.

39. «Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисида»ги Вена конвенцияси 1969 йил.

40. «Қуролли можаро чиққан ҳолда маданий бойликларнинг ҳимоя қилиниши тўғрисида»ги конвенция. 1954 йил.

41. «Қочоқлар мақоми тўғрисида» Конвенция. 1951 йил.

42. «Ҳудудий бошпана тўғрисида»ги Декларация 1967 й.

3. Норматив – ҳуқукий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz>.

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz>.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz>.

4. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz>.

4. Қўшимча адабиётлар

1. В.Т. Батычко. Международное право/Конспект лекций. Таганрог: ТТИ ЮФУ, 2011. // Лекция 14. Право международной безопасности//14.5. Международно-правовые средства разрешения международных споров.

2. И.И.Лукашук, А.Х.Саидов. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари: Дарслик. – Тошкент: «Адолат», 2006.

3. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. /Муаллифлар жамоаси: А.Саидов, Ф.Бакаева, К.Арсланова ва бошқ. Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.: «O'zbekiston», 2010.

4. Мўминов А.Р., Тиллабоев М.А. Инсон ҳуқуқлари: дарслик. – Т.: Адолат, 2013.

5. Малкольм Шоу – Международное право. Учебник./ Cambridge University Press. 2017 г.
6. Саидов А. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. -Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006.
7. Юлдашева Г., Борсиева З., Гафурова Н. Права человека. Учебник. ТГЮУ. 2014.
8. Annuaire de Institute de Droit International.
9. Gary Born – International Commercial Arbitration
10. Daniel Moeckli et al. International Human Rights Law. Oxford Univ. Press 2018.
11. Доклад Генерального секретаря «При большой свободе: к развитию, безопасности и правам человека» // Док. ООН. A/59/2005 от 21 марта 2005 года.
12. Жалобы на нарушения прав человека. Договорные органы. <https://www.ohchr.org/ru/treaty-bodies/human-rights-bodies-complaints-procedures>
13. International human rights system. Asian Pacific Forum of NHRI, 2012. <https://nhri.ohchr.org/EN/IHRS/Documents/International%20HR%20System%20Manual.pdf>
14. Max Planck Encyclopedias of International Law - <https://opil.ouplaw.com/view/10.1093/law:epil/9780199231690/law-9780199231690-e35>.
15. Махаматов М. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослаштирилган муассасаси сифатида Халқаро меҳнат ташкилоти/ «Ўзбекистон ва БМТ: тажриба ва ҳамкорлик истикболлари» мавзусидаги конференция материаллари. –Т.: ТДЮИ, 2007.
16. Мартенс Ф. Ф. Современное международное право цивилизованных народов. М., 1996. Т. 1.
17. Права человека. /Учебник. Отв. ред. Е.А.Лукашева. - М.: Норма-Инфра, 1999.
18. Халқаро меҳнат ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. /Масъул муҳаррир А.Саидов. –Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2008.

19. Хакимов Р. Узбекистан и Организации Объединенных Наций. -3-е изд., доп. –Т.: Zar Qalam, 2006.

20. R. Y. Jennings, ‘Presentation’, in Increasing the Effectiveness of the International Court of Justice (ed. C. Peck and R. S. Lee), The Hague, 1997. 21.Тошев Б.Халқаро ташкилотларнинг муаллифлик ҳуқуқига оид актларининг ҳуқуқий мақоми. –Т. «Voris-Nashriyot», 2007.

5. Электрон таълим ресурслари

1. <https://bigenc.ru/ethnology/text/2639008>
2. <https://www.icj-cij.org/en/case/5/summaries>
3. Salini v Marocco- <https://www.italaw.com/sites/default/files/case-documents/ita0738.pdf>
4. <https://www.italaw.com/sites/default/files/case-documents/ita0716.pdf>
5. <https://www.ohchr.org/ru/about-us/what-we-do>
6. <https://www.justice.gov/jmd/ls/international-courts#international>
7. <https://www.icj-cij.org/en/history>
8. <https://www.un.org/en/about-us/history-of-the-un/predecessor>
9. <https://www.icj-cij.org/public/files/the-court-at-a-glance/the-court-at-a-glance-ru.pdf> - 2021r.
10. https://www.loc.gov/rr/frd/Military_Law/Nuremberg_trials.html
11. <https://encyclopedia.ushmm.org/content/en/article/international-military-tribunal-at-nuremberg>
12. https://www.echr.coe.int/Documents/Court_in_brief_ENG.pdf
13. <http://sudsng.org/>
14. https://web.archive.org/web/20100602011039/http://www.pca-cpa.org/showpage.asp?pag_id=1302
15. <http://www.memo.ru/pravo/hum/zhen1925.htm>
16. <https://iccwbo.org/dispute-resolution-services/icc-international-court-arbitration>

17. <https://www.investopedia.com/terms/i/international-chamber-of-commerce-icc.asp>

18. <https://iccwbo.org/content/uploads/sites/3/2021/03/icc-2021-arbitration-rules-2014-mediation-rules-russian-version.pdf>

19. www.ohchr.org – сайт Верховного Комиссара ООН по правам человека, содержит информацию о ключевых договорах по правам человека, механизмах контроля, доклады государств, заключительные замечания по итогам рассмотрения докладов и др.

20. <https://www.hkiac.org/>

21. <https://sccinstitute.com/ru>

22. <https://www.lcia.org/>

23. <https://icsid.worldbank.org/>

This image shows a blank sheet of white paper with horizontal ruling lines. The lines are evenly spaced and extend across the width of the page. In the bottom right corner, there is a decorative graphic element consisting of several overlapping, semi-transparent light blue shapes that resemble waves or stylized clouds. The overall appearance is that of a clean, unused piece of stationery.

**ХАЛҚАРО СУДЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ
ТАРИХИ ВА МИЛЛИЙ СУДЛАРДА ХАЛҚАРО
ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

Ўқув қўлланма

Мухаррир: _____

Техник муҳаррир: _____

Мусахҳиҳ: _____

Компьютерда саҳифаловчи: Ш. Алибеков

Босишга рухсат этилди: 24.11.2022 й. Бичими 60х84 1/16
Офсет қоғози. Рақамли босма усулда. Times гарнитураси.

Шартли босма табағи 11,1. Нашр ҳисоб табағи 2,4.

Адади 100 нусхада. Буюртма: № 24/04-2.

«RELIABLE PRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди
Тошкент ш. Чорсу майдони, 3-А уй.